

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

САНЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**САНЪАТШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ**

III

2006


УЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

САНЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

САНЪАТШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

III

Илмий мақолалар тўплами



ТОШКЕНТ – 2006

УДК 7(08) 102

Маъсул муҳаррирлар:

Мавлюда Юсупова, м. ф. д.

Оқилхон Иброҳимов, с. ф. д.

Таҳрир ҳайъати:

Эдвард Ртвеладзе, т. ф. д.

Давлат Муллажонов, с. ф. н.

Қалмурза Қурбанов.

Тақризчилар:

У. Қорабоев, ф. ф. д.

Д. Муродова, с. ф. н.

Санъатшунослик масалалари III.

Илмий мақолалар тўплами.

Тошкент 2006 йил – 248 б.

«Санъатшунослик масалалари III» илмий мақолалар тўплами Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган бўлиб, унда санъатшунос ва меъморшунос олимларнинг сўнгги йилларда бажараётган илмий тадқиқот ишларидан намуналар берилди.

Тўплам соҳа мутахассислари – назарийчи олим ва амалиётчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан ихтисослашган таълим тизимларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

УДК 7(08) 102

© «SAN'AT» журнали нашриёти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

15 ЙИЛЛИГИГА

БАҒИШЛАНАДИ

Ватанимизга қутлуғ келган Буюк Истиқлол боис республика-миздаги нафис илмлар маркази - Санъатиунослик илмий-тадқиқот институти ҳаётида ҳам янги давр бошланди. Ўтган 15 йил мобайнида институт ходимларининг илмий фаолият юритиши асослари янги талабларга мувофиқ тарихий синовдан ўтди ва туб ўзгаришларга юз тутди — эндиликда олимлар санъат турларига доир муҳим йўналишларда рақобатбардош илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиб, танлов босқичларидан муваффақиятли ўтган ва Давлат грантларига сазовор бўлган мавзулар асосида иш олиб бормоқдалар.

Кўлга киритилган улкан ютуқлар қаторида энг аввало ўзбек тилининг санъатиунослик ва меъмуриунослик жабҳаларида илм тили даражасига юксалганлигини қайд этиши зарур. Бунинг далилини олимларимиз томонидан бажарилган диссертация ва йирик тадқиқот ишларида, наир этилган илмий монография ва тўпламларда, шу жумладан, «Санъатиунослик масалалари» номида эълон қилинган мақолалар мажмуининг 1-2 китоблари қаторида мазкур учинчи тўплам мазмунида ҳам кўришимиз мумкин. Муҳими, ўзбек тилининг маънодор жилоланиши, теран ифодаланиши қуввати нафис илмлар кесимида ёрқин намоён бўлмоқда.

Янги давр ўзбек санъатиунослигининг салоҳияти тадқиқ этилаётган мавзуларнинг кўлами ва илғор илмий-услубий асосларида ҳам намоён бўладиги, бунда анъанавий санъат турларининг кўп асрлик тарихи, тадрижий ривожланиши қонуниятлари ҳамда замонавий ижод жараёнлари каби устувор йўналишлар ўтмиши ва замон силсиласида узвий идрок этилади. Бу ҳол бадий ижод асрорларини теран англаш, мерос ва яратилаётган янги асар намуналарини тизимли таҳлил этиши ва, шу аснода, давримиз санъатининг ривожланиши тамойилларини илмий ишлаб чиқиши имконини беради.

«Санъатиунослик масалалари» туркумининг мазкур учинчи тўпламидан ўрин олган мусиқа, меъморлик, санъат тарихи, тасвирий ва амалий безак санъати, маданиятиунослик, театр ва кино санъатларига доир мақолалар бу борадаги муҳим одимлардан бири бўлади, деган умиддамиз.

Тахрир ҳайъати

САНЪАТ ТАРИХИ ВА МЕЪМОРЛИК

Мавлюда ЮСУПОВА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРТА АСР СЎФИЙЛИК
МАСКАНЛАРИ МЕЪМОРЛИГИ

Эдвард РТВЕЛАДЗЕ
ИСТОРИЧЕСКОЕ ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ
В ОТДЕЛЕ ИСТОРИИ ИСКУССТВ

Додо НОЗИЛОВ
ЗАРДУШТИЙЛИК ИБОДАТХОНАЛАРИНИНГ
ИЧКИ КЎРИНИШИ

Пулат ЗАХИДОВ
ДВОРЕЦ ТЕМУРА В ТАШКЕНТЕ

Эльмира ИСМАИЛОВА
ВОСШЕСТВИЕ НА ПРЕСТОЛ МОВАРОУННАХРА
АМИРА ТЕМУРА

Валентина ЛУНЕВА
ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ
СЕРЕГ ДРЕВНЕГО УЗБЕКИСТАНА

Бахадыр ТУРГУНОВ
УЗБЕКИСТАНСКОЙ ИСКУССТВОВЕДЧЕСКОЙ
ЭКСПЕДИЦИИ (УзИскЭ) 46 ЛЕТ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРТА АСР СЎФИЙЛИК МАСКАНЛАРИ МЕЪМОРЛИГИ

Ўзбекистоннинг ўрта аср меъморчилигида *работ, хонақоҳ, такия* сингари сўфийлик масканлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур турдаги қурилмаларнинг генезиси ва бажарган вазифалари илмий жиҳатдан ҳали етарли даражада ёритилмаган, уларнинг функцияларини аниқлаш борасидаги дастлабки алоҳида уринишлар эса тадқиқотчиларни турли хулосаларга олиб келган (1, 2). Аслида белгиланган мавзу меъморшуносликда махсус тадқиқот сифатида муфассал ўрганилмаган, балки айрим муаллифлар томонидан бир қадар «тегиб» ўтилган ёки илмий ишларининг умумий кесимида қараб чиқилган, холос (3-6).

Ушбу илмий ишларни, шунингдек сўфийлик ва унинг меъморий масканлари тарихи бўйича илк ва сўнгги тадқиқотларни таҳлил этиш ва умумлаштириш, архив материаллари билан танишиш ҳамда мавжуд манзилларни бевосита ўрганиш натижасида аввалги маълумотларни муҳим қўшимчалар билан тўлдиришга, баъзи ўринларда эса тузатишлар киритишга имконият юзага келди.

Мазкур мақолада биз сўфийлик меъморий масканларининг моҳияти ва ривожланиш босқичларини кўрсатиб ўтишга, уларнинг тарих силсиласидаги функционал ўзгаришларини кузатишга, шунингдек, *работ, хонақоҳ, такия*ларнинг Ўрта Осиёда жорий қилиниши масалалари ҳамда шулар қаторида араб мамлакатларида тарқалган «завия» атамасининг ҳам маъноларини аниқлашга уриндик.

Сўфийлик масканлари меъморчилигининг тадрижий раванқини биз тасаввуф таълимоти ва амалиёти ривожигадаги босқичларга боғлиқ ҳолда шартли тўрт даврга ажратдик. Шуни таъкидлаш жоизки, таклиф этилаётган мазкур даврлаштириш доирасида босқичлар кескин чегараланмайди, чунки гоҳо навбатдаги давр куртаклари аввалги босқичда намоён бўлади. Биз ушбу даврларда сўфийлик истиқомат масканларининг фақатгина умумий ривожланиш тамойилларини белгилаб, уларнинг дастлабки таснифини ҳавола этмоқчимизки,

бунда биринчи ва иккинчи даврлар маълум даражада Ж. С. Тримингэм таклиф этган даврлаштиришга мос келади (7, 90-б.).

Биринчи давр (VIII-XI асрлар)- мусулмон оламида сўфийлик вужудга келгани ва унинг таълимотига оид назарий асослар (илми-ат-тасаввуф) шаклланганлиги билан тавсифланади. Бу даврда мусулмон Шарқининг турли минтақаларида *работ, завия* ва *хонақоҳ* номлари билан юритилган сўфийларнинг илк истиқомат уйлари қурила бошланган. Келиб чиқиш генезиси турлича бўлган мазкур қурилмалар тадрижиёт натижасида биринчи даврнинг охирига келиб тузилиши ва аҳамиятига кўра ўхшашлик касб этди.

Масалан, дастлаб арабларнинг ишғол этилган мамлакатларидаги ҳарбий-миссионерлик истеҳкомлари бўлган *работлар* вақт ўтиши билан асосан карвонсарой кўринишидаги савдохона ва меҳмонхоналарга ва, кам ҳолларда, сўфийлар учун работга айланиб борган. Ўрта Осиёда эса бирмунча кейинроқ, IX асрдан бошлаб фаоллик билан сўфийлар учун махсус работлар қурилган. (8, 85, 101-б.). Насафдаги Муазза ибн Ёқуб (834 й.), Самарқанддаги иккита маскан - Исмоил Сомоний даврида (IX аср) тикланган ал-Мурабба ҳамда Тамғочхон мадрасаси яқинида қад кўтарган ал-Амир (XI) работлари шулар жамласидандир (8, 128-б.). Биз бу иншоотларни ҳовлили композиция қурилиш турига мансуб, деб тахмин қилдик, чунки улар генезисига кўра ҳарбий работ ва карвонсаройлар тузилишига ўхшайди. Ҳовлили бино композицияси деб марказида очиқ ҳовли, айланаси бўйлаб эса ҳужра, умумий хона, пештоқли ёки устунли айвон сингари қурилмалардан иборат иншоотлар мажмуасига айтилади.

Хонақоҳ дастлаб бошпанасиз сўфийларнинг яшаш жойи ҳамда уларнинг ҳамкорликда ўтказадиган диний маросимлари, мубоҳасалари, баъзан эса таҳсил оладиган масканидир. X аср охирларига келиб хонақоҳлар, аввалги вазифаларини сақлаб қолгани ҳолда, яна таълим беришнинг «устоз-шоғирд» (пир-мурид) таҳсилига асосланган сўфийлар марказига айланди.

IX-X асрлар чегарасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда пайдо бўлган биринчи даврга оид хонақоҳлар турфа кўринишларда бўлиб, типологик жиҳатдан ҳали аниқ кўринишга эга бўлмаган. Масалан, монийлар (Самарқандда) ва каррабий-

лардан қолган хонақоҳлар ҳовлиси бўйлаб ҳужралар жойлаштирилган роҳибхона типдаги иншоот бўлган кўринади. Баъзан хонақоҳлар азиз авлиёларнинг қабри олдида қарор топган. Аксинча ҳам бўлган, яъни шайх хонақоҳни ўз уйида ёки бошқа бир тураржойда ташкил этган ва вафотидан кейин ўша хонақоҳ ёнида дафн этилган. Махнадаги (Туркманистон ҳудудида) Абу Саид мақбараси ва унинг қаршисида жойлашган хонақоҳ, шунингдек, Бухородаги Абу Муҳаммад аз-Займуний (ваф. 1025 й.) қабри ва хонақоҳи шулар жумласидандир (8, 91-б.). Маълумотларга кўра, мазкур хонақоҳ бир пайтлар шайх аз-Займунийнинг уйи, гумбазли мақбара эса унинг чилла ўтирадиган узлатхонаси бўлган (9, 78-79-б.).

Завия – дастлаб масжид ичидаги ёки ёнидаги хона бўлиб, унда саводхонлик чиқарилган ва «Қуръон»дан таҳсил берилган. Кейинчалик, биринчи даврда, завия сўфийларнинг истиқомат уйи бўлиб, айти пайтда у ерда шайх ваъзхонлик ҳам қилган ва муридларига таҳсил берган. Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатадики, завия атамаси Ўрта Осиёда асосан хорижликлар (масалан, XIV асрда Ибн Баттута) томонидан қўлланилиб, унинг мазмунида маҳаллий хонақоҳлар англашилган.

Иккинчи давр (XI – XIV асрлар)да сўфийлик тариқатларининг узил-кесил шаклланиши, мусулмон оламида ёйилиши ва ижтимоий нуфузининг тобора ортиб бориши кузатилади. Бу даврда сўфий шайхларнинг қабрларини зиёрат қилиш ва муқаддас янглиғ эъзозлаш ҳоллари кенг тус олади. Вақт ўтиши билан улар атрофида бирин-кетин йирик сўфийлик масканлари тиклана бошланган. Шу пайтдан бошлаб Ўрта Осиё ва қўшгина қўшни ҳудудларда работ ва хонақоҳлар композицион тузилишига кўра бир-бирига ўхшаш, сўз (атама) ифодалари ҳам маънодош бўлиб кетади. Мажмуа кўринишидаги бу қурилмалар таркибида авлиё мақбараси, маросим хонаси (само ёки зикрхона) ва кичик масжид (баъзан бир хона ҳар иккала вазифани бажарган), шайх ҳамда унинг оиласи яшайдиган тураржой, қироатхона ва таҳсил хона, муридларнинг ҳужралари, зиёратга келганлар учун шабоҳ ва меҳмонхона сингари иншоотлар бўлган (11, 72-б.).

Тузилишига кўра бу мажмуалар ҳовузли ва соя-салқинли ховли атрофида қурилган бинолардан иборат бўлган. Кўплаб

хонақоҳ-мажмуалар шундай кўринишга эга бўлиб, уларни XIV асрда марокашлик зиёратчи Ибн Баттута ўз ватанида одатий бўлган «*завия*» сўзи билан атаган. Масалан, Ибн Баттута 1333 йилда Бухорода зиёрат қилган муқаддас қадамжо – сўфий шайх Сайфиддин Бохарзий қабри ва мажмуаси ҳақида шундай ёзади: «Биз Бухоро атрофидаги Фатҳобод номи билан маълум қишлоқда тўхтадик. У ерда энг улуг авлиёлардан бири, тақводор зоҳид, устоз шайх Сайфидин Бохарзий қабри жойлашган. Биз қўним топган шу шайхнинг номи билан аталадиган *завия* улуг даргоҳ бўлиб, унинг каттагина вақф даромадларидан зиёратчиларга таомлар улашилади» (10, 82-б.). Ибн Баттутанинг сўзларини XIV асрга мунсуб вақф ҳужжати ҳам тасдиқлайди. Бу ҳужжатдан маълум бўлишича, иншоотлар мажмуаси таркибига шайх мақбараси ва унга жанубий томондан ёндошган ҳудожўйлар ва йўқсилларнинг доимий тураржойлари ҳисобланган хонақоҳ кирган (12, 166-б.).

Учинчи давр (XIV аср охири – XVII асрлар)- Ўрта Осиёда хонақоҳ меъморлигининг энг гуллаган босқичи ҳисобланади. Дастлаб зоҳидона кўринишда бўлган сўфийлик бу даврга келиб сезиларли ўзгаришларни бошдан кечирди. Хусусан, эндиликда айрим тариқат намояндалари ҳукумат билан жамоат ишларида фаол ҳамкорлик қилиб, айрим ҳолларда ҳадя-эҳсонлар эвазига ҳам бойиб борадилар. Хонақоҳларнинг қурилишида Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ҳам (ҳомий сифатида) қатнаша бошлайдилар.

Сўфизмнинг XV асрдан бошланган ривожланиш даври хусусиятлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қурилган хонақоҳлар меъморлигини бирмунча ўзгартирди. Бизнинг назаримизда бу ҳол куйидаги икки омил билан узвий боғлиқдир.

Биринчидан, мақбаралар қошида қурилган ховли туридаги аввалги хонақоҳлар меъмориал диний марказларга айлана бошлайди. У ерда шарият талабларига кўра, ўша даврда вафот этган сўфийлар мақбарасиз, очиқ осмон остидаги дахмалар (тўртбурчак шаклдаги суфа)да дафн этилган. Эндиликда хонақоҳ тушунчасида бинолар мажмуасининг барчаси эмас, балки асосан маросимлар хонаси бўлган иншоотлар англашилади.

Иккинчидан, бу ҳол Мовароуннаҳрда Нақшбандия тариқатининг кенг тарқалиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Чунки бу

Йўл пирлари қабр устига мақбара тиклашни рад этишган¹, тариқатнинг кўпроқ шаҳарга хослиги ва унинг ибодат амалиётлари хонақоҳлар ҳузурида хизмат кўрсатувчи кўплаб истиқомат хужралари бўлишини талаб этмаган. Нақшбандия тариқати зоҳидлик ва дарбадарликнинг зарурий эмаслигини, айти пайтда бадавлат ва нуфузли муридлар табиатига ҳам мос келадиган ҳуфия зикрни, ҳамда «Даст ба кору, дил ба ёр» ҳаётбахш шиорини (яъни, қўлинг меҳнат билан, қалбинг эса Оллоҳни зикр этиш билан банд бўлишини) тарғиб қилган. Тариқатга эргашганлар орасида нафақат ҳунарманд ва савдогарлар, балки бой шаҳарликлар, аслзода ва ҳукмдорлар, шунингдек, машҳур шоир ва олимлар бўлишган. Масалан, қудратли давлат ҳукмдорлари – Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳруҳ, Абдулазизхон, Абдуллахон, азиз шоирлар – ҳазрати Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, наққош мусаввир Камолиддин Беҳзод ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, тариқат аъзолари ўз оилаларида яшашлари мумкин бўлгани ҳолда, хонақоҳларда биргаликда ўтказиладиган ибодат маросимлари (намоз, шайх ваъзини тинглаш, ҳуфия зикр, тунги бедорлик ва б.), баъзан таълим бериш ёки вақти-вақти билан худойилар ўтказиш учунгина йиғилишган. Бу ҳол хонақоҳларда яшаш ва хўжалик хоналарининг кўп бўлишига эҳтиёж қолдирмаган.

XV-XVII асрлар хонақоҳларини меъморий ечимига кўра уч турга ажратиш мумкин.

¹ Нақшбандий тариқатининг пирларидан ҳазрат Хўжа Аҳрор Валий (ваф. 1490 й.) исломнинг илк кўрсатмаларига амал қилиб қабри устига мақбара ўрнатишни бидъат деб билганлар. Шу боис қабри очиқ осмон остидаги дахмада бўлиб, кўп ўтмай бу ерда ҳовли тузилишидаги Хўжа Аҳрор меъморий мажмуаси тикланган. Кейинчалик бундай мажмуа намунасига нафақат шайхлар, балки ҳукмдорлар ҳам риоя қилганлар. Ҳукмдорлар, пирга ўз тавозеларини билдириш билан, ўзларини очиқ осмон ости дахмада, пирнинг «оёқ учи» томонида дафн этишларини васият қилганлар. Масалан, Мовароуннаҳр хонлари Абдулазиз I ва Абдуллахон II ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабри қуйи томонида дахма остида дафн қилинганлар. Аввалги даврларда кўпчилик Темурийлар, жумладан, Темурнинг отаси амир Тарағай ва Амир Темурнинг ўзи ҳам пирларининг «оёқ томонида» дафн қилинганлар, лекин дахмада эмас. XIV – XV аср бошлари анъаналарига кўра аслзодалар маҳобатли мақбараларда дафн этилганлар.

Биринчи ёки илк тури – бу йирик хонали ва икки ёки уч томонидан устунли айвонлар билан ўраб олинган хонақоҳ (булар биринчи бор турлар гуруҳига киритилмоқда). Мазкур турдаги хонақоҳларнинг генезиси илк сўфийлар масканига айланган ва тадрижиёт натижасида XV асрга келиб бирмунча маҳобатли тус олган одатдаги тураржой бинолари билан боғлиқдир.

Вақф ҳужжатларига кўра, Бухорода 1407-1408 йилларда Муҳаммад Хўжа Порсо меъморий мажмуасида қурилган хонақоҳнинг «шимолий, шарқий ва жанубий томонларида айвони бўлиб, пишиқ ғишт, ганч ва тоғ тоши (санги қўх)дан тикланган», ва, эҳтимолки, томи гумбазли бўлган (13, 290, а - б). Бу устунли айвон билан қурилган хонақоҳ хусусидаги дастлабки маълумотлардандир. Бундай турдаги хонақоҳлар айниқса XII-XIV асрларда кенг тарқалган бўлиб, Ўзбекистонда бошқа турдаги хонақоҳлар билан бир қаторда XX аср бошларигача қурилиб келинган.

XV – XVII асрлар биринчи турга мансуб устун айвонли хонақоҳлар қаторида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: гумбазли йирик хонақоҳлар – Бухородаги Хўжа Порсо, Хўжа Зайниддин ва Ҳазрати Имом, шунингдек, Бухоро вилоятидаги Сўфи Деҳқон, ясси том устунларига таянган хиллари эса Бухородаги Шояхси ва Мавлоно Шариф хонақоҳларидир.

Бироқ, XV - XVII асрларда йирик пештоқ гумбазли, марказида катта тўтбурчак ёки хочсимон тархли зикрхонаси бор, бурчаклар (баъзан 2-3 томондан галереялардан иборат) 2-3 қаватли хужралари жойлашган бино кўринишидаги иккинчи тур хонақоҳлари нисбатан кенг тарқалган эди.

Мазкур турдаги хонақоҳларнинг тархий ва ҳажмий тузилишларини шакллантиришда Мовароуннаҳрда XV асрнинг иккинчи ярмида юзага келган илғор, зилзилабардош гумбазостли конструкция муҳим ўрин тутган. Бу – ўзаро кесишган тўрт равоқ ва қалқонсимон бағаллардан ташкил топган, томни ёпишда қўлланилган конструктив системадир². Бунда йирик хона ўқлари ва бино бурчаклари оғирлик юкани ушлашдан озод этилади. Хона ўқларига чуқур таҳмонлар ёки равоқли йўлаклар жойлаштирилгани боис тархига хочсимон кўриниш бахш этган ва унинг ҳажмини йириклаштир-

² Қалқонсимон бағал – бу ботик, бўйлама (тик) ўқли қалқон кўринишидаги ромбсимон тепа қисм бўлиб, бир қанча равоқларнинг кесишуvidан ҳосил бўлади.

ган. Деворнинг яхлит гиштин тахламлари ортиқча юкидан озод бўлган йирик хона бурчакларига биттадан ҳужра ёки икки қаватли ҳужралар гуруҳи ишланган. Гумбазости майдонида томни кўтариб турувчи тўртта мустаҳкам равоқларнинг кесишуви натижасида (хона шифтининг марказида) кичикроқ ички квадрат вужудга келади. Шу йўсинда ҳосил қилинган ички квадрат қалқонсимон бағаллар ёрдамида ички гумбаз билан ёпилган. Натижада ташқи гумбаз диаметри, демакки томнинг асоси ҳам қисқарган. Баъзан, тўртта ўзаро кесишган маҳобатли равоқлар гумбаз қатламида жойлашиб, уни мустаҳкамлайди ва ташқи томонидан узоқ масофадан ҳам кўриниб туради (Баҳоуддин хонақоҳи), ёхуд баланд пойгумбазда ўрнатилган мўъжазроқ гумбазни кўтариб туради (Қосим-шайх ва Ҳазрати Имом хонақоҳлари).

Баъзи ҳолларда ҳужралар йирик хонанинг томонлари бўйлаб маҳобатли кириш пештоқининг (кенг сатҳида) мустаҳкам пилонларида 2-3 қаватли қилиб жойлаштирган (Ромитандаги Ҳакими Мулломир хонақоҳи).

Бундай пештоқ-гумбазли хонақоҳлар Ўрта Осиёда XV-XVII асрларда нисбатан кўп бўлган. Мазкур меъморий ечимга эга бўлган хонақоҳлар, асосан, ҳукмдорлар ва бадавлат ҳомийлар томонидан ихлос қилинган сўфийларнинг қабрлари олдида бунёд этилган. Булар жумласига XV асрда Махнада (Туркманистон) эски бино ўринда қурилган Абу Саид хонақоҳи, Бухоро яқинидаги XVI асрга мансуб Баҳоуддин Нақшбанд ва Чор Бакр мажмуасидаги Абу Бакр Саъад хонақоҳлари киради. Баъзан хонақоҳлар шаҳарнинг марказий майдонида барпо этилган, масалан, Самарқанднинг Регистон майдонидаги XV асрга оид Улуғбек хонақоҳи³, XVII асрга мансуб Бухоронинг Лабиҳовуз майдонидаги Нодир Девонбеги хонақоҳи шундай иншоотлардир.

Иккинчи турдаги хонақоҳларни тархининг композициясига кўра қуйидаги уч вариантга ажратиш мумкин:

1. Марказли (томонлари бир хил) композицияга эга хонақоҳлар – Махнадаги XV асрга оид Абу Саид хонақоҳи, Косонсой туманининг Пулоти қишлоғидаги хонақоҳ ва Бухоро во-

³ Мазкур хонақоҳ ҳақида З. Бобур шундай ёзади: «Улуғбек мирзонинг иморатларидин қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар». (Бобур Заҳириддин. Бобурнома. Тошкент, 1989, 45-бет). Кейинчалик унинг ўрнида Шердор мадрасаси қурилган.

ҳасидаги XVI асрга оид Қосим-шайх, XVII асрда тикланган Баҳоуддин (қурилишнинг 2-босқичи), Бухородаги Ёрмуҳаммад Оталиқ ва Пешкудаги хонақоҳлар;

2. Бўйлама ўқли ёки чуқур композицияли хонақоҳлар – XVI асрга оид Самарқанддаги Имом Баҳра, Бухородаги Ҳакими Мулломир ва Қашқадарё вилоятидаги Хўжа Илимқон, XVII асрга оид Бухородаги Нодир Девонбеги хонақоҳлари;

3. Кўндаланг композицияли (бош тарзи бўйлаб чўзилган) хонақоҳлар – (XVI аср) Термиз яқинида қурилган Кокилдор хонақоҳи, Файзободаги ва Бухоро яқинидаги Баҳоуддин (қурилишнинг 1-босқичи) хонақоҳлари.

Учинчи турдаги хонақоҳлар – булар бир хонали, пештоқли-гумбазли, бўйламасига чўзилган бинолар бўлиб, аввалдан мавжуд гўрхона ёдгорий мажмуасига туташ қурилган иншоот композицияларидир. Улар ҳам ўз навбатида икки кичик турларга бўлинади:

1. Мақбарага мувозий ўқда жойлашган хонақоҳ – Термиздаги Ҳаким ат-Термизий хонақоҳи;

2. Мақбара билан битта бўйлама ўқда тикланган, лекин ундан бироз маҳобатлироқ бўлган хонақоҳ. Бунга, масалан, Темурийлар даврида Самарқандда Хўжа Абди Дарун мақбараси билан бир ўқда ва Бухородаги Сайфиддин Бохарзий мақбараси билан бир ўқда тикланган хонақоҳларни (14, 109-б.) мисол келтириш мумкин.

Темурийлар даврига оид иккинчи турдаги эътиборга сазовор пештоқ-гумбазли хонақоҳларнинг кўпчилиги бошқа иншоотлар билан бирга турли меъморий ансамблларни ташкил этган. Масалан, Самарқанддаги «қўш» композициясида Муҳаммад Султон мадрасаси ва хонақоҳи (XIV аср, Гўри Амир мажмуасида) тўғри бурчакли ҳовли билан туташган, шунингдек, Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳи ҳам шу усулда тикланган. Хуросондаги «қўш» услубли ансамбллар сарасини Махнадаги Абу Саид мақбараси (XII аср) ва хонақоҳи (XV аср) ташкил этади. Сўфийлик масканлари меъморчилигининг мана шундай гуллаб-яшнаган давридан сўнг тўртинчи, бизнинг даврлаштиришимиздаги сўнгги босқичи бошланади.

Тўртинчи давр (XVIII-XIX асрлар) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй берган воқеалар, мураккаб вазиятлар ҳамда иқтисодий таназзул жараёнлари пировардида хонақоҳ биноларининг ҳажми кичиклашувига сабаб бўлди. Масалан, Бухоро воҳасида, асосан,





мўъжаз гумбазли хонақоҳлар қурилиб, баъзан уларнинг икки томонига тархи «Г» шаклидаги устунли айвонлар туташган. Бу бинолар кўпчилик ҳолларда ҳам хонақоҳ, ҳам маҳалла масжиди ва зифасини ўтаган. Кўпинча бундай хонақоҳлар таркибида бир қаватли хужралар, дарвозахона ва таҳоратхоналар билан бир қаторда ҳовлиснинг атрофида сўфийлар истиқомати учун мўлжалланган хужралар ҳам бўлган. Бухородаги Ҳалиф Худойдот ва Ҳалиф Ниёзқул мажмуаларидаги хонақоҳлар, шунингдек, Куйи хонақоҳ, Шохси сингари масжид-хонақоҳлар шулар жумласидандир.

XIV асрда бир қатор мусулмон мамлакатларида «**такия**» (бошқача ифодаси «**такя**») деб ном олган сўфийлар ётоқхонаси вужудга келади, XVI асрдан эса ушбу меъморий мажмуаларнинг ҳажми ва ҳашамдорлиги орта бошлайди (2, 277-278-б.). Ўрта Осиёда такиялар бирмунча кеч пайдо бўлган ва улар айтарли катта бўлмаган. Масалан, Бухорода XIX аср ва XX аср бошларида такиялар ҳовли тузилишига эга бўлиб, улар «нафақат дарвешлар ва фақирлар учун бошпана, балки бошқа шаҳарларга ёлланма ишга келганлар учун ҳунармандчилик бирлашмалари томонидан қурилган умумий ётоқхона ҳам бўлган» (9, 116 б.). Шунга кўра ҳар бир ҳунармандчилик бирлашмаси ўз маҳалласидаги мусофир касбдошлари учун ўз такиясини қурган. Агар кўпчилик ҳунармандлар у ёки бу шайхнинг муриди бўлганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда такиялар ҳам қайсидир маънода мусофир сўфийлар маскани бўлиб чиқади.

Кўриб турганимиздек, кечки ўрта асрлардаги Мовароуннаҳрда хонақоҳ ва такия атамалари қўлланган бўлса-да, бироқ аҳамиятига кўра улар бир-биридан биров фарқ қилган.

Хуллас, бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда сўфийлик масканлари меъморлиги ва уларнинг атамалардаги мазмун ифодаси бўлган **работ**, **хонақоҳ**, **завия**, **такия** каби ибораларнинг тарихий ривожланиш босқичлари ана шу тарзда кечган. Бинобарин, хонақоҳлар меъморлигининг фаол шаклланиши ва маълум ўзгаришлари энг аввало сўфизмнинг ривожланиши, шунингдек, Мовароуннаҳр меъморчилигининг таджрижиёти ва, айниқса, Темурийлар ва Шайбонийлар даврида жадал тус олганлиги билан ҳам шартланганлиги ҳақида хулосага келишимиз мумкин экан. Бу даврда меъморий тархига кўра иккинчи турга кирувчи Бухоро воҳасидаги «Баҳоуддин Нақшбандий», «Қосим шайх», «Ҳакими Мулломир» номлари билан

УСТУН АЙВОНЛИ ХОНАҚОҲЛАР



Хўжа Зайниддин: 1 план, 2-3 умумий кўриниши, 4 айвон шифтлари.
 Пешкудаги хонақоҳ: 5 план. Ҳазрати Имом: 6 план.
 Шохи Аҳси: 7 интерьер, 8 план. Сўфи Деҳқон: 9 план, 10 кесим,
 11 умумий кўриниши. Мавлоно Шариф: 12 план.

машхур меъморий мажмуалардаги пештоқ-гумбазли хонақоҳлар, шунингдек илк даврга оид Бухородаги икки томони айвонли «Хўжа Зайниддин», «Ҳазрат Имом» сингари эътиборга молик хонақоҳлар барпо этилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бухорода XVI аср бошларида тикланган «Хўжа Зайниддин» хонақоҳи ҳозиргача энг эрта даврга мансуб устун-айвонли хонақоҳ деб ҳисобланар эди. Бироқ, 1407 йилда Бухорода тикланган уч томони айвонли Хўжа Порсо хонақоҳига доир вақф ҳужжатлари Ўрта Осиёда айвонли хонақоҳ ундан қарийб юз йил аввал, яъни Темурий-зодалар давридаёқ мавжуд бўлганидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Маньковская Л. Ю. Ханака, такия, завия //Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX вв.). Ташкент, 1980.
2. Стародуб Т. Х. Средневековая архитектура, связанная с суфизмом: ханака, завия, такия //Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., 1989. С. 268-280.
3. Воронина В. Л. Архитектура Средней Азии XVI-XVII вв. //Всеобщая история архитектуры. Т. 8. М., 1969. С. 304-331.
4. Пугаченкова Г. А. Зодчество Центральной Азии. XV век. Ташкент, 1976.
5. Пугаченкова Г. А. К архитектурной типологии Среднеазиатских ханака //Краткие тезисы докладов к конференции «Ближний Восток, Кавказ, Средняя Азия. Проблема взаимосвязи культур в эпоху средневековья». Л., 1972. С. 14-15
6. Пугаченкова Г. А., Хакимов З. А. Хонако шейха Садреддина - малоизвестный памятник тимуридского времени в Афганистане //Народы Азии и Африки. 1972. N 2. С. 140-144.
7. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989.
8. Камалидинов Ш. С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Са'ада Абдалкарима ибн Мухаммада-Сам'ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, 1993.
9. Сухарева О. А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. М., 1976.
10. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. М., 1988.
11. Ислам: Энциклопедический словарь. М., Наука, 1991.
12. Чехович О. А. Бухарские документы XIV века. Ташкент, 1965.
13. Государственный исторический архив Узбекистана, Вакуфный документ на хонако Ходжа Порсо. Л. 290 а.
14. Бобур З. М. «Бобурнома», Тошкент, 1989.
15. Немцева Н. Б. Архитектурный комплекс на окраине Бухары //Градостроительство и архитектура. Ташкент, 1989.

Эдвард РТВЕЛАДЗЕ

ИСТОРИЧЕСКОЕ ИСКУССТВОВЕДЕНИЕ В ОТДЕЛЕ ИСТОРИИ ИСКУССТВ

Научные исследования, проводившиеся в области исторического искусствоведения в годы независимости Республики Узбекистан, в основном опирались на богатые традиции, разработанные отечественными учеными в предшествующий период. Вместе с тем шел поиск новых подходов и разработка новых тем, которые прежде в силу определенных причин или не изучались или были затронуты в незначительной степени.

Изыскания в области исторического искусствоведения возглавил Научно-исследовательский институт искусствознания Академии художеств Узбекистана, в частности отдел истории искусств, основной задачей которого было изучение истории архитектуры и градостроительства, истории пластических искусств и иконографии, ювелирного искусства древнего и средневекового Узбекистана и глобальных историко-культурных проблем. Они во многом опирались на полевые материалы, обнаруженные в различных городах и регионах Узбекистана, а также на изыскания учрежденной в 1999 г. Тохаристанской экспедиции, продолжившей археологические раскопки городища Кампыртепа с учетом данных, полученных предшествующими археологическими работами в Бактрии и Согдиане.

Итогом изучения стала публикация нескольких монографий ряда ученых, в том числе «Великий шелковый путь» Э. Ртвеладзе, в которой художественная культура Узбекистана рассматривается в широких взаимоотношениях с культурой древних государств Востока и Европы – от Рима до Китая включительно. В 2001 г. монография была удостоена премии АН РУз как лучшее исследование в области гуманитарных наук.

Среди новых тем особо важное значение имеет «История узбекской государственности», разрабатываемая под научным руководством академика Э. Ртвеладзе и доктора исторических наук Д. Алимовой. В этом фундаментальном труде, охватывающем периоды возникновения, становления и развития государственности Узбекистана с древности до современности включительно, впервые рассматриваются проблемы истории искусств, связанные с политикой тех или иных государств.

Надо отметить, что подобная постановка – принципиально новое явление в исторической науке о Средней Азии. Первый шаг в этом направлении осуществил Э. Ртвеладзе в небольшой статье «Эволюция художественной культуры и развитие государственности в Узбекистане» («San'at», №1, 1999), в которой эволюция художественной культуры сопоставляется с выделенными шестью периодами становления государственности. Той же теме посвящена книга Э. Ртвеладзе, А. Саидова, Е. Абдуллаева «Очерки по истории цивилизации Узбекистана: государственность и право», удостоенная высокой оценки такого выдающегося ученого Средней Азии, как академик Б. Литвинский, который расценивает ее как «новый подход и новый шаг» в исследованиях о Средней Азии.

В продолжение этих важнейших историко-культурных проблем Э. Ртвеладзе издана обобщающая монография «Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии» (Ташкент, 2005 г. – 288 с.), в которой на основе обширного археологического и исторического материала впервые в науке в данном аспекте анализируются история цивилизации и государств огромного региона – Центральной Азии, взаимоотношения культур и религий различных стран Евразийского материка, теоретические вопросы, связанные с происхождением и сущностью исторических цивилизаций.

Следует отметить публикации Э. В. Ртвеладзе обобщающего очерка об искусстве эллинистической и античной поры, осуществленной совместно с французским ученым К. Рапэном, в таком фундаментальном издании, как «Les arts de l'Asie Centrale», опубликованном в Париже в издательстве «Citadeles – Masenod» в 1999 г. под редакцией Пьера Шувена.

Отдел истории искусств принимал самое активное участие в таком важнейшем государственном мероприятии, как подготовка и издание книг, посвященных юбилеям городов Бухара, Карши, Термез, Шахрисабз, Хива и исторических личностей Узбекистана – Амира Темура, Имама ал-Бухари, Джалалиддина Мангуберди. Непременными участниками этих книг являются Э. Ртвеладзе, как научный редактор и автор разделов всех изданий, и Г. Никитенко, как автор некоторых глав.

В работах, посвященных Бухаре, Термезу, Шахрисабзу, Хиве разделы по средневековой архитектуре городов написаны

М. Юсуповой, а И. Азимову принадлежит очерк, посвященный архитектуре Хивы. Материалы по миниатюре в некоторых из этих книг предоставила Э. Исмаилова.

Во всех предыдущих работах по ювелирному искусству основной акцент делался на выявление искусствоведческой и историко-культурной значимости ювелирных украшений. Особенности же их изготовления, за редким исключением, оставались за рамками исследований. В. Луновой в основу многолетней научной работы поставлено изучение в первую очередь сырьевой базы, материалов, что позволило более объективно выявить особенности и своеобразие местной бактрийской школы ювелирного искусства. Использование бинокулярного минералогического анализа позволило автору точнее проводить атрибуцию изделий. Все эти данные и выводы изложены в ее монографии «Ювелирное искусство Северной Бактрии» (Ташкент, 2005).

По-прежнему велик интерес к исследованию искусства миниатюры, причем именно Ташкент стал своего рода лидером ее изучения в масштабах центральноазиатского региона. Это подтвердил прошедший в 2000 г. в Ташкенте Международный симпозиум «Камолиддин Бехзад и искусство восточной миниатюры», на котором присутствовали ученые из Англии, Египта, Индии, Турции, Таджикистана. В настоящее время Академией художеств Узбекистана и Академией наук Республики Узбекистан под эгидой Национальной комиссии ЮНЕСКО издан трехтомник «Восточная миниатюра», охватывающий XIV – XX вв., посвященный миниатюрам из собрания Института востоковедения имени Беруни АН РУз.

Одним из авторов этого издания является Э. Исмаилова, которой также опубликовано множество статей, посвященных семантике и символике средневековой миниатюры Средней Азии.

В отделе истории искусств института разрабатываются интересные и важные научные темы, связанные с исследованием античной и раннесредневековой скульптуры (Э. Авганова), а также с монетной иконографией той же поры (Ф. Аюпова).

Археологические работы, проводимые на Кампыртепа, дополнили коллекцию терракотовых статуэток уникальными экземплярами. Их изучение проводилось Н. Шагалиной. Они легли в основу подготовленной ею к защите кандидатской дис-

сертации «Историко-культурная и историко-региональная интерпретация бактрийской терракоты долины Окса III в. до н.э. – III в. н.э.»

Важные исследования в области средневековой торевтики и такого выдающегося предмета, как костяные пластины из Кургантепа, проводит Дж. Ильясов. Этой теме он посвятил множество статей, которые опубликованы как у нас в стране, так и в Германии, Англии, Франции, Японии. Подготовлена к изданию книга.

Основные разработки в области истории архитектуры осуществлялись по периодам развитого и позднего средневековья (IX – XVIII вв.), тогда как архитектура более древних периодов в отличие от предшествующего времени была затронута в меньшей степени. Так, И. Косаковской защищена диссертация, посвященная древней культовой архитектуре Передней и Средней Азии.

Многолетние исследования ученых отдела увенчались созданием фундаментальных трудов по различным малоизученным аспектам истории и теории архитектуры Узбекистана и в целом Средней Азии и защитой ими докторских диссертаций. Так, И. Азимовым были определены традиции и локальные особенности архитектурных школ Узбекистана XVIII – начала XX в., М. Юсуповой выявлены региональные особенности и динамика развития бухарской школы зодчества XV – XVII вв.

Долгие годы оставалась малоисследованной культовая архитектура Узбекистана, связанная, в частности, с весьма распространенной в средневековом Мовароуннахре суфийской практикой. Существенный вклад в изучение архитектуры суфийских обителей Средней Азии был внесен М. Юсуповой. Было выяснено, что ее развитие тесным образом связано с трансформациями самого учения суфизма. Ученой были определены стадии развития и бытования отдельных видов суфийских обителей – рабатов, ханака, такая, выявлен тип ханака, а также не известных прежде сохранившихся и утраченных ханака. Эти ценные сведения были опубликованы М. Юсуповой в цикле статей, изданных в Узбекистане, Франции и Италии.

Сотрудники отдела Э. Ртвеладзе, И. Азимов, М. Юсупова, Дж. Ильясов выступали на многих международных научных конференциях, читали лекции в Ташкенте, Самарканде,

Вухаре, Санкт-Петербурге, Москве, Лахоре, Дели, Дамаске, Эр-Рияде, Афинах, Лондоне, Турине, Париже, Штутгарте, Никосии, Осаке, Оксфорде, Шанхае, Берлине, Сеуле, Нью-Йорке, Хьюстоне, Киото, Токио и других городах мира.

В последние годы активизировались полевые экспедиционные исследования. По-прежнему во многом научные решения важных проблем исторического искусствоведения зависят как от результатов археологических экспедиций вообще, так и от собственных экспедиций Института искусствоведения – Узбекистанской искусствоведческой и Тохаристанской экспедиций в частности. Это подтверждает правильность выбора проекта академика Г. Пугаченковой о том, что изучение истории искусств Средней Азии невозможно без широкомасштабных археологических работ. Основным объектом работ экспедиции отдела являлось городище Кампыртепа, расположенное в 20 км к западу от г. Термеза, на правом берегу Амударьи, у поселка Гагарино (Сурхандарьинский вилоят Республики Узбекистан). Научные материалы о нем публиковались в различных странах мира, в том числе в Америке, Англии, Франции, Японии.

Археологические исследования на Кампыртепа ведутся с 1979 г. с перерывами, а с 2000 г. – ежегодно в течение двух полевых сезонов (весна-осень) Тохаристанской экспедицией НИИ искусствознания под руководством академика Э. В. Ртвеладзе с участием ученых из России, Франции, Японии. За время раскопок было полностью вскрыто три четверти всей площади застройки городища в пределах крепостных стен, общей площадью около 4 га, а также некрополь в пригородной части, заложены многочисленные шурфы и разрезы. Установлено, что городище обживалось с конца IV в. до н.э. до середины II в. н.э. Город-крепость на этом месте был построен Александром Македонским, по-видимому, это и есть Alexandria Oxiana (Александрия Оксианская), основанная им в числе ряда других городов в Средней Азии. В эллинистическое время (III – II вв. до н.э.) этот пункт имел греческое название Пандахейон – гостиница, ввиду его важнейшего значения как место главной переправы и «царской» дороги из Бактр (Балха) в Мараканду (Самарканд).

Последний интенсивный период обживания этого городища приходится на первую половину II в. н.э. – время правле-

ния великого кушанского царя Канишки. Тогда же городище прекращает свое существование из-за разлива Амударьи.

Это обстоятельство делает данное городище уникальным памятником, так как позволяет впервые в научной практике познать инфраструктуру, материальную и художественную культуру кушанского города в пределах власти одного правителя (т.е. 23 года, столько правил Канишка). Равного ему нет на всей территории Средней Азии, Афганистана, Индии, т.е. там, куда распространилась власть кушанской империи – одной из самых выдающихся империй древнего мира наряду с Римом, Парфией и Китайской Хань.

Уникальна и градостроительная структура города-крепости Александрии Оксианской – Пандахейона – Кампыртепа. Он состоял из 11 блоков-кварталов, ограниченных улицами – галереями, обводной крепостной стеной с башнями. Вся эта структура размещается с трех сторон цитадели. Такого рода планировка города-крепости уникальна и не имеет аналогов в Центральной Азии, так же, как и квартальное разделение обжитого пространства, в котором можно видеть прообраз позднейших среднеазиатских махалля. При раскопках городища найдено множество предметов материальной и художественной культуры, исследование которых показало, что город связывали широкие и культурные контакты со странами Центральной Азии, Китая, Индии, Ирана, Восточного Средиземноморья.

Все это указывает на то, что городище Кампыртепа является выдающимся археологическим памятником, имеющим важнейшее значение для истории Центральной Азии, аналоги которому как по площади вскрытия, так и по историко-культурной значимости отсутствуют в этом регионе.

За годы независимости в отделе защищены две докторские (М. Юсупова, И. Азимов), четыре кандидатские диссертации (С. Вивденко, И. Косаковская, Савчук-Курбанов, В. Лунева), подготовлены к защите докторская (В. Лунева) и кандидатская (Н. Шагалина) диссертации.

В продолжение славных традиций, заложенных М. Е. Масоном и С. П. Толстовым, регулярно публикуются «Материалы Тохаристанской экспедиции» (вып. I – IV, 2001-2004), в печать сданы 5 и 6 выпуски, что совсем не практикуется (за исключением Пайкендской экспедиции) другими археологи-

ческими экспедициями, работающими в Узбекистане. Следует подчеркнуть, что Тохаристанская экспедиция проводит свои исследования с экспедицией Музея искусств Востока (Москва, с 2000 г.) – руководитель Т. Мкртычев и С. Болелов – и Елецкого государственного университета (с 2003 г. – руководитель В. Соловьев). В последние годы наряду с Кампыртепа исследования ведутся на городищах Шуроб-Курган и Дабилтепа у кишлака Пашхурд.

Таким образом, отдел истории искусств за последний период внес значительный вклад в познание истории художественной культуры Узбекистана.

ЗАРДУШТИЙЛИК ИБОДАТХОНАЛАРИНИНГ ИЧКИ КЎРИНИШИ

Марказий Осиёда зардуштийлик дини антик даврда шаклланди. Зардуштийликнинг ўзига хослиги шундаки, унинг асосини ёруғлик, эзгулик ва ёвузлик, зулмат каби бир-бирига зид тушунчалар ташкил қилади. Эзгулик ва ёруғлик руҳлари бошида Ахура Мазда (Ормузд), ёвузлик ва зулмат бошида Ангра Майню (Ориман) туради. Бу иккала буюк руҳ борлиқнинг тенг ҳуқуқли яратувчилари ҳисобланган (7, 39-б.) Зардуштийлик ибодатхоналари интерьерида муқаддас оловга сифиниш учун махсус оташкад назарда тутилган. Муқаддас олов билан боғлиқ оташкад Шива, Митра, Анахита, Ахура Маздага бағишланган ибодатхоналарда бўлган. Бундан, Кушон давлатида Хормизд подшоҳлиги даврида зарб этилган тилла тангаларида Шива, Митра, Ахура Мазда тасвирлари билан бирга зардуштийлик рамзи сифатида – муқаддас алтар расми ҳам ишланганлиги далолат беради (9, 146-б.). Нисо мажмуасида айлана тузилишидаги хона диққатга сазовордир. Хона диаметри 17 метр. Хона интеръери, худди шу мажмуадаги квадрат хона каби, икки қават (ярус)га бўлинган. Биринчи қават девори текис, иккинчи қават – ярим устунлар ёрдамида тенг қисмларга (бўлинмаларга) бўлинган. Ярим устунларнинг бош қисми-капители коринф ордерига монанд барглар билан безатилган. Деворнинг ҳар бир бўлинмасида биттадан токча бўлиб, уларда Парфия худолари ҳайкаллари жойлаштирилган. Олимларнинг фикрича, бу хона ўртасида оташкад ёки катта ҳайкал ўрнатилган бўлиши мумкин. Иккала ҳолда ҳам хонада диний маросимлар ўтказилган. Бунга хонадаги сукунатни акс эттирувчи муҳит ҳам гувоҳлик беради. Мазкур ибодатхона ўзининг тарҳи, токчаларидаги ҳайкаллари билан маҳаллий халқнинг диний эътиқодларини акс эттирган ҳолда зороастра динига мансуб бўлиши мумкин, чунки ибодатхона полини тозалашда археолог Н. И. Крашенинникова бурама доирачаларга дуч келинганлигини ва ўз вақтида бу топилмага астойдил эътибор берилмаганлигини таъкидлайди. И. Жабборов ва Г. Дресвянскаяларнинг фикрича, мазкур топилма зардуштийлик динига эътиқоди баланд шахснинг доира бўйлаб тош терилган юзаларда покланишларини эслатар экан (7, 81-б.).

Бақтрияда (Тоҳаристон) III - IV асрларгача марказий ҳовли ҳамма томонидан хоналар билан ўралган бўлса, эндиликда зал, уч томонидан йўлаклар (коридорлар) ва тарз қисмида қатор устунли пештоқ билан чегараланган тарҳ юзага келади. Иккала тузилишдаги тарҳ ҳам асрлар давомида бизгача бироз ўзгаришлар билан етиб келган (16, 85-88-б.) Иккинчи турдаги тузилишни Суғдда ҳам, шу жумладан, Панжикентдаги эҳромларда ҳам кўрамиз. Айвонли пештоқ Марказий Осиё меъморчилигида эҳромларга хос бўлган, деган фикрлар мавжуд (7, 129-б.). Шуни айтиш керакки, айвонли пештоқ Холчаён саройи ва Далварзинтепа антик давр турар уйлари тузилишида ҳам мавжуд. Шунинг учун мазкур тарз саройлар ва турар жойлар тузилиши учун ҳам характерли бўлган.


Ҳар қайси дин белгиларининг маросимлари ўша динга мансуб ибодатхоналар тарҳи, тарзи ва бадиий безагида, асосан интеръерда, ўз ифодасини топган. Жумладан, Хоразмдаги Тупроқ қалъа саройининг «Шоҳлар зали» 280 м² юзани ташкил қилади. Сарой деворларига турли мавзуларда тасвирлар чизилган. Девор бўйлаб йўналган пойкурсиларда ҳайкаллар ўрнатилган. Пойкурсилар сони 24 та ва ҳайкал ўрнатиш учун 3 та токча мавжуд (7, 113-б.).

Хоразмда даставвал бир ой 27 кундан иборат бўлган, деган тахмин-фаразлар бор. У ҳолда «Шоҳлар зали» ҳайкаллари пойкурсиси билан композиция жиҳатдан бир ойнинг барча кунларига мос келар экан. Чунки залда 27та илоҳийлар учун ҳайкал ўрни мавжуд. Улардан ўнинчисидаги асосий ҳайкал Анахитага бағишланган экан, чунки календарда 10- кун сувлар худоси куни ҳисобланган (7, 113-б.). Шоҳлар зали тузилиши жиҳатидан Ахура Мазда ва бажарадиган вазифасига биноан Хоразм илоҳийларига бағишланган (17, 275-281-б.).

Ниқоблилар рақси хонасининг Ю. А. Рапопорт томонидан ишланган тарҳи ва шимолий девори, реконструкцияга биноан (22, 34-расм), хонанинг уч девори марказида биттадан катта-катта, тахмонга монанд бўлинмалар мавжуд. Ҳар бир бўлинманинг икки ёнида саёзроқ токчалар жойлаштирилган. Токчалар атрофининг поғона шаклида ичкари томон кичрайиб борган рамалар билан чегараланишининг ўзиёқ девор юзаси композициясини жонлантириб юборади. Марказий тахмон

деворида аёл билан боши эчкиникига монанд йиртқич ҳайвон ҳайкали, токчаларнинг ҳар бирида бир жуфт эркак ва аёлнинг рақсга тушаётган ҳолати, токчалар оралиғидаги юзада биттадан аёлнинг рақсга тушаётган, девор бурчакларида эса биттадан дойра чалаётган аёллар тасвири ишланган.

Ю. А. Рапопортнинг таъкидлашича, зал марказида тўртбурчак тузилишдаги юзада алтар - муқаддас меҳроб (оташкад Н. Д) бўлган (22, 74-б.). Томонлари тенг катта хонанинг ўртасида тўртта устуннинг бўлиши, улар оралиғида пол юза-сида оташкаднинг жойланиши, шифт марказида тўйнуқ бўлганлигидан далолат беради. Ю. А. Рапопортнинг фикрича, учта катта тахмоннинг бўлиши, уларнинг уч илоҳга бағишланганлигидандир, ва улардан бири (шимолий девордаги си Н. Д.) ўзига ҳамроҳ сифатида йиртқич ҳайвонни танлаган аёллар худоси бўлган (22, 82-б.). Мазкур хона Анахита ибодатхонаси бўлган ва бу хонада Хоразм шоҳи ва маликанинг муқаддас тўйлари муносабати билан диний эътиқодга оид одатлардан бир қисми бажарилган, деб тахмин қилинади (22, 85-б.). (1-расм).



1-расм.

Хоразм. Тупроқ қалъа саройи мажмуасида «Ниқоблилар рақси» номли Анахита ибодатхонаси ички кўриниши (муаллиф реконструкцияси). Ибодатхона интерьери реконструкциясини бажаришда Ю. А. Рапопорт ишлаган тарҳ ва шимолий девор кўриниши тасвиридан фойдаландик.

Панжикентда очилган иккита ибодатхона тарҳи ҳам ўзгача. Уларнинг иккаласида ҳам асосий тўрт устунли (зал) катта хонанинг ҳовли томони очиқ қурилган. Ҳовлидан хона ин-

теръери бутунлигича кўринади. Хона атрофи уч томондан айвон, узун йўлак (коридор) ва бошқа хоналар билан ўралган. Иккала ибодатхонада ҳам асосий хоналарнинг жануб деворида иккита токча бўлиб, уларда ҳайкаллар ўрнатилган. Шу ўринда ибодатхона тарҳига оид бир масалага тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Залнинг уч томондан йўлак (коридор) билан айлантирилган тарҳи аксарият Будда динига мансуб ибодатхоналарда учрайди. Бундай турдаги тарҳнинг Қоратепанда бўлганлиги сабабли Б. Я. Ставиский уни Кушон даврида Бақтрия (Тоҳаристон) Будда иморатларида юзага келган, дейди (20, 30-б.). Б. Я. Литвинский бундай тарҳнинг келиб чиқишини кенг минтақа (регион)да қидириш керак, катта минтақада Ҳинд-Будда, Эрон-Зороастра меъморий ғоялари ўзаро алоқада бўлган шароитда Будда меъморчилиги томонидан ўзлаштириб олинган, деб таъкидлайди (27, 106-б.). Г. А. Пугаченкова шу тартибдаги тарҳни икки турга бўлади: а) коридор ёки йўлакчага монанд бўлинмалар билан айлантирилган зал; б) атрофи коридор ёки коридорга ўхшаш хоналар билан айлантирилган айвон, даҳлизи бор, бир ёки бир нечта зал. Г. А. Пугаченкова мазкур композициядаги тарҳ Парфия, Бақтрия меъморчилигида кенг тарқалган бўлишига қарамай, у фақат диний иморатларга тегишли эмас, балки фуқаро (сарой, турар уй Д. Н.) иморатларида ҳам кенг қўлланган, – деб ёзади (13, 122-124-б.; 14, 166-б.). Ахомонийлар даврида Сузадаги оташпарастлик ибодатхонасида ҳам зал йўлак билан айлантирилган. Парфия оташпарастлик ибодатхоналарида ҳам шу тузилишдаги тарҳ ривожлантирилган (8, 55-б.). Илк кушонлар даврида Далварзинтепа шаҳрининг икки буржида иккита Бақтра маъбудларига бағишланган ибодатхона бўлган. Улардан биттаси квадрат тузилишдаги ибодатхонага эга бўлиб, унинг атрофи йўлак (коридор) билан айлантирилган. Уларнинг иккаласидаги асосий хоналар деворларида ҳам рангтасвир бўлган (15, 94-б.). В. А. Нильсен фикрига кўра, зардуштийлик динига мансуб уч томони йўлак билан айлантирилган ибодатхона тузилиши турли динга мансуб ибодатхоналарда бўлган ва қадимдан қўлланилган. Олим тузилиш кенг тарқалишига қарамасдан, у ҳатто буддавийлик динига мансуб ибодатхоналар учун ҳам ягона тарҳ бўлма-

ган, – деб таъкидлайди (12, 73-б.). Сулаймонов Р. Х. – диний ибодат характери ибодатхона иморат тури билан боғлиқ бўлмаган, – деб ёзади (21, 247-бет).

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг фикрларига асосланиб, Панжикент ибодатхонаси тарҳи унинг зардуштийлик динига мансублигини инкор этмайди, деган фикрга келамиз.

Панжикент ибодатхоналарини А. Ю. Якубовский, зороастра динининг Маздак шохобчасига тегишли бўлиб, Анахита, Митра, Сиёвуш маҳаллий илоҳийларига бағишланган, – деб ёзади. А. М. Беленицкий Манихей динига (4, 66,81-б.), Б. Д. Шкода эса зардуштийликнинг бир шохобчасига тегишли, – деб таъкидлайди (25). И. Жабборов, Г. Дресвянскаялар Панжикент ибодатхоналаридаги катта хоналарнинг шарқ томонга очилиши, зардуштийлик динининг ақидаларига зид,–деб ёзишади. Улар тасвирларда ифодаланган сув фалокати, балиқлар, сув ҳайвонлари ва оёқлари илон думига ўхшатиб чизилган яланғоч одам қомати тасвирини инобатга олиб, ибодатхона сув фалокатини қайтарувчи (худоларга) динга, қўшни ибодатхона эса олов фожиасини қайтарувчи илоҳийларга бағишланган бўлса керак, деган фикрни олға суришади (7, 117-б.).

Ерқўрғон (Суғд) шаҳарчасида археологик қазишмаларда очилган ибодатхона тарҳда узунчоқ тузилишга эга. Ибодатхона кириш эшиги, унинг узун томони девори ўртасида ўрнатилган. Бундай тузилишдаги хона шифтини кўтариб туриш учун, унинг марказида бир ўқда ўрнатилган иккита қалин устун мавжуд. Устунлар учбурчак тузилишдаги гиштлардан терилган. Архитекторлар Н. Ахмеджанова, В. Медведев, И. Лавренова томонидан ишланган реконструкцияда ибодатхонанинг шимолий девори ўртаси қолган қисмидан ва устунлардан анча кўтарилган (21, 40-расм). Деворнинг шу қисми катта ва чуқур токча шаклидаги бўлинмага эга. Шимолий девордаги марказий катта токча-бўлинма, муқаддас ибодатнинг ижро этилиши учун психологик марказ вазифасини бажарган (21, 89-б.). Деворнинг шу қисми кўтарилиши билан кишини ўйлантириб қўяди. Бизнингча, ибодатхона шифтининг шу қисми худди Қоратегин, Дарвоз тоғ воҳаларидаги қишлоқларда учратилган оловхоналардагидек харуза шаклида кўтарилган бўлиши мумкин. Бундай хулосага келишимизга, ибодатхона композициясида баланд деворнинг мавжудлиги даъват этди. Меҳроб олдидаги супаларда юрилмаган, улар қурбонлик жойи

ҳисобланган ва уларда муқаддас буюмлар сақланган (21, 96-б.). Меҳроб олдидаги супада ўчоқ сақланмаган. Муқаддас олов ибодат пайтида махсус идишда келтирилган бўлиши мумкин. Чунки археологлар ибодатхона ёнида муқаддас олов кули тўкилган махсус жой бўлганлигини аниқлашган (21, 96-б.). Келтирилган олов тутини харузадан чиқиб кетган. Шунингдек, харузанинг муқаддас супа устида бўлиши, ибодатхонанинг шу қисмини ҳам ёритган ва ибодатга келганларнинг диққат эътиборини муқаддас меҳроб томон жалб этган.


Ибодатхона токчалари ичи, девор ва устунлар саҳнига тасвирлар ишланган. Супа ва устун пойкурсилари қизил рангга, устунлар саҳни оч-қизил рангли заминга эга бўлган.

Ибодатхона ички тузилиши, унинг девор ва устунларида тасвирларнинг бўлганлиги, ҳамма деворларида катта-катта токчаларнинг мавжудлиги, обида ички кўринишининг ўз вақтида нақадар салобатли ва ҳашаматли бўлганлигидан далолат беради.

Мусиқий манбашуносликнинг бошқа бир боғлиқ қисмини «мусиқий археология» ибораси билан тавсифлаш мумкин. Бунда бизгача етиб келган халқ ва касбий мусиқа ижодиёти намуналари асл маълумотлар манбаи сифатида қаралиб, уларда сақланиб келинаётган турли тарихий даврларга мансуб куй қатламларини аниқлаб олишда икки хил услубий ёндошув қўлланилади. Шулардан бирига кўра, мусиқий мерос мисолларининг парда-оҳанг тузилмалари редукция услуби асосида ўрганилиб, олинган натижалар ёзма манбаларда (рисолаларда ва б.) берилган маълумотларга қиёсланган ҳолда тадқиқ этилади. Бунга мусиқашунос О. А. Иброҳимовнинг тадқиқотлари мисол бўлиши мумкин (10; 11; 12).

Мусиқий археология борасидаги бошқа бир ёндошувни мусиқашунос олима, профессор О. Н. Азимова илмий тадқиқотларида кўрамизки, бунда анъанавий монодик жанрларининг кўп асрлик қадимий илдизлари ва тадрижий ривожланиш жараёнлари мусиқий тил қурилмаларининг мақсадли таҳлили, пойдевор синтаксис қонуниятларининг батафсил ўрганилиши натижасида аниқланади (2; 28, 53-59-б.).

Мусиқий манбашуносликда эришилаётган илмий ютуқлар мумтоз мақом қонуниятларини ўрганиш жараёнида ҳам ўз самарасини бермоқда. Жумладан, мақомшуносликдаги маълум сайъи-ҳаракатлар ўлароқ Ўзбекистонда мавжуд мақом турларини алоҳида ўрганиш ишлари бир нечта босқичда амалга оширилди. Эндиликда, масалан, Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир янги илмий маълумотларни тегишли адабиётлар ҳамда нашр эттирилади.

ган Ўзбекистон Миллий энциклопедияси жилдларидан ўрин олган лўнда мақолалардан тортиб, то махсус таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланма ва монографиялардан олиш мумкин.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, 2003 йилнинг 7-ноябрида ЮНЕСКО нуфузли халқаро ташкилоти Шашмақомни жаҳон номоддий меросининг беназир дурдонаси, дея эълон қилди ҳамда унинг анъаналарини янги шарт-шароитларда сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган махсус дастурни қабул қилди. Ушбу дастур доирасида, жумладан, «Шашмақом сабоқлари» номида мақола ва маърузалардан иборат бир жуфт тўплам (34), ҳамда О. А. Иброҳимовнинг «Ферғано-Ташкентские макомы» монографияси нашр этилди (10).

Ҳозирда хорижда истиқомат қилаётган мусиқашунос Р. Р. Султонова ҳам Шашмақом айтим йўлларининг ритмик хусусиятларига бағишланган номзодлик диссертацияси асосида бир йўла иккита нашрни удалади (31).

Отаназар Матёқубов ўзининг «Мақомот» номли тадқиқотини Бухоро, Хоразм ва Фарғона-Тошкент мақомларини тизим сифатида ўрганишга бағишлаган (15). Муаллиф мақомотнинг тарихий ва туб назарий масалалари, шунингдек ижрочилик хусусиятлари юзасидан ўзгача қарашлар, янги мулоҳаза ва тушунчалар асосида баҳс юритади.

Ўзбекистонда кўп йиллар давомида уйғур халқи мусиқа мероси масалалари билан машғул бўлган, хусусан Или муқомларини тўплаб, нотага олган ва баҳоли қудрат тадқиқотлар олиб борган Абдулазиз Ҳошимовнинг (1939-2003) илмий меҳнати натижалари таҳсинга сазовордир. Олимнинг қатор мақолаларидан ташқари вафотидан сўнг халқаро ташкилотлар ҳомийлигида босмадан чиқарилган «Уйғур касбий мусиқа анъаналари» номли китоби докторлик диссертациясига асосан тузилди (41).

Бундай изланишлар қиёсий мақомшуносликни янада жонлантирувчи омиллардан бўлганлиги Р. Ю. Юнусовнинг «Мақом ва муқом жанрлари қиёсига доир» мақоласида кўзга ташланади (30). Бироз аввал эса тадқиқотчи ўзбек ва озарбайжон халқлари мумтоз мусиқа меросининг турдош намуналарини қиёсий таҳлил этган ҳолда эришган илмий натижаларини номзодлик диссертацияси асосида тайёрлаган «Макомы и мугамы» монографиясидан ўқиш мумкин бўлди (35).

Қиёсий тадқиқот борасида “Мақом ва халқ мусиқа ижодиёти” мавзуи ҳануз мукамал ишланмаган ҳолда қолмоқда. Чунки бу масалада қарийб ярим аср аввал илгари сурилган ғоялардан илдамлаб кетилганича йўқ. Шунингдек, «Мақом ижрочилиги анъаналари» мавзуи ҳам ҳозирга қадар кун тартибига қўйилган муҳим мавзулар қаторидан ўрин олган. Тўғри, ҳофизлик ва чолғу ижрочилиги санъатига доир айрим тарихий маълумотларни Ф. М. Кароматли, А. Ф. Назаров ва А. Б. Жумаевларнинг «Музыкальное, театральное искусство и фольклор» тўпламида чоп этилган мақолаларида ўқиймиз (23). Замонавий кесимда эса бу мавзу О. А. Иброҳимов, Ф. М. Кароматли ва Р. Ю. Юнусовлар ҳаммуаллифлигига мансуб «Ўзбек мумтоз анъанавий касбий мусиқаси» дея номланган мақолада бир қадар ёритиб ўтилган (39). Шунингдек, С. М. Бегматовнинг «Фарғона ҳофизлик анъаналари» номзодлик диссертациясида бу кенг кўламли мавзунинг фақат айрим қирраларигина ёритилади, холос.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, профессор Фаттоҳхон Мамадалиев (1923-1999) миллий хонандалик, созандалик, бастакорлик ила мумтоз ўзбек шеърояти масалалари бўйича устозона билим ва кўникмалар соҳиби ҳамда теран мушоҳадали санъаткор бўлган. У 1993-94 йилларда қоғозга туширган асосан ижрочиликка оид ибратомуз мақолалар мўъжазгина тўпламга жамланган ҳолда ўқувчига тортиқ қилинган экан (14), унинг мазмуни, кейинги авлодлар ёдида сақланмаган маълумоту янгича топилмалари илмий-амалий муомалага киритилиш учун арзигулик аҳамият касб этди.

Мақом чолғу ижрочилиги борасида Р. С. Абдуллаев ва А. А. Малькееваларнинг асосан ўтмиш анъаналарига бағишланган айрим мақолалари мавжуд (23). Ижрочиликнинг бу турига хос «устоз-шоғирд» анъаналари ва уларнинг айрим замонавий кўринишлари Ж. К. Расултоевнинг «Узбекская традиционная инструментально-исполнительская культура» (2004) мавзудаги докторлик диссертациясида, «Ўзбек дутор ижрочилиги» (1997) китоби ва «Созандалик санъати» номли мақоласида маълум даражада баён этилган (39). Зикр этилган ва шу каби илмий ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай мақомшунос олимларимиз олдида мақом ижрочилиги мактаблари хусусида алоҳида махсус ва қиёсий тадқиқотлар олиб бориш вазифалари ҳамон кўндаланг турибди.

Янги давр ўзбек мусиқашунослигида Ватанимиз тарихининг қутлуғ саналари ва улуғ аждодларимизнинг муборак таваллуд ёшлари боис ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Хусусан, юртимизда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги (1997), Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги (1998), Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги (1998), «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги (1999), Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660-йиллиги, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 550 ва 560 йиллиги билан боғлиқ муҳим халқаро тадбирлар, илмий-назарий анжуманлар ташкил этилди, қатор нашрлар юзага келди. Шу жумладан, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бағишлов китоб-альбомларининг мусиқага оид қисмлари салоҳиятли ёритилиши билан ҳам ўқувчи эътиборини тортди⁸.

Ислому мусиқа - мусиқашунослик фанига янги кириб келган мавзулардан биридир. Албатта, бу ўринда «янги» сўзи шартли қўлланди, зеро бу мавзу яқин ўтмишимиз бўлган шўро даврида қалтис ҳисоблангани боис имкон қадар тилга олинмаган, ёки зикр этилса ҳам асосан «маданиятнинг синфийлиги» назариясидан келиб чиққан ҳолда бир ёқлама баҳоланиб келинган. Ҳозирда мавжуд шарт-шароитлар ўлароқ бу мавзунини атрофлича ва холис ўрганиш имкони юзага келди. Бу борадаги дастлабки қадамлар сифатида А. Б. Жумаевнинг «Ислам и музыка» (9) ва А. Ф. Назаровнинг «Музыкальные традиции Среднего и Ближнего Востока» (23) номли мақолаларини тилга олиш мумкин. Лекин бу масалада ҳам ҳали-ҳануз ечилмаган муаммолар оз эмаслиги маълум бўлмоқда. Шу боис бу мавзунини бир эмас, балки бир неча махсус тадқиқотлар асосида ўрганиш лозим кўринади.

Отаҳон мусиқашуносларимиздан Файзулла Кароматлининг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига доир илмий ишлари кўп жиҳатлари билан эътиборли ва ибратли бўлди. Хусусан, «Алпомиш» достони туркий халқлар орасида кенг тарқалган бўлса-да, бироқ унинг мусиқий асослари махсус тад-

⁸ Масалан, қаранг: Бухоро Шарқ дурдонаси. (“Мусиқа” қисми А. Назаров ва Р. Юнусов), “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти”, Тошкент, 1997; Мозийдан таралган зиё. (“Мусиқа” қисми А. Назаров), “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти”, Тошкент, 1998.

қиқ этилмаган, бинобарин, бу хусусдаги илмий тасаввурларимиз мавҳумроқ эди. Профессор Ф. М. Кароматлининг бу маҳобатли дoston таркибидаги мусиқий қисмларни ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ версиялари асосида тадқиқ этганлиги ва эришган илмий натижалари айниқса қимматли бўлган.⁹

Бугунги кунда Мустақиллик шарофати ила улуг бобокалонимиз Амир Темур шахсиятига нафақат тарихчи ва сиёсатшунослар, балки меъморшуносу санъатшунослар ҳам жуда катта қизиқиш ва эҳтиром билан қарай бошладилар. Зеро буюк давлатга асос солган Соҳибқирон даҳоси санъат жабҳасида ҳам оламшумул ишларни амалга оширилишида сабаб бўлгани замондошларимизни лол қолдирмоқда. Маънавий бурч, қарздорлик ҳисси, қолаверса миннатдорлик туйғулари ила олимларимиз Амир Темур раҳнамолигида рўёбга чиққан архитектура ва бошқа санъат намуналарини холис ва ҳаққоний ўрганишга киришдилар. Хусусан, таниқли меъморшунос олим, профессор Пўлат Зоҳидов тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда Соҳибқирон Амир Темурнинг архитектура соҳасида янги давр очганини, беқиёс бунёдкорлигини таъкидлаб, улуг бобокалонимизни «меъморлар меъмори», «ўзи асос солган янги давр меъморчилигининг буюк меъмори» деб эътироф қилади (30, 99-б.).

Мусиқашунос олимларимиз ҳазрат Соҳибқироннинг мусиқага давлат аҳамиятига молик санъат сифатида жиддий эътиборда бўлиб, унинг саройда муқим жорий этилиши, ҳарбий мақсадларда кенг қўлланиши, шунингдек, мумтоз мақом санъатининг диёримизда равнақ топтиришдаги катта хизматларини қадрлай бошладилар.¹⁰

Ғазал мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий шахси ва бебаҳо маънавий мероси мусиқашунослигимизда доим му-

⁹ Ф.М.Кароматли «Ўзбек дostonлари мусиқаси ва унинг «Алпомиш»да намён бўлиши ҳақида». «Алпомиш», Тошкент, Фан, 1999; «Алпамыс» мусиқий асослари. «Алпамыс». Нашрга тайёрловчилар – Файзулла М. Кароматли ва Тўраҳож Мирза. Тошкент, «Санъат», 1999.

¹⁰ Бу хусусда қуйидаги нашрларга қаранг: Амир Темур жаҳон тарихида. Т.Б.Ғофурбеков «Мусиқа», Париж-Тошкент., 1996; Музыкальное искусство Темура и Темиридов. // «ОНУ» журн., 1996 № 5-8; А.Назаров. Амир Темур даври мусиқаси. «Тулистон» журн., №4, 1997. О.Иброҳимов. Амир Темур даврида мақом санъати. //«Шарқ тароналари» йўлдош журналы, № 2, 1997.

ҳим ва эътиборли мавзулардан саналган¹¹. Ҳозирги давр ўзбек мусиқашунослигида «Мусиқий Навоийнома» йўналишининг янги қирралари очилганлиги аён бўлди. Жумладан, ҳазрат Навоийнинг илмий-назмий мероси замонавий мусиқа ижодкорлигида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга мусиқий манбашуносликни ривожлантиришда ва, хусусан, мақом санъатининг ўрта асрларга оид серкўлам ва сермазмун анъаналарини ўрганишда, демакки, мақомот тизимининг илдизларини теран илмий англашда қимматли манбалардан эканлиги ўз исботини топмоқда¹².

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига бағишлов билан чоп этилган Ботир Матёқубов қаламига мансуб «Хоразм дoston ижрочилигининг зарҳат саҳифалари» рисоласи кўҳна дoston жанрининг мусиқий табиати ҳамда маҳаллий ижро услуби билан яқиндан танишишга имкон беради (17).

Ўзбек мусиқашунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган атоқли олимлар фаолиятига боғлиқ илмий анжуманларнинг ўтказилиши ва шу асосда янги нашрларнинг юзага чиқиши ҳам яхши удум тусини олмоқда. Алалхусус, 1993 йили ўзбек мусиқа маданиятининг улкан намояндалари – Юнус, Ризқи ва Исҳоқ Ражабийларнинг хотирасига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди ҳамда унда ўқилган илмий марузалар асосида «Ражабийхонлик» тўплами чоп этилди (28).

Шунингдек, заҳматкаш мусиқашунос олимлардан икки авлод вакиллари – санъатшунослик фанлари докторлари, профессорлар Ф. М. Кароматли ва Т. Б. Ғофурбековнинг муборак ёшга тўлишлари муносабати билан уюштирилган илмий анжуманлар, меҳнат фаолиятига доир монография, маълумот-

¹¹ Эслатиб ўтиш жоизки, яқин ўтган давр ичида “Навоий ва мусиқа” мавзуида монография ва мақолалар чоп этилган ҳамда номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Қаранг: З. Каримова. Навоий в музыке. Тошкент, 1988.

¹² Т. Б. Ғофурбеков Навоий ва мусиқа. //“Навоий” альманахи № 1, 1991 й.; Мусиқа ижодиёти масалалари II (Тошкент, 2002 й.) мақолалар тўпламида: З. Т. Орипов. Навоий даври мусиқа рисоалари; Р. - С. Абдуллаев. М. Бурҳонов ижодида Алишер Навоий сиймоси; О. А. Иброҳимов. Ҳазрат Навоий ва мақом; М. Набиева. 1990 йиллар композиторлик ижодида Алишер Навоий назми.

нома ҳамда бағишлов тарзида босмадан чиққан илмий мақолалар тўплами¹³ маълум маънода ўзбек мусиқашунослиги одимларини намоён этади.

Анъанавий **бастакорлик ижодига оид** тадқиқотлар қамрови бирмунча ортгани қувонарли ҳол, албатта. Эндиликда бу мавзу нафақат мақола ва очеркларда, балки магистирлик диссертациялари ва йирик монографик тадқиқотлар даражасида ҳам ўрганилмоқда. Янада муҳим жиҳатлар эса бажарилган ишларнинг мазмунида кузатилади. Хусусан, профессор Тўхтасин Ғофурбековнинг илмий мақолаларида бастакорлик тарихи, бу жабҳадаги муаллифлик масаласи ва унинг замонавий кўринишлари муҳофиза этилади (22, 36-46 б., 28, 41-49 б., 39, 123-125 б.).

Тажрибали мусиқашунос-ўқитувчи Холида Ғофурбекованинг устоз-созанда ва бастакорлар Комилжон Жабборов ҳамда Саиджон Калоновлар ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалари мазмунида ҳам янги силжишлар сезиларлидир (21). Соибжон Бегматов атоқли санъаткор, устоз Орифхон Ҳотамов ҳаёти ва ижодига мурожаат этган изланишида бастакор қаламига мансуб бир қатор машҳур ашулаларни ноталаштириб, иловада келтирган (5).

Мусиқашунос Равшан Юнусовнинг «Фахриддин Содиқов» номли монографик китоби ЮНЕСКОнинг юқорида зикр этилган дастурига мувофиқ нашр этилди (36). Ўзбек бастакорлари ижодига бағишланган аввалги, асосан очерк услубида ёзилган мусиқашунослик ишларидан фарқли ўлароқ, мазкур нашрда беназир санъаткор Ф. Содиқовнинг ҳаёти, созидалик, бастакорлик ва устозлик ижодий фаолиятлари илк бора муфассал тадқиқ этилган.

Ўзбекистон **композиторлик ижодиётига** оид изланишлар устуворлигини бой берган бўлса-да, аҳамиятини зинҳор йўқотмади. Ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида композиторлик ижодига доир қарийб барча жанрларда (концерт, симфония, мусиқали драма, опера ва б.) асарлар яратилди. Бу хусусдаги

¹³ В. З. Плунгян, И. Г. Галушченко. Тухтасин Ғофурбеков. «Яни», Ташкент, 1998; «Санъатшунослик фанларининг илмий-услубий муаммолари» халқаро илмий-ижодий анжуман. Тошкент, 2005, декабрь; «Ф. - М. Кароматли 80» (маълумотнома, тузувчилар: Р. Абдуллаев, Р. Қосимов), Тошкент, 2005; Санъатшунослик масалалари II, илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2005.

мухтасар маълумотларни профессор Рустамбек Абдуллаевнинг «Композиторлик ижодиёти» номли мақоласидан олишимиз мумкин. (39) Ушбу мақолада, жумладан, Ўзбекистон композиторларининг 1991-2001 йиллар давомида ижод қилган хилма-хил асарларига назар ташланади ҳамда бир қадар умумлашма тавсифи берилади.

Тажрибали мусиқашунос-муаллима, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент В. З. Плунгян ўз мавзуга содиқлигини сақлаган ҳолда, «Майсаранинг иши» операси бадиий-муסיқий моҳиятини ёритишда жонбозлик кўрсатди. Муаллиф Сулаймон Юдаков асарининг саҳнавий ҳаёти, адабий ва муסיқий негизлари, драматургияси юзасидан кўп йиллик изланиш натижаларини тадқиқот сифатида ҳамда машҳур композитор ҳаёти ва ижоди тўғрисида таниқли замондошларнинг фикр-мулоҳалаларини жамлаб, хотира тўплами сифатида биринкетин ўқувчиларга тортиқ қила олди.¹⁴

Тошкент давлат консерваториясининг 60 йиллик санасига бағишлов сифатида эълон қилинган илмий ишлар орасида етакчи тарихчи-мусиқашунослардан бири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Ирина Галушченконинг «Школа профессионализма» номли очерки алоҳида ўрин тутди. Бунда муаллиф мусиқа тарихи ва танқидчилиги кафедраси босиб ўтган йўлни ишонарли манбалар асосида батафсил ёритишга эришиб, қолган кафедраларга ўрнатилган кўрсатган (6).

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Наталия Янов-Яновскаянинг «Музыкальная академия» номли нуфузли муסיқий журналда босилиб чиққан «Одна культура – две традиции» илмий мақоласи ўзининг салмоғи ва долзарблиги билан алоҳида эътиборга сазовордир (37). Зеро халқаро даражада катта обрў-эътибор қозонган тадқиқотчи муаллиф юксак минбардан ваколатини кўрсатиб, ҳозирги замон Ўзбекистон мусиқа санъатига хос буткул янгича сиёсий - мафкуравий, ижтимоий - маданий воқеликларни чуқур ва атрофлича таҳлил этади, етакчи тамойилларни белгилайди, асосли ва ишончли хулосалар ясайди. Ушбу мазмундор «чиқиш» ва унга

¹⁴ В. З. Плунгян. «Проделки Майсары» С. Юдакова. Ташкент, 1992; Сулейман Юдаков в воспоминаниях современников. Штрихи творческой биографии. Автор-составитель В. З. Плунгян. Ташкент, 2003.

хамоҳанг «XX век меняет музыкальную карту мира» мақоласи (29) кўп жиҳатлари билан миллий мусиқа маданиятининг янги раивожланиш жараёнларини кўзлагани боис ўзига хос дастуруламал вазифасини бажарди, десак муболаға бўлмайди.

Маҳмуд Аҳмедовнинг (1925-1996) атоқли композитор ва дирижёр Дони Зокиров ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган йирик монографияси (3), тажрибали мусиқашунос-ўқитувчи И. С. Мальмберг қаламига мансуб композитор Тўлқин Қурбонов ижодига аталган монографик очерки (13), Н. С. Янов-Яновскаянинг давримизнинг отахон композитори Мутал Бурхонов ҳаёти ва ижодини атрофлича ёритишга бағишланган монографиясини (38) ёзиб чиқаришлари орқали ҳурматли муаллифлар ўз касбий бурчларини адо этган бўлдилар.

Назарий мусиқашунослик йўналишида санъатшунослик фанлари доктори О. Н. Азимова ҳамда санъатшунослик фанлари номзоди Ф. Ш. Мухтаровнинг янги тадқиқотлари фундаментал аҳамиятга молик мавзу ва масалаларни тадқиқ этишга бағишланади (2; 19).

П. И. Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси анча аввал ўтказган «Ёш олимларнинг изланишларидан» рукнидаги танлов натижаларига асосан («Мусиқий жанрлар раивожланиши муаммолари» йўналиши бўйича) Дилора Муродованинг опера ва мусиқали драма нисбатлари масаласига бағишланган тадқиқоти 1996 йили алоҳида китобча этиб чоп этилди (20). Муаллиф мазкур сахна жанрларининг Марказий Осиё республикаларида шаклланиши ва раивожланиш йўлларини ўзаро боғланишлар кесимида ёритади. Ёш мусиқашунос Ирина Пунинская ўзининг «Оратория «Сотворение мира» Й. Гайдна в свете его мировосприятия» мавзудаги илмий ишини мусиқа ўқитувчиларига услубий ёрдам тариқасида чоп эттирганини ҳам ижобий баҳолаш керак.

Ўзбекистон композиторлари, бастакорлари, мусиқашунослари, дирижёрлари ва эстрада ижрочилари тўғрисида маълумотномаларга бўлган мавжуд эҳтиёжни қондириш мақсадида бир неча билимдон ва тажрибали тузувчи-муаллифлар ўз қўлёзмаларини нашр эттиришга муваффақ бўлишди.

Бундан бир йил муқаддам Отаназар Матёқубов ўн икки нафар машҳур ижодкор шахслар ҳақида ёзган оммабоп очеркларини китоб ҳолида тақдим этди. (16) Бу тўплам орқали ўқувчилар бир гуруҳ мусиқа маданияти арбоблари билан муаллиф назари ила

яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, Т. А. Головянец ва Е. С. Мейкелар «Композиторы и музыковеды Узбекистана» (1999), К. Т. Азимов «Ўзбекистон дирижёрлари» (2001), А. Ҳ. Жабборов «Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари» (2004) каби қимматли ахборотни жамловчи тўпламлари илмий-маърифий аҳамиятга молик нашрлардан бўлди.

Ҳозирги ўзбек мусиқашунослигида долзарб муаммолардан бирига айланган **мусиқий эстрада** соҳасини илмий ўрганишга жиддий киришилди. Зеро бу даврга келиб эстрада ҳодисаси турфа кўринишларда жамиятимизнинг турли қатламлари орасида кенг ёйилиши асносида яна мусиқа ижодининг бошқа соҳаларига фаол кириб кела бошлади. Жумладан, эндиликда мусиқий фольклор ва анъанавий касбий мусиқа намуналарига эстрада қиёфасини бериш тамойили тобора сезиларли тус олмақда. (7; 39, 107-108-б.).

Шунингдек, «Композитор ва мусиқий эстрада» нисбатидаги ургулар ҳам ўзгарди – «эндиликда кенг тармоқли мусиқий индустрия даражасига етган эстрада соҳаси» шу соҳа шаклланиб оёққа туришига катта хизмат қилиб берган «композиторлик ижодига тобора кучли таъсир кўрсата бошлади ва бу ҳол соҳа мутахассисларини ташвишга солмоқда»¹⁵. Чунки, таниқли олма, профессор Н. С. Янов-Яновскаянинг эътироф этишича, «руҳнинг жиддий меҳнатидан кўра қўнғилхушлик домига тортаётган поп маданиятнинг ҳужуми айниқса мусиқанинг маънавий кучига таянган Шарқ ҳудудлари учун муаммо бўлиб қолди»¹⁶. Юзага келган бу ўзгача вазият мусиқашунослигимиз олдида янги илмий-услубий вазифаларни кўндаланг қўйди. Шу жумладан, биринчи навбатда республикамиздаги мусиқий эстрада воқелигини атрофлича тадқиқ этиш ҳамда шу асосда зарур малакавий тавсия ва қўлланмаларни тузиб бериш ишлари ижтимоий буюртма йўсинидаги заруратга айланди.

Замон талабларига жавобан бу соҳага оид илмий-тарихий ва назарий изланишлар, жумладан диссертациялар амалга

¹⁵ Д. М. Муллажонов. 1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси. Номзодлик дисс., Тошкент, 2004, СИТИ кутубхонаси, инв. № 1002, 99-б.

¹⁶ Н. С. Янов-Яновская. О современном этапе развития узбекской музыкальной культуры // ОНУ, 1992, № 5-6.

оширилди.¹⁷ Хусусан, мусиқашунос О. А. Бековнинг «Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана» номли тадқиқотида эстрада жанрининг келиб чиқиш тарихи ва 1990-йилларга қадар ривож илмий тавсиф этилади. Мусиқашунос Д. М. Муллажоновнинг «1990 йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси» мавзуидаги номзодлик диссертациясида эса бу соҳа ижодкорлигида кечаётган ўзгаришлар атрофлича ўрганилади. Жумладан, унда сўнгги йилларда юзага келган «шоу-бизнес вази яти», ундаги турли оқим ва йўналишларнинг фаол таъсирида оммавий қўшиқчилик жабҳасида бошланган «оҳанг инқирози» ва бу жараённинг композиторлик ижодида ўзига хос кечаётганлиги асосли тарзда очиб берилган ҳамда миллий эстраданинг равнақиға оид муҳим илмий хулосаларга келинган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида эълон қилинган мусиқаға доир мақолаларни ҳам мусиқашунослик фанининг муайян ютуқлари сифатида таърифлаш мумкин. Зеро шу кунга қадар нашр юзини кўрган жами ўн бир жилда берилган турфа мақолалар ўқувчиға Ўзбекистон ҳамда жаҳон халқлари мусиқасидан нафақат қисқа ва мазмундор тушунча беради, балки қатор масалалар юзасидан янгича илмий ёндошувни намоён этади, шунингдек бир қатор машҳур санъаткорлар (оилавий сулоалар тарзида берилиш баҳсли туюлса-да) ижодий фаолиятиға оид энг зарур ва қимматли маълумотларни ҳам «тортиқ» қилади.

Сўнгги йилларда мусиқашуносликнинг мусиқий таълим жабҳаларига сезиларли таъсир этиши натижалари кўрина бошлади. Хусусан, бу ўринда мусиқашуносларимиздан О. А. Иброҳимов, С. М. Бегматов, Ф. М. Кароматли ва Р. Ю. Юнусовларнинг умумий таълим мактаблари учун «Мусиқа» дарсликларини ўзбек ва рус тилларида тайёрлаш ишларига жалб этилганликлари эъти-

борли бўлмоқда. Бинобарин, илмий-маърифий ҳамкорлик мусиқа таълими учун шундай зарурат борлигини кўрсатаркан, демак бу йўналишдаги сайъи-ҳаракатлар келгусида янада жонланади, деб ўйлаш мумкин.

Дарҳақиқат, ўтган ўн беш йиллик Ўзбекистон санъатшунослигининг муҳим тармоқларидан бўлмиш мусиқашунослик фани учун синовли дамлар бўлди, жамиятимиз учун яна бир масъулиятли тарихий доvon ортда қолди.

Шу билан бирга, кузатилаётган даврда айрим «илмийнамо» мавзуларнинг илгари сурилиши ва ҳатто «ютуқ» сифатида баҳоланиши - масъулиятсизлик ва безътиборлик оқибатидир. Бу каби ҳолатлар ўзбек мусиқашунослиги ривожланишиға хизмат қилмайди, аксинча, унинг илғор анъаналарига зид келади. Шунингдек, диссертация ҳимоясидан кейин илмий фаолиятини сабабсиз равишда буткул тўхтатган мутахассисларнинг пайдо бўлиши ҳам ташвишли ҳолдир.

Москвада чоп этиладиган махсус мусиқий-адабий нашрлардан бири бўлган «Музыкальная академия» журналининг 2004 йил 1 сониди «Говорят музыканты Узбекистана» номида давра суҳбати эълон қилинди. Афтидан, бу нашр мамлакатимизда сотувға чиқмагани боис суҳбат иштирокчиларининг ўки бу масалаға бўлган муносабатлари ҳамда билдирган фикр ва мулоҳазалари ўзбек ўқувчиларининг диққат-эътиборидан бутунлай четда қолган кўринади. Бу каби суҳбатларни (эстрада қўшиқчилиги масаласи бундан мустасно!) Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида ўтказилмаётгани эса ачинарлидир. Зеро, муҳокама учун арзигулик масалалар, ечимини топган ўки ҳануз кутаётган муаммолардан лоақал афкор омма хабардор бўлиши табиий эмасми?

Албатта, биргина мақола доирасида амалға ошган барча илмий ишларни муфассал шарҳлаб чиқишнинг иложи йўқ, қолаверса муаллифлар бундай мақсадни ўз олдиларига қўймаган эдилар ҳам. Зотан, мусиқашуносликнинг ҳар бир тармоғи, шу жумладан маърифий, танқидий ва бошқа фаолият турлари ҳам ўз мазмун салмоғи билан алоҳида тадқиқот мавзуларидир.

¹⁷ О. А. Беков. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. Исследование (рукопись), Ташкент, 1994, биб-ка НИИ искусствознания, инв.№931; С. Аманмурадова. Традиции песенного эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова). Автореферат дисс. канд. искусствоведения, Ташкент, 1995; О. Беков, Д. Муллажонов. Миллий эстрада // «Ўзбекистон санъати». Тошкент, 2001; Д. Муллажонов. 1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси. Номзодлик дисс. автореферати, Тошкент, 2004.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Р. С. Обрядовая музыка Центральной Азии. Ташкент, 1994.
2. Азимова А. Н. Вопросы синтаксиса восточной монодии. Ташкент, 1998.
3. Аҳмедов М. Дони Зокиров. Тошкент, "Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси", 1995.
4. Аҳмедова Карима Олимбоева. Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. Тўпловчи ва тузувчи Элмира Аҳмедова. Тошкент, 1996.
5. Бегматов С. М. Орифхон Ҳотамов. Тошкент, 2000.
6. Галущенко И. Г. Школа профессионализма. Ташкент, 1998.
7. Гафурбеков Т. Б. "Эстрадизация" узбекского фольклора: PRO ET CONTRA // Анъанавий маданиятни сақлаш муаммолари. "Бойсун баҳори" халқаро илмий конференция материаллари. Бойсун, 2003.
8. Джами Абдурахман. Трактат о музыке. Перевод с персидского А. Н. Болдырева, редакция и комментарии В. М. Беляева. Ташкент, 1960; Жомий Абдурахмон. Рисола-йи мусиқий. Форс тилидан Нафас Шодмон таржимаси. Тошкент, 1997.
9. Джумаев А. Б. Ислам и музыка // «Музыкальная академия», №3, 1992.
10. Ибрагимов О. А. Фергано-Ташкентские макомы. Ташкент, 2006.
11. Иброҳимов О. А. Мақом ва макон. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 1996.
12. Иброҳимов О. А. Мусиқий археологияга доир. // Ўзбекистон санъатшунослиги. Тошкент, 2003.
13. Мальмберг И. С. Тулкун Курбанов. Ташкент, 1993.
14. Мамадалиев Фаттоҳон. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. Нашрга тайёрловчи махсусмуҳаррир Равшан Юнусов. Тошкент, 2001.
15. Матёқубов О. Р. Мақомот. Тошкент, 2004.
16. Матякубов О. Р. Додекаграмма. Ташкент, 2005.
17. Матёқубов Б. Хоразм дoston ижрочилигининг зархат саҳифалари. 1999.
18. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Бадиий муҳаррир ва нашрга тайёрловчи Б. Матёқубов. Тошкент, 1998.
19. Мухтарова Ф. Ш. Полифония в творчестве композиторов Узбекистана, Таджикистана, Туркменистана. Ташкент, 1993.
20. Мурадова Д. А. Опера и музыкальная драма: к проблеме взаимоотношения жанров. М., 1996.
21. Мусиқа ижодиёти масалалари. Мақолалар тўплами. 1-китоб, Тошкент, 1997.
22. Мусиқа ижодиёти масалалари. Мақолалар тўплами. 2-китоб, Тошкент, 2002.
23. Музыкальное, театральное искусство и фольклор // Ташкент, 1992.
24. Назаров А. Ф. Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида (мумтоз ийқоъ назарияси). Тошкент, 1995.

25. Орипов З. Т. Ибн Зайланинг "Китаб ал-кафий фий ал-мусика" рисоласидаги мусиқашунослик атамалари. Номзодлик дисс. автореферати, Тошкент, 2005.
26. Плунигян В., Галущенко И. Тухтасин Гафурбеков. Ташкент, 1998.
27. Ражабов Исҳоқ. Мақом асослари. Ўрта ва олий ўқув юртлари учун методик қўлланма. Тошкент, 1992.
28. «Ражабийхонлик» илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 1994.
29. Санъатшунослик масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 1998.
30. Санъатшунослик масалалари II. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2005.
31. Султанова Р. Р. Ритмика вокальных частей Шашмакома; О взаимосвязях усюля и ритма мелодии в вокальных частях Шашмакома. Тошкент, 1998.
32. Тоштемиров Н. Б. Жиззах халқ қўшиқлари. Тошкент, 1994.
33. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Нашрга тайёрловчи Каримбек Ҳасан. Шарҳловчи Алибек Рустам. Тошкент, 1993.
34. Шашмақом сабоқлари. 1-2 китоблар. Мақола ва маърузалар тўплами. Тошкент, 2005.
35. Юнусов Р. Ю. Макомы и мугамы. Ташкент, 1992.
36. Юнусов Р. Ю. Фахриддин Содиқов. Тошкент, 2005.
37. Янов-Яновская Н.С. Одна культура – две традиции. // «Музыкальная академия», № 3, 1999.
38. Янов-Яновская Н. С. Муталь Бурханов. Ташкент, 1999.
39. Ўзбекистон санъати (1991-2001-йиллар). // Тошкент, 2001.
40. Ўзбек фольклори очерклари. // Тошкент, 1988.
41. Ҳошимов А. С. Уйғур касбий мусиқа анъаналари. Тошкент, 2003.

МИРСОДИҚ ТОЖИЕВ СИМФОНИЯЛАРИГА ҚИЁСИЙ НАЗАР

Ўтган асрнинг бошларида, тақдир тақозоси билан бирнеча бор АҚШга борган атоқли рус композитори Сергей Прокофьевдан – ҳамма нарсадан бохабар бўлишга ўрганган америкаликлар: – «Ижодкор фожиаси нимада?» – деб сўрашганида: «Умри асарлари умридан ўзиб кетганида!» деган жавоб олишган экан.

Ҳақиқатдан ҳам узоқ ва яқин ўтмишда 70-80 ёш умр кўрган баъзи композиторларнинг атиги 4-5 асарини катта қийинчилик билангина эслаш мумкин. Ва бунинг акси, шундай ижодкорлар борки, уларнинг асарларидан бири – олам бўлса, бири – уммондир.

Миллий симфониямиз, аниқроғи аслан ўзбекона симфонизмнинг энг забардаст намояндаларидан бири – Мирсодиқ Тожиевнинг (1944-1996) умри узоқроқ бўлганида, ёши 60 дан ошар эди...

У, композиторлик ижодиётининг бир қатор жанрларида баракали ижод қилиб бадиий етук асарлар яратган бўлса-да, атиги 26 йил ичида ижод қилинган жами 20 та (!) симфония (сўнггиси тугалланмай қолган) XX аср ўзбек мусиқа маданияти йилномасининг энг юқори чўққиларидандир.

Кетма-кет иккала жумлада энг иборасини ишлатаётганимнинг боиси ҳам шунда. Зеро, жаҳон мусиқаси тарихида симфония ёзган композиторларни ўнлаб, юзлаб санаб ўтиш мумкин. Дейлик, бутун дунё тан олган Вена классик композиторларидан Йозеф Гайдн 36 йил мобайнида (сўнгги маълумотларга кўра) – 105 та, Амадей Моцарт 23 йил ичида – 50 га яқин, Людвиг Бетховен чорак аср давомида – 9 та симфония яратишган. Бироқ, булардан биринчисининг атиги 1-2 та, иккинчисининг эса энг сўнгги симфонияларигина академик – мусиқашунос Б.Асафьев асослаб берган¹ етук ва том маънодаги *симфонизм* талабларига жавоб бераолади. Фақат Бетховенгина ўзининг барча 9 та симфонияси билан жаҳон симфонизми пойдеворини ҳам, илк бақувват устунларини ҳам ўрнатишга муяссар бўлган.

¹ Симфонизм атамаси – мусиқий тафаккур тамойили сифатида илк бор Б. Асафьев томонидан «Пути в будущее» номли маҳоласи (1918 й.)да киритилганлигини эслатмоқчиман.

Қарангки, симфонизм атамасининг рамзига айланган Бетховеннинг илк симфонияси муаллиф... 30 ёшини қоралаб қўйганида ёзиб тугатилган экан! Шунинг учун ҳам немис композиторидан қолган ҳар бир симфония оламшумул аҳамиятга моликдир.

Орадан 65 йил ўтгач Густав Малернинг 22 йил мобайнида яратган 10 та симфонияси ва ниҳоят, XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, 46 йил давомида ижод қилинган – жами 15 тага етган Дмитрий Шостакович симфониялари туфайлигина мазкур симфонизм биносининг қолган устунлари жой-жойига қўйилиб, бу юқори профессионаллик инъикосига айланган мусиқий категория муайян бир яхлитликка эришди ҳамда умумбашарий, ҳар ким ҳам кўтарила олмайдиган ижодий чўққига айланди. Бу чўққини забт этиш учун наинки мукаммал махсус таълим, изчил изланиш, балки Яратгандан насиб этиладиган заковат зарурлигини юқорида келтирилган қисқагина маълумотларимизни ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Мирсодиқ Тожиев мазкур тамойилларнинг барчасига эга ижодкор эди. Мен у билан Тошкентнинг Янгиобод мавзесигаги маҳаллада 10 йил қўшни бўлиб, айрим асарлари, хусусан, симфонияларидан деярли ярмининг яратилиш жараёни қандай кечгани, булар – касбдошлари ва кенг тингловчилар томонидан қандай қабул қилинганлиги, ҳатто Болгарияда ўтган «Ўзбек мусиқаси кунлари»да, ёки 3-Халқаро Осиё мусиқа минбари, Самарканд симпозиумлари концертларида узоқ ва яқин хорижий мутахассисларнинг олқишлар билан тингланликлари гувоҳиман.

Баъзи-баъзида Д. Шостакович ёки И. Стравинский, Б. Барток ёки В. Лютославскийларнинг партитураларини бериб туришимни сўраб чиққанда, нисбатан ёш композитор ўз симфонияларидаги айрим лавҳалар устида ҳам кунни-кун, тунни-тун демай, машаққатли ижодий изланишларни бошидан ўтказганлигини кўрганман. Аниқроғи, жарангдоргина овозидаги ҳиргойиларига қайта-қайта ва яна қайта-қайта фортепианодан зарур садолар топаолаётганлигини ўзим бевосита эшитганман...

Тақдирни қарангки, шаҳар марказида янги «Композиторлар уйи» битганида... яна қўшни бўлиб аввалгидек бирга тинглашлар, вақти-вақти билан қизиб ҳам кетган мулоқотлар давом этди...

Аввалги симфонияларидан Учтинчи, Тўртинчи, Бешинчи ва Олтинчи каби «катта оркестрга» мўлжалланган ва нисбатан кичик камер оркестрлар учун яратилган Еттинчи, Саккизинчи симфониялари Ўзбекистонда, баъзилари эса узоқ ва яқин хорижда ижобий қабул қилинди. Булардан 1975 йилда ёзилиб, «Отам хотирасига» деб номланган Тўртинчи симфонияси эса анчагина оғзаки ва ёзма баҳсларни келтириб чиқарди. Сабаби, бу гал М. Тожиёв, ўз падарибузруквори хотираси билан бир қаторда, Иккинчи жаҳон уруши қурбонларини ҳам эслаб ўтиш мақсадида, Д. Шостакович қаламига мансуб машҳур Еттинчи «Ленинграднома», 1941 й.) симфония тамойилларидан – «босқинчилар лавҳаси»га билвосита, баъзан бевоосита мурожаат қилган. Албатта, у ёки бу мавзуни ифодалашда салафлар тажрибасидан фойдаланиш бадиий ижодда ман этилмайди. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Қолаверса, Д. Шостаковичнинг ўзи ҳам мазкур лавҳада француз композитори Морис Равелнинг «Болеро» (1928 й.) номли симфоник асаридаги кичик барабанларнинг изчил якканавозлиги анъанасига билвосита таянган. Демак, Тўртинчи симфонияда ҳам Тожиёв ана шу йўналишда изланганида маъқулроқ бўлур эди. Шахсан ўзим, 1972-йили яратилган Учтинчи симфонияни ниҳоятда юқори баҳолайман. Зероки, айти шу партитурада М. Тожиёв илк бор «европача» андозалардан анчагина узоқлашиб, дастлабки ижодий, ва муҳими ижобий тарзда ҳақиқатдан ҳам **ўзбекона** симфония кашф этган.

Буни 1-қисм Европа учун одатан бўлиб келган «Соната аллегроси» шаклида эмас, балки тубдан янги – «Соната адажиоси – аллегроси» кўринишида, айти ана шу биргина қисм экспозициясида композитор мақом («Сегоҳ») ва катта ашула хусусиятларини моҳирона уйғунлаштирилганлиги, 2-қисмда эса яна бир мумтоз меросимиз – дoston ашула йўлларида «Найларман» («Ўғлима ўхшайди овозинг сани») асосида шиддатли (тоққатасимон), том маънодаги чолғу полотно яратганлигида яққол кўриш мумкин.

Албатта, бу асарда ва ёш композитор қаламига мансуб айрим бошқа партитураларда, ундан аввал симфоник мусиқа оламига кириб келган, XX аср ўзбек симфонизми **карвонбошиси** Икром Акбаров таъсирини сезиш мумкин. Бироқ янги авлод вакили бўлатуриб ва табиатан теран интуитив ижодий тафак-

кур соҳиби бўлган М. Тожиёв, мавжуд анъаналарга ҳурмат билан ёндашса-да, И. Стравинский таъбири ила айтганда ўз партитураларида – ўз услуби, ўз тафаккури, ўз ижодий қиёфасини доимо кузатиб турган ва эсда тутган.

Композиторнинг кейинги партитуралари, айтиқса, Тўққизинчи ва Ўн биринчи симфониялари ўзбек симфонизмининг янги, маълум жиҳатлари билан умумшарқона аҳамиятга молик тамойилларини белгилаб берди. Гап шундаки, мусиқий мерос соҳасида бизга анчагина яқин – Озарбайжонда Узаир Ҳожибеков, Фикрат Амиров ва Ниёзийларнинг қатор асарларида маҳаллий муғомлар билан боғлиқ тубдан янги **муғом симфонизми** юзага келган ва у кўп мамлакатлар – Арманистон, Туркия, Эрон композиторлик ижодиётига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Мирсодиқ Тожиёвнинг Учтинчи симфониясида кашф этилган ўзбекона мақомларни симфонизмлаш айти ана шу Тўққизинчи ҳамда Ўн биринчи симфонияларида янада кенгайди, ўзгача ижодий натижалар берди. Композиторнинг бу галги ҳар иккала асарида фақат муайян мақом йўлларида изчил таянганлиги, айрим мусиқашуносларимиз томонидан симфония (аниқроғи Европа симфонияси)дан «четлашиш» ва ҳатто «сюита»симон йўлга «ўтиш» дея баҳоланди, турли анжуманлардаги чиқишларда, Тошкентда ва Москвада чоп этиладиган журналлар саҳифаларида мунозараларга сабаб бўлди.

Биз ўша баҳсларда айти ўша журналлардаги («Пора интенсивного возмужания»//Советская музыка. 1981. №7) каби мақолаларимизда бу симфонияларида ҳам, М. Тожиёв, аввалги изланишларини давом эттираётганини, мақомлар замирида Европадан ўзгача симфония турини кашф этаётганлигини қайтақайта таъкидлаган эдик. Мана йиллар ўтиб, кейинги даврда С. Жалил, М. Маҳмудов, М. Бафоев, Н. Фиёсовларнинг талайгина партитураларида ва ҳатто кўшни Тожикистон композиторларидан – Ф. Баҳор, Т. Шоҳидий, Ю. Мамедовлар ижодида ҳам М. Тожиёв тажрибалари, унинг ижодий тамойиллари ўз самарасини бермоқда.

Эслатиб ўтмоқчиман, 1979-йили яратилган Тўққизинчи симфониясида М. Тожиёв Шашмақом таркибидаги «Дугоҳ» мақомининг «Мўғулчаи Дугоҳ» (партитурадаги 1-қисм), «Соқийномаи Мўғулчаи Дугоҳ» (2-қисм), «Сарахбори Дугоҳ» (3-қисм)

ва буларнинг умумлашмаси (4-қисм) каби ашула йўлларини том маънодаги чолғу мусиқа тилига² кўчирган.

Орадан тўрт йил ўтгач, Ўн биринчи симфониясида композитор яна мақом услубидаги боқий куйимиз «Муножот» ва уни туркумлантирувчи «Савти Муножот», «Қашқарчаи Муножот», ҳамда «Уфори Муножот»лардан унумли фойдаланиб, кенг кўламли, бир неча бўлимлардан иборат яхлит партитура яратади.

Йиллар ўтиб М. Тожиев қолдирган асарлар ва авваламбор кейинги симфонияларига назар ташлар эканмиз, ижодкор айрим – «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Наво», «Муножот» каби мумтоз куйларимиз ҳамда улар билан боғлиқ туркумларга қайта-қайта мурожаат қилиб, буларни энг замонавий композиторлик ижодиёти тамойиллари билан мантиқан «пайвандлашга» интилганлигини кўрамиз.

Хулоса тарзида шуни таъкидламоқчиманки, бутун ижоди мубайнида, хусусан, 20 та симфониясидан сунгги 5 тасини Мустакиллик йилларида яратиб, Мирсодиқ Тожиев, уммондек мусиқа меросимизнинг мақом, катта ашула, дoston каби қатламларини – Европа, кенгроқ маънода буткул Ғарб композиторлик ижодиётининг энг юқори палласи бўлмиш симфонизм тамойиллари билан тенгма-тенг ривожлантириш, уйғунлаштириш мумкинлигини амалда исботлаган.

Шундай экан, марҳум ижодкор меросини замон зайлидан келиб чиқиб, астойдил тарғиб ва муҳими, атрофлича таҳлил этиш, асарларини тўла нашр эттириш ва умуман унинг номини абадийлаштириш зарур.

² Қарангки, яна Тангри неъмат қилган ижодий интуиция туфайли, М. Тожиев қарийб 1,5 минг йиллик миллий бастакорлик ижодиётимизнинг асосий (бошланғич) тамойилларидан бўлмиш, чолғу куйларга таяниб - ашула йўлларини яратиш ва бунинг акси, ашулалар заминида - соф чолғу асарлар кашф этиш анъанасига изчил мурожаат қилган кўринади.

Жасур РАСУЛТОЕВ

ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИГА ХОЛИС БИР НАЗАР

Эстрада хонандасининг касбий даражаси мумтоз мусиқа иж-рочилари қаторида миллат бадиий ғояси ва ички дунёсини англаш билан биргаликда, халқ тарихи, социал ўзгаришлар ва маънавий талаб асосида тўлдирилиши лозим.

Бу маълум бир мусиқий оқим ёки шаклга интилиш билан белгиланмасдан, давр бадиий ғоясини жадал томонларига танииб, халқ меросига боғлиқ кечиши мақсадли ҳисобланади.

Ушбу ҳолат бир ёқламалик касб этганда турлича салбий қарашларга сабаб ҳам бўлади. Натижада кечаётган жараён эстрада мусиқасини жамият олдидagi вазифасини чеклаши ёки тўлақонли жанр сифатида ривожланишига йўл бермайди.

Хонанданинг халқ миллий меросига боғланиб ижод қилиши шахсий субъектив ижоддан маънавий бойроқ, миллий-руҳий йўналишга ўтишига имкон яратади.

Винобарин, эстрада жанри – бу турли маданиятлар, халқлар бадиий ғоялари акс этган мусиқа туридир. Лекин унинг барча кўринишларидан энгил мусиқа, инсон руҳига фақат энгиллик кайфиятини олиб кирувчи фактор сифатида қаралиб келинади.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда моддийлик манбаи қилиб олинганлиги боис, ўзбек эстрада қўшиқчилигида касбийликдан узоқ бўлган ижод намунасини авж олишига ҳам сабаб бўлди.

Дилетантлик ўзини намоён қилсада, ёки қилгунига қадар касбийликка салбий таъсирини ўтказиб улгурмоқда.

Бундай ижод турли услублар доирасида қароқчилик қилиш билан биргаликда аранжировка борасида ҳам янгича «халтура» усулини авж олдирди.

Оҳанг ўғирлиги, яъни қароқчилик нокасбий даражадаги мутахассислар орасида «ўзи ёзиб», «ўзи куйловчилар» сафини кенгайтириб юборди. Сунъий тарзда тўқиладиган жўровозлик билан бирга қўшиқчи овозидаги нуқсонларни компьютер ёрдамида «текислаш» ҳам йўлга қўйилди.

Бу ҳақиқий санъатда анъана бўлиб келган узвийликни, хатто давомийликни ҳам инкор қилувчи «инкубатор» кўри-нишни жорий қилди.

«Таниқлилар» орқасидан излаб қувиш, уларга кўр-кўрона таассуб қилиш (назардан қолганларига ҳам) ва саждада бўлиш ҳозирги кунда кенг авж олди.

Бу ўзбек эстрада жанрига нисбатан ўткинчи жанр ёки ному-стақил ижод тури сифатида қаровчилар сафини кенгайтди.

«Ёт тизим услубларига мослашиб ижод қилишдан бошқа чора йўқ», деган фикрлар илгари сурилди. Эстрада мусиқаси бошқа тизимга ўтиб кетди, уни энди халқчил бўлиши қийин ёки мумкин эмас қабалида айтилаётган тезисларни кўпайишига имкон яратилди. Натижада «миллий эстрада» деган тушунча хали хануз мезонсиз қолмоқда ва унга миллий мусиқа жанрлари қаторида ўз эстетик қийматига эга санъат тури сифатида жиддий қаралмай келинмоқда. Шу сабабли кенг кўламли илмий изланишлар натижаларининг (Л. Юсупов, С. Аманмуродова, Д. Муллажонов) мавжудлигига қарамасдан муайян назарий позиция ҳам исботини топмай келади. Илмий-таҳлилий мақолалар четга сурилиб, даражаси етарли бўлмаган, «кўпчилик ўқийдиган», конъюктурага асосланган чиқишлар, газета ва журналлар саҳифаларидан жой ола бошлади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси мунтазам равишда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида кўрик-танловлар, фестиваллар, форумлар ўтказиши, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда илмий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилишига қарамасдан эстрада қўшиқчилигида ижод қилаётган шон-шуҳрат ва моддий бойлик дардида куйлашга хавас қилган шахслар фаолиятини чеклаши қийин кечмоқда. Мазкур ижрочиларнинг ижро «маҳоратлари»дан кўра маънавий «бойликлари» таҳлил доирасига кирди ва кўпроқ журналистлар ва мазкур жанр шинавандалари эътиборини тортди. Бу бир томондан касбий ижрочи маънавий тўқлигини таъминлашга даъват бўлса, иккинчи томондан қалам «ушлашни» ўрганувчилар учун «эрмак» машқига айланиб қолди. Халқ орасида оғзаки танқидлар манбаига айланди ва хонанда маънавияти, саҳна маданияти, репертуари ушбу танқидлар негизини ташкил этди. Шунга қарамасдан, дилетантона яратилган асарлар ва улар ижрочилари ёшлар орасида марказий бадиий озуқачиларга айланди. Натижада айрим ёшлар ва «чала санъат» орасида «символик» боғлиқлик пайдо бўлдики, ушбу ҳолат халқ реал

қаёт тарзини акс эттирмай қўйди. Маънавий-хулқий куч ва хусусиятга эга бўлган гуруҳлар сони орта борди ва фаолияти кенг тус олди. Улар халқ маънавий дунёси, унинг метаморфозасидан йироқ «ёт ижод маскаси» соҳиблари бўлиб, мусиқий меросни «ширма» сифатида қабул қилган ижрочилардир.

Миллий эстрада санъатининг шаклланиш даври унинг миллий мусиқа билан муштарақлиги жиҳатлари нималардан иборат?

Мураккаб тизимга эга бўлган ўзбек оғзаки касбий мусиқа санъати мусиқий эстрадани ўз тизим доирасида ўз канонлари асосида ривожини таъминлаши тўғрими? Ёхуд улар алоҳида ўзинга хос тизим асосида-алоҳида фаолият кўрсатадими? Бинобарин, эстрада санъати ўзбек миллий қўшиқчилик анъаналари асосида таркиб топиши лозим бўлса, мазкур жанрни шакллантирган миллатнинг борлиқ ҳақидаги тушунчаси унда мужассам этиладими? Ушбу саволларга ўзбек мумтоз мусиқа санъатидан воқиф бўлган эстрада хонандалари «шарт эмас» қабалида иш тутадилар.

Ваҳоланки, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилиги тамал тошини қўйган Ботир Зокиров ва унинг издошлари, замондошлари Юнус Тўраев, Стахан Раҳимов, Алла Йошпе, Муҳаббат Шамаева, Раъно Шарипова ва бошқа индивидлар ўзбек эстрадаси саҳнасида миллий ва номиллий куйлаш услубини синтезлаштириш натижасида уни шаклан ва мазмунан уйғунлаштиришга эришганлар.

Мазкур боғлиқлик турли меъерий кўринишларга эга. Пировардида ўзбек касбий қўшиқчилигидаги нола, қочиримлардан фойдаланиш техник хусусиятлари хатто жаҳон эстрада юлдузи Майкл Жексон табиатида ҳам мужассамлашмаган. Шундай экан нима учун қайд қилинган юлдуз ёки бошқа юлдузлар услублари ифода топиши шарт бўлиши керак?!

Мумкин, бундай таққослаш ноўриндир. Мумкин, уларда мужассам бўлган ижро техникаси кўп жиҳатлари билан бизнинг касбий эстрада қўшиқчиларимизникидан устундир. Лекин, улар ўта қадимий маданиятини, урф-одатларию, қадриятларини асрлар давомида сақлаб, бойитиб келаётган халқ вакилларида бадиий-ғоявий жиҳатдан устун эмаслар. Ана шу миллийлик унсурлари муштарақ бўлган ижрочилик тизими қаёт қонуниятлари кесимида дунёвий тасаввурга эга бўлган

Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Мардон Мавлонов, Насиба Абдуллаева каби қатор ижод соҳибларини етказиб берди. Уларнинг овоз динамикаси, диапазонлари ва тембрлари энг машҳур ҳисобланган Майкл Жексондан ҳам, Гугушдан ҳам юқори эканлигини эътироф этиш тўғри бўлади.

Мерос ва замонавий ижрочилик анъаналарига эстрадани пайвандлаш учун нафақат унинг мазмуни, қолаверса ижод хусусиятини ҳам тушунмоқ даркор. Мерос ва ҳозирги замон миллий муסיқаси оралиғидаги умумийлик ва ижро принциплари қандай кечишини ҳамда яхлит муסיқий тур сифатида қандай унсурларга эга бўлмоғини англамоқ лозим. Бунда умумийлик анъаналари, яъни бадиий тизим, бадиий тил бутунлиги ва миллий ижод белгилари қандай кўриниш касб этишини ҳис қилиш, тасаввурлаш аранжировкачилардан ташқари товуш инженери, саундмен, овоз оператори, овоз режиссёри, клипмейкер ва продюсерлар учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Мазкур хусусиятлар етишмаслиги боис, баъзида иқтидорли қўшиқчи тақдири гуруҳ иштирокчилари, айниқса, миллийлик туйғуси шаклланмаган аранжировкачи қўлида нотўғри йўл, самарасиз ижод орқали миллийликка қарши йўналтирилади. Қўшиқнинг табиий имконияти, бадиий тафаккури «янгилик», «замонавийлик» мезони асосидаги ижод тизими қобиғида «янгиланади». Қўшиқчида нафақат турли руҳдаги ижодкорлар санъати намунаси, балки миллийлик ва замонавийлик унсурлари ва уларнинг қўшилишига тўсқинлик қилувчи тушунча шаклланади.

Хорижда ҳам бизда ҳам яратилган ҳар бир асар бир кишининг ижод маҳсули эмас. Уни яратилишида қайд қилганимиздек бир қанча касб эгалари иштирок этадилар ва продюсерга етиб келгунига қадар барча иштирокчилар фикри мужассамлаштирилади. Шу боис ҳам қўшиқ яратилишида иштирок этадиган мутахассислар миллийлик анъаналарини яратилаётган қўшиқча сингдиришлари ёки ўз қўшиқчиларини оғзаки-касбий ва фольклор ижрочилиги намуналари асосида тарбиялашлари лозим. Билъакс, ўзбек эстрада қўшиқчилигида (бошқа халқларда ҳам) миллий фольклор анъаналарига таяниб ижро қилиш дилетант қўшиқчилар ва улар ҳамкорлари учун муаммолар туғдиради. Ножўя сунъий тақлидлар натижаси фольк-

лор намуналаридан фойдаланиб яратилган асарларда ҳам сохталikka сабаб бўлади. Бунинг сабаби, фольклор намуналарини аранжировка йўли билан эстрада тизимига тушуришда унинг эстетик вазифасини англамаган аранжировкачилар сафини кўпайиб бораётганлигидир.

Миллат туйғусига ёт услубда сараланадиган жўровозлик (ҳинд, эрон, турк, ҳамда Европа ва Америка халқлари эстрада қўшиқчилари репертуарларидан олинад) ҳам аранжировкачилар ижод маҳсули бўлиб, ушбу бадиий ҳодиса муаллифлари на ижодий, на бадиий жиҳатдан ўзаро боғланмаганлар. Бунинг натижасида тингловчи эътиборига ҳавола қилинаётган қўшиқларда халққа, миллатга тегишли қисми қаеридалигини ҳеч ким сезмайди. Умуман, миллийлик ҳақида гап кетганда миллат менталитети ички дунёси, тафаккур олами, ҳаёт тарзини ўзида мужассам этган санъат турига нисбатан айтиб ўрганилган.

Эстрада муסיқасининг дилетантлар (десак тўғри бўлади) ижросидаги услуб, ёки йўналиш ҳақида гап юритишдан аввал, уни ана шу ижрочилар талқинида англаш ва мазкур ижод турида ўзига хос қонуниятлар мавжуд дейиш ноўрин бўлади.

Умуман олганда эстрада қўшиқчиси ўз миллий қўшиқлари доирасида чекланиб қолиши ҳам ушбу жанр табиатига ёт ҳисобланади. Ботир Зокиров (Араб тангоси), Юнус Тўраев (Маричка), Мансур Тошматов (Рус қайинлари) ва бошқалар ижодларида дунё халқлари қўшиқларининг юксак маҳорат билан ижро этилиши, умумжаҳон эстрада қўшиқчилигида ёрқин саҳифалар, десак муболаға бўлмайди. Ушбу касбий жараён айрим «юлдузлар» учун нафақат илҳом ёки бадиий ғояга чорловчи кўрсаткич, балки унутилган, керак бўлса вақти ўтган услуб намунаси сифатида қаралмоқда.

Бунинг ўрнига фальш интонациялар ва эротик саҳна ҳаракатлар билан «бойитиладиган» хулқий кўринишлар қўшиқчилар ижодида намунавий ўлчам сифатида ифода топмоқда. Янгича ритмик шакл, янги оҳанг тизими, янгича интонация, қўйингки янги бир ижро турини саҳнага олиб кириш ҳаракатлари маънавий маданиятимизга зидлиги ҳис қилинмаяпти. Зеро, кучли миллий анъаналар қобиғида шаклланган муסיқий тизим ва унинг мавжуд услубларини ўзига сингдириш ўрнига унга хориж анъаналарини зўраки пайвандлаш билан муаммо ечимини топмайди.

Қароқчилик оқибатида у ёки бу халқ қўшиқчиси репертурига ямоқ солиниб, «қуроқ» оҳанглар тузилмаси ҳосил қилиниши етмагандек, ўзларини Тотлисас, Хюстон, Таркан ва ҳоказо қилиб кўрсатишга уринишлар кўпайди. Хориж қўшиқчиси қўшиғининг бадиий сифати, маънавий даражасидан қатъий назар шон-шухратга кўр-кўрона интилувчи тақлидчилар учун ижод мезонини белгилай бошлади. Лекин, ижод мезонини аниқ бир формулага эга бўлмаса-да, у биз билан халқимиз ҳаётида бирга яшайди. Уни қидириш ҳам керак эмас, уни англаш ва сингдириш лозим.

Тотлисас, Хюстон, Таркан ва ҳоказо хориж эстрада қўшиқчиларига тақлид қилинганлиги камдек, улар томонидан қўлланадиган турли қочиримларни ўзбекча сўзлар билан оҳангга «чаплаш»лар бемалол давом этмоқда.

Бунга оддий бир дилетант ёки дилетантлар томонидан йўл қўйилаётган хато сифатида қараш керак эмас, унинг замирида моддий манфаат ҳам ётишини англашимиз лозим.

Бунда бадиий сезги ва эмоционал ғояга эга бўлиши лозимлиги эмас, балки бесамар тақлидни кўчирма қилиш биринчи туради. Пировардида, бадиий ижод намоёндаларига хос сезги у ёки бу асарни яратилиши ва ижро қилинишидан ташқари, унинг «бутунлигини» таъминлаш мақсадида хорижликлар интонациясига эмас, халқ меросига «пайвандлаш» орқалигина замон нафасига мослаш мумкин. Замон нафасини сеза олиш ҳар бир қўшиқчи ёки аранжировкачининг ички бадиий сифатини, қолаверса ривожланиш аслини таркиб топишини таъминлашга хизмат қилиши табиийдир. Зеро, эстрада қўшиқчилиги учун муҳим омил бўлган анъана ва замонавийлик, улар муштараклигини таъминловчи унсурлар яхлитлиги таъминланмаса, ҳар қандай миллий ижро ўз-ўзини инкор қилишдан тўхтамайди.

Маълум бир асосларсиз қарашлар, керак бўлса фикрлар ёрдамида миллийлик асосида яратилган қўшиқлар ва улар ижрочиларига тингловчилар томонидан бериладиган баҳолар ҳам бир ўлчамга тушиб қолди. Фольклор намуналари асосида яратилган қўшиқлар «замонавий» эмаслиги, дилетантлар томонидан инкор қилина бошлади. Фольклор намуналарини «замонавий эмас» дейишни нотўғри эканлигини, зеро уни замон руҳига мос ҳолда халқ орасида «яшаб» келаётганлигининг ўзи за-

монавийлик эканлигини тушуниб етмаслик — бу миллийликни ҳис етмаслик омилини келтириб чиқарди. Маълумки, замонавийлик ўтмишдан ажралиб ривож топмайди.

Ваҳоланки, касбийлик сари интилиш, ёки касбий ижро халқ санъати, хусусан мусиқа санъати тизимида ўз аксини топган ва турли маҳаллий ижро анъаналарини ўзида мужассамлаган.

Касбийлик даражасида қилинадиган ижод намунаси маънавий, эстетик қиймати билангина ажралиб турмасдан, қўшиқчининг овоз тембри, диапозони, техникаси, интонацияси ҳар бир асар ижросига алоҳида ҳиссиёт билан ёндашувида кўрилади. Ижод яхлитлиги мужассам бўлган санъаткорда табиий иқтидор, мусиқий савод ва миллий маънавият яқдиллиги уйғунлашади.

Замонавийлик тушунчаси нафақат миллийлик аломатлари акс етмаган маълум бир дилетантлар гуруҳларини пайдо бўлиши, балки миллий мусиқий мерос намуналаринини ҳис этиб улгурмаган ёш тингловчилар маънавий-руҳий оламига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Албатта, эркинлик дилетантлар учун хориж қўшиқчисидан қайси хатти-ҳаракат ва кийиниш услубини ўзлаштириш учун қулай имкон ҳисобланади. Дилетантнинг «шахсий услуги» миллий санъат тизимида ўзини эмас, балки миллий санъатни «ўз тизимида» кўриш аломатларини ҳам пайдо қилади.

Замонавийлик фақат замонавий, анъанавийлик фақат анъанавий қарашлар билан чегараланиш эмас, албатта. Халқ йўлида ижод қилувчи касбий санъаткорлар замонавий турмуш тартига мос ҳолда ёки аксинча, замонавий санъат намоёндалари халқ анъаналарига амал қилган ҳолда ижод қилиб келишган.

Дилетант «орзумандлар» «қандай хоҳласам» асносида «йўл тутганлари» боис, барча бадиий тизим жараёни учун хос бўлган «халтура» аломатлари юзага чиқди. Агар ички тузилишини, шаклини ва унинг бадиий ечимини банал кўринишдаги «псевдо янгилик» эгаллади. Бу кўриниш эстрада ижро услугида ўзбек анъанавий канонларига зид бўлган формал кўринишни илгари сурди.

Қўшиқчи туйғуси ва тингловчи ораларидаги бадиий ғоя узвийлигини тизимлашмаган товушлар уммони боғлади. Натижада халқ меъёрий ижрочилик канонлари таркибидаги товуш ҳосил қилиш билан боғлиқ унсурлар вазифалари чекланди, санъат «тилига» зид томоша таркиби вужудга келди.

Бу нафислик, мазмунлилик ва маъно касб этувчи асарлар ва улар ижроларига зид ҳолдаги «йўл топмаган» дилетантларнинг «техник» шов-шувларидан бошқа нарса эмас, албатта.

Улар қўшиқни бамисоли ҳаётдан олгандек, «ҳаётий» талқин қилишга уринишлар, ўзларини ана шу «ҳаёт» анъаналари иштирокчилари сифатида намоён қилишлар сохта, совуқ, сунъий ва ўзбек миллати ҳаёт тарзидан узоқ асарлар яралишини таъминлади.

Бундай «эволюцион» қарашларга асосланган ижро талқинлари миллийликка асосланган замонавий ўзбек мусиқасининг барча турлари орасида яхлит ривожланишининг қийин кечishi уларда тушунимлик шаклнинг йўқлигидир. Яхлитлик ва бадийликни англаш тушунчаси фақат хорижона кўриниш ва ундан кўчириш, нафақат мусиқий мерос анъаналари, қолаверса замонавий эстрада анъаналаридан ҳам йироқ бўлган услуб ривожига имкон яратмоқда. Пировардида, касбийликка эришган ва ўз миллий йўналишига эга бўлиб бораётган хонандалар ва ўзига хос тур сифатида қаралаётган ушбу жанрнинг узил-кесил миллий андозаси шаклланишига халақит бермаслиги лозим.

Ваҳоланки, халқ мусиқаси ва у асосида тарбияланган қўшиқчи нафақат халқ мусиқаси, балки замонавий мусиқа ижодиётида ҳам кенг маънодаги иштирокчи ҳамдир. Ана шу феномен ижрочи талқинида ифода этилиши ва «ўзбекча» деб яратиладиган асарлар мазмунида акс этиши лозим. Ушбу жиҳатлар қўшиқчи талқинида мужассамлашганда, оригинал, бадий жиҳатдан етук, миллийликка дахлдор асарлар яратилиши таъминланади. Зеро ўзининг 15 ёшини нишонлаётган мустақил Ўзбекистон учун мустақил фикрли, бадий жиҳатдан баркамол, фидоий санъаткорлар керак.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ

УЗБЕКСКАЯ МУЗЫКА НА РУБЕЖЕ СТОЛЕТИЙ

Узбекистан издавна интересен многонациональной аудиторией, но тем не менее для нашей республики (как и для других республик в регионе Центральной Азии) свойственна коренная национальная культура, в которой, сосуществуя и взаимодействуя, развиваются два основных пласта: традиционный (изустный, монодический) и новый для XX столетия, композиторский (письменный, многоголосный). Восток приобщился к композиторскому творчеству, позволяющему чутко реагировать на динамику и изменчивость окружающей действительности во всей её многокрасочности, многоликости, то есть к искусству так называемого европейского многоголосия. Началась эра равноправного диалога. XX в. воистину меняет «музыкальную картину мира»: традиционные общества, замкнутые в системе собственных эстетических координат, открываются навстречу контактам с внешней средой, приобщая свои самобытные формы к общечеловеческому духовному богатству.

Процесс приобщения музыкального искусства Узбекистана к европейским формам значительно отличался от подобного процесса в других мусульманских странах, вовлеченных в XX в. в «вестернизацию», где сохранялся исламский контекст развития, европейские воздействия воспринимались в ходе постепенного их включения в местную культуру по мере вызревания внутритрадиционных видов новых музыкальных компонентов. В такой ситуации для республики единственно возможным оказался путь ускоренного развития искусства или совмещения этапов как основного принципа эволюции, связанного с поворотом музыкальной культуры в новое русло.

Именно здесь, как и в других республиках Центральной Азии, повсеместно сложились два крупных музыкальных пласта: музыкальный фольклор и изустно-профессиональная музыка, несущие национальные традиции. По сравнению с фольклором (в котором творцом, исполнителем и слушателем выступает масса – народ), второй пласт имеет более развитую структуру, отличается более сложными средствами и приемами; такая музыка доступна лишь исполнителям высокой квалификации, обладающим при этом творческим даром импро-

визации и канона. Эта музыка передавалась изустно от мастера к ученику («устоз-шогирд») и шлифовалась в течение веков. К ним относились такие развитые по форме и мелосу песенные жанры, как ашула, сувора, накш, катта ашула и др., эпические сказания – дастаны (со своеобразной манерой исполнения); крупные вокально-инструментальные циклические жанры – макомы. Искусство это обладает высокими художественными достоинствами. Поражает устойчивая логика мелодико-интонационного развертывания, острое ощущение кульминации (ауджа), ритмическая изобретательность, стройность больших композиционных построений, рельефность эмоциональных состояний, философичность и возвышенность музыкально-поэтического содержания, интонационная выразительность, красота мелоса и т.п. Традиции изустно-профессионального творчества (включая и творчество узбекских бастакоров) прочно живут в музыкальном быту и оказывают огромное влияние на формирование и развитие многих жанров современного национального песенного искусства. Но, как известно, данная музыка в XX в. подвергалась гонениям, не избежала потерь, пострадав от жесткого идеологического диктата.

Однако к концу XX столетия в результате обретения независимости и начавшегося процесса национального возрождения спектр традиционного искусства в Узбекистане интенсивно восстанавливается во всем богатстве и многообразии форм и жанров, исполнительских стилей и состава исполнителей. При этом узбекская музыка начала и конца века, точнее на стыке столетий, – различна по своему содержательному объему, она меняется вместе со временем; она динамична, как само время. У истоков столетия эта традиционная музыка – высоко развитая система национальной монодии со своими, веками сложившимися формами, жанрами, техникой и их носителями (сюда же следует отнести и бастакоровское творчество, имеющее 15-вековую историю развития). На исходе – та же система национальной монодии плюс зародившаяся на её базе и получившая активное развитие новая система – композиторское творчество и массовая музыкальная культура (в современном понятии поп-и рок-музыка), принесящая свой арсенал музыкально-языковых средств, форм, жанров и соответствующих им видов исполнительства.

Понятие современной музыкальной культуры Узбекистана перестает отождествляться только с творчеством композиторов, поскольку традиционная музыка также продолжает полноценно функционировать. Мало того, именно в данный период традиционное национальное искусство переживает период своего яркого возрождения. При этом активизация традиционного национального пласта, резко возросший престиж традиционных национальных форм музицирования во многом изменили общую обстановку в музыкальной жизни республики, по-новому, исторически более верно расставив акценты, где традиционно-монодические жанры – не только наследие, но и сама современность, то есть традиционная музыка как часть современности, её живая фоносфера. Традиционная музыка, в частности песенное искусство (начиная от народных обрядовых песен до сложных жанров ашула и катта ашула), веками аккумулировала и транслировала духовный опыт поколений. Коммуникативные функции музыки в синхронном (между творцами и слушателями), диахронном (межпоколенная преемственность) и вневременном (связь с сакральным) аспектах осуществлялись благодаря её языковой природе. Традиционный музыкальный язык узбекского народа обладает сложной структурой, системной организацией, что позволило ему на протяжении веков отражать меняющийся исторический опыт народа и эволюционировать вместе с ним.

Музыкальный язык – это инструмент музыкального мышления, основа музыкального фольклора и музыкального искусства в целом – самого глубокого выражения внутреннего мира человека, его духовности, чувства прекрасного. Отсюда музыкальный язык, наряду с вербальным, является жизненно необходимым достоянием народа, он – хранилище глубинных слоев его культуры, незаменимый фундамент психо-эмоционального и духовного опыта, основа музыкальных шедевров, являющихся достоянием мировой музыкальной культуры, а также база дальнейшего развития музыкального искусства Узбекистана. Обретение суверенитета позволило поставить проблему вербального языка народа страны на уровень государственной, как средства сохранения национального менталитета, базы духовного, идеологического и культурного единства народа, а это напрямую связано с гармоничным и пол-

нокровным развитием государственности. Проблема музыкального языка народа Узбекистана не менее важна, однако государственного статуса она не имеет. Музыка может жить полнокровной жизнью и выполнять свои коммуникативные функции только тогда, когда её язык понятен членам общества.

Ключевая особенность современной музыкальной культуры Узбекистана – многоликость проявлений «искусства звуков», одновременное бытование музыки разных культур – исторических эпох, национальных творческих школ, стилей и направлений, которые удовлетворяют художественные запросы различных социально-возрастных слоев общества. Демократизация всей жизни республики, снятие запретов и ограничений на многие сферы и направления творчества (современный авангард, западная и в определенной мере восточная, поп и рок-музыка, музыка религиозного толка и др.) сделали Узбекистан своеобразной зоной «свободного музыкального развития», пример тому – концерты международных фестивалей «Шарк тароналари» в Самарканде, «Ильхом XX» в Ташкенте, концерты симфонической музыки в Ташкенте, Самарканде и Ургенче, совместные выступления камерного оркестра «Согдиана» с зарубежными этно-рок-группами и др. В то же время уникальное и неповторимое «музыкальное лицо» республики по-прежнему продолжают определять прежде всего его исконные традиции, уровень и состояние национальных форм музыкального общения. И особое место среди них принадлежит песенному искусству – специфическому музыкальному феномену как в прошлой, так и в современной массовой (поп) культуре Узбекистана, обширному и актуальному творческому пласту, в поле действия которого попадают в разных функциях – создатели (творцы, исполнители и слушатели) нескольких поколений, представителей коренной нации республики.

На протяжении многих столетий песнетворчество занимает исключительно важное и прочное место в звучащем пространстве республики. Песни исполняются в домашнем кругу, по радио и телевидению, на народных праздниках и обрядах, в дни празднования «Наврӯз» и «Мустақиллик», на многочисленных концертах, фестивалях, смотрах, конкурсах, неизменно собирая большую аудиторию. Пример тому – проведение в республике с 1996 г. конкурса и праздника песни под девизом:

«Узбекистон – Ватаним маним». Но несмотря на это, песни продолжают создавать вокруг себя неоднозначную, противоречивую социально-психологическую атмосферу, вызывая противоположные оценки и мнения со стороны академических музыкантов. Песенное искусство с учетом его тематики и функциональных особенностей, а также жизненного предназначения музыки и обстановки её исполнения и восприятия можно подразделить на жанры фольклорной песни или «обходные», где исполнитель и слушатель как единое целое, а также жанры профессиональной песни или «преподносимые», где музыка, предназначенная главным образом для слушания, и где исполнитель и слушатель – разные лица. Деление жанров соответствует распространенному в музыковедении делению на **первичные** (куда входят жанры массовой культуры) и **вторичные** (жанры композиторского творчества). В этом случае в первую категорию попадают не только песенные жанры фольклора (обрядовые и необрядовые), но и песни современной массовой музыкальной культуры (эстрадная, поп- и рок-песня, хит) – у них единая природа творчества или сотворчества-интерпретации, как изустность. Ко второй категории наряду с песенными жанрами композиторского творчества, безусловно, попадают жанры творчества профессионалов устной традиции. При этом специфика каждой из жанровых областей определяется также типом культуры. Жанровые единицы – отдельные группы произведений, объединяемых функцией, назначением, содержанием, а также исполнительскими признаками и составом исполнителей, которые образуются в соответствии с культурным типом, под воздействием какого-либо системообразующего фактора.

90-е гг. XX столетия были ознаменованы процессом обновления, обозначившим поиск новых духовных и эстетических ориентиров, а также задачи восстановления историко-культурной преемственности. Характерные тенденции были связаны с системным историко-философским и художественным осмыслением традиционного музыкального наследия, которые воздействовали на изменения жанрово-тематической, образно-стилистической основы узбекской музыки. Стали обнажаться базовые духовные структуры, очень своеобразные, а художественные интересы все больше направлялись к собствен-

ным, определившимися ещё в древности, этнокультурным традициям, возрастал интерес к темам духовности и религии. Общеузбекскую стадию можно определить как процесс регенерации, когда искусство, апеллируя к своим духовно-нравственным корням, истории, её героям, начинает обновляться и возрождаться на качественно новом уровне. Повышается интерес к традиционным жанрам и формам исполнения, при этом одновременно падает интерес к композиторскому творчеству, приоритетным становится, особенно среди молодежи, массовая музыкальная культура (эстрадная песня, поп и рок-музыка и т.п.). Одной из значимых позитивных тенденций последнего десятилетия, несомненно, является вхождение Узбекистана в мировое информационное пространство, что способствовало культурному обмену с международным сообществом.

В музыкальной культуре Узбекистана существуют и поныне два течения: одно, преемственно связанное с традиционной культурой, – это узбекская традиционная музыка (музыкальный фольклор и изустно-профессиональная музыка) и творчество бастакоров; другое – композиторское творчество и новая, зародившаяся и особенно успешно развивающаяся в последнее десятилетие массовая музыкальная культура. Эти течения развиваются параллельно, и даже порой в некоторой изоляции друг от друга. Изоляция сказывается не только на отличии музыкального языка, круга образов, типа музицирования, но в меньшей мере в различии их адресата. Традиционное музыкальное искусство, понимание которого складывалось в народе веками, естественно, широко доступно и адресуется практически всем слоям современного узбекского общества. Композиторское творчество Узбекистана, понимание которого требует особой подготовки, находит слушателей, в основном, в городах, преимущественно в интеллектуальной и художественно-эстетической культурной среде. А массовая музыкальная культура в последние годы активно внедряется во все сферы культурной деятельности. Она прочно укрепила свои позиции в сознании современного человека, окружая его повсюду – в эфире ТВ и радио, в быту, на массовых музыкальных шоу. Появление во всех каналах ТВ музыкального клипа оказывает большое влияние на формирование музыкальных вкусов и пристрастий слушателя, в особенности молодёжи,

что вызывает серьезные опасения. Этим обусловлена стилевая нестрога современной социокультурной ситуации Узбекистана. Происходит переоценка художественных, в частности, музыкальных ценностей. Следует подчеркнуть, что все вышеперечисленные музыкально-творческие направления и составляют в Узбекистане музыку современности.

На сегодня в узбекской традиционной музыке сложилась такая социокультурная ситуация, при которой исконные народные музыкальные традиции, лишённые прежних форм бытования, вовлекаются в сферу современной массовой культуры и подчиняются её законам. Одновременно наблюдается и встречный процесс – традиционное искусство интонационно и образно обогащает массовые жанры. Старые народные песни, в частности, свадебно-обрядовые, календарные, трудовые, колыбельные, пользуются ещё достаточной известностью, особенно в сельской местности. Организация и функционирование в областях фольклорных и семейных, самодеятельных макомных и инструментальных ансамблей, ансамблей народных сказителей (их более 300, из них более 50 носят звание «народный ансамбль») вносят посильный вклад в дело сохранения и защиты исконных музыкальных традиций, в развитие традиционного исполнительства, но их «живой» репертуар определяется современными потребностями. В республике ежегодно проводятся смотры-конкурсы фольклорных и семейных ансамблей (Ташкент, Самарканд, Фергана, Китаб, Коканд, Маргилан, Бухара и др.), самодеятельных макомных ансамблей (Джизак, Самарканд, Андижан, Маргилан, Ургенч), исполнителей катта ашула, ялла, лапар, свадебных и колыбельных песен, эпических сказителей – бахши-шаиров, инструменталистов, которые в определенной мере сохраняют и развивают традиции в музыкальной системе качественно иной организации. Перенесение многих жанров музыкального фольклора и изустно-профессиональной музыки на концертную эстраду создают иные условия музицирования, при котором меняется их образный строй и аутентичность. В репертуарах фольклорных ансамблей «Бойсун», «Чавки», «Гулёр», «Ёр-ёр», «Мохи ситора», «Момогул», «Гаштак», «Достон» и др. значительное место уделяется местным традициям, сохранению народных обрядов, народных песен, танцев и музыкального ин-

струментария. В 2001 г. культурное пространство Байсунского района Сурхандарьи, а в 2003 г. – уникальный жанр «Шашмаком» были признаны ЮНЕСКО Шедеврами устного и нематериального культурного наследия человечества.

Современные условия отнюдь не уничтожили предпосылки для дальнейшей эволюции народного начала, более того – в результате адаптации традиционной культуры к современной художественной системе в её недрах рождаются новые формы, которые и были призваны восполнить исторически образовавшийся культурный вакуум. В период независимости творцы высокохудожественных монодийных произведений – узбекские бастакоры – стали наиболее мобильной частью традиционной музыкальной культуры, сумев смело интегрировать неисчерпаемые ресурсы национальной монодии и интонационные веяния нового времени. Создателями новых (но основанных на традициях) музыкальных произведений явились узбекские бастакоры старшего поколения, такие, как Ганижон Ташматов, Орифхон Хотамов, Фаттохон Мамадалиев, Гулямджан Ходжикулов; среднего поколения – Абдухошим Исмаилов, Ульмас Расулов, Аминжон Пармонов, Ахмаджан Дадаев и др., деятельность которых активно проявлялась на трёх уровнях: авторском, соавторском и исполнительском.

На современном этапе развития музыкальной культуры наблюдается новая волна композиторского интереса к народным традициям. Общественный авторитет профессиональных композиторов достаточно высок. За последние годы появились очень талантливые, интересные, высокопрофессиональные молодые композиторы (А. Эргашев, Д. Янов-Яновский, А. Икрамов, А. Расулов, О. Абдуллаева, Х. Хасанова, А. Латиф-заде, П. Медюлянова, Д. Шукуров и др.), которые плодотворно работают во всех жанрах композиторского творчества, пример тому – балет «Хумо» А. Эргашева, моно- и камерные оперы Д. Янов-Яновского, опера «Буюк Темур» А. Икрамова, музыкальные драмы О. Абдуллаевой, симфонические произведения А. Латиф-заде, эстрадные песни А. Расулова и Х. Хасановой. Широкий доступ к информации, мировому музыкальному опыту, современному творчеству и наследию, приобщение к новым видам композиторской техники – все это дало яркие и интересные результаты. Но основной проблемой все ещё остаётся невостребованность музы-

ки композиторского творчества. Новые сочинения композиторов звучат лишь на фестивалях современной музыки перед узким кругом слушателей. За 15 лет поставлены всего два оперных спектакля – «Буюк Темур» А. Икрамова (1996) и «Небо моей любви» («Аль-Фергани») М. Бафоева и один балетный спектакль «Хумо» А. Эргашева. Самыми распространенными жанрами композиторского творчества становятся массовая песня (лирического, эстрадного и патриотического плана) и музыкальная комедия («Суперкайнона 1 и 2», «Операция Сойиб ходжа» и др. Ф. - Алимova). Проблема всеобщей глобализации и «камернизации» нашла отражение в симфонической музыке и музыкально-сценических жанрах композиторов Узбекистана. Некоторое оживление в сфере камерного творчества связано с мобильностью жанра и возможностью его реализации на небольших сценических площадках, усилением интереса композиторов к лирико-психологической сфере, обращением к этому жанру молодых, перспективных композиторов (Д. Янов-Яновский), а также композиторов старшего поколения (И. Акбаров, Ф. Янов-Яновский). Отметим и появление таких новых жанров, как телеопера-дастан «Бухорой-шариф», телебалеты «Нодира», «Улугбек буржи», шоу-балет «Великий шелковый путь», опера-феерия «Язык птиц» М. - Бафоева.

Разнообразие художественных стилей и направлений, обращение к историческому прошлому своего народа, использование традиционных жанров и традиций исполнительства прослеживаются в симфонической и вокально-симфонической музыке композиторов Узбекистана (симфония «Навруз» и оратория «Бахоуддин Накшбанд» И. Акбарова, оратория М. Бурханова, симфонии М. Таджиева, М. Бафоева, Т. Курбанова и др.). Интерес к духовно-религиозному наследию народа проявляется в произведениях Ф. Янов-Яновского, М. Бафоева, Д. Янов-Яновского, П. Медюляновой и др.

Разобраться в сложных и динамичных процессах развития узбекской музыки – один из критериев на пути дальнейшего плодотворного сотрудничества современной музыкальной культуры и музыковедческой науки.

МУСИҚИЙ КЛИП ШОУ-БИЗНЕС ТИЗИМИДА

Ўзбек муסיқий эстрадасида 1990 йиллари бошланган янги даврда кўплаб янги номлар - хонанда ва гуруҳлар «кашф» этилди. Нафақат республикамизда, балки чет эл мамлакатларида ҳам донғи кетган Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ва «Ялла» вокал - чолғу ансамбли, Ўзбекистон халқ артистлари Мансур Тошматов, Фуломжон ғубов ва Насиба Абдуллаеваларнинг ижодий «эстафета» сини янги авлод вакиллари давом эттиришмоқда. Хусусан, Ўзбекистон халқ артистлари Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қозим Қаямов, Кумуш Раззоқова, Равшан Намозов, Азим Муллахонов, Мухриддин Холиқов, Фиёс Бойтоев, Мавлуда Асалхўжаева, Салоҳиддин Азизбоев, Моҳира Асадова, Гулбаҳор Сулаймонова каби ўнлаб эстрада ижрочилари қисқа вақт ичида эстрада қўшиқчилари қаторидан ўрин олишди. Шунингдек, эстрада соҳасида юзага келган хилма-хил услуб ва оқимларнинг миллий муסיқий анъаналар билан қоришуви асосида янги тамойиллар шакллана бошлади. Бу тамойиллар ёшлар муסיқий эстрадасининг етакчи бўғини сифатида эътироф қилинаётган С.Қозиев раҳбарлигидаги «Қарс», «Тошкент», «Манзур», «Шофайз», «Байрам», «Нола», «Шаҳзод», Севара Назархон ва «Сидериз», Абдулазиз Карим ва «Аср», Тохир Содиқов ва «Болалар», «Хўжа», «Сетора», «Тож» каби гуруҳлар фаолиятида сезиларли юзага чиқди. Янги тамойилларни оммага ёйишда «телевидение, кино, муסיқа ҳамда ахборот соҳаларига хос ифода воситаларини ўзида мужассам қилган»¹ клип² жанри амалий ўзлаштирилди.

Мазкур тасвирга олиш фаолиятига асосланган «Замин СТВ», «Байрам», «Атех», «Бешёғоч» каби хусусий студиялар ташкил топди, бир қатор режиссёрлар бу янги жанрда ижод қила бошладилар. Пировардида мазкур йўналиш бўйича ижобий тасвирга олинган клиплар сони ҳам ортди ва ўзбек «клипмейкер»лари³ фаолияти ҳам сараланиб қолди. Бугунги кунда клипларни тасвирга олишда ўз услубига эга бўлган Баҳодир Йўлдошев, Сағдулла Абдуллаев, Фарид Давлетшин, Дмитрий

¹ Иқтибос олинган манба: Муллажонов М.Д. 1990-йиллар ўзбек муסיқий эстрадасида оҳанг муаммоси. Номзодлик диссертация автореферати. Тошкент, 2004.

² Клип – соҳа атамасида «промо-видео» дейилади. Унинг маъносида хитни тарғиб этиш учун олинган қисқа (бир қўшиқ садоланиши доирасида) видеотасвир тушунилади. Қаранг: Троицкий А. Поп-лексикон. /Ж. Музыкальная жизнь. №1-8, 1989.

³ Клипмейкер – клип олишга ихтисослашган режиссёр.

Коробкин, Эҳсон Осмонов, Адҳам Усмонов каби клипмейкерлар шулар жумласидан.

Сўнгги йилларда клиплар ўзбек муסיқий эстрада қўшиқчилари ижод намуналарини тарғиб этишдаги кучли воситалардан бирига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Чунки, қўшиқ ижросининг ўзгариб турувчан тасвир (визуал статик) ҳаракати билан уйғунлаштирилиши боис тингловчи уни илк бор кўришидаёқ хотирасига муҳрланиб қолишида муҳим ўрин тутмоқда. Зеро шоу-бизнес тизимидаги клип ишлаб чиқарувчиларининг асосий мақсади тингловчи (мухлис)нинг қўшиқни визуал тасвирини кўчириб олишга бўлган иштиёқини кучайтириш ҳамда магнит тасма ёки CD - R (рақамли) лаппакларидаги ёзув орқали қайта-қайта кўриш имкониятини ятратишдан иборат. Кўп ҳолларда тасвирга олинган клип воситаси муסיқий эстрада жаҳасида ҳам бадиий жиҳатдан саёз бўлган кўплаб қўшиқларни хит даражасига олиб чиқди. Ҳозирда ҳатто тингловчиларнинг талабларини қондиришда аудио ёзувидаги қўшиқлар клипсиз тасаввур қилинмай қолинди. Шунингдек, махсус шохобчаларда турли клиплар тўплами, магнит тасмаларга тасвири туширилган концертларнинг видеоёзуви ҳамда турли CD-R (рақамли) видео лаппакларининг сотувлари ташкил этилган. Шуларни инобатга олган ҳолда видеоманит тасма ва рақамли CD лаппаклари ҳамда республика телевидениеси орқали мунтазам намойиш этилаётган айрим клипларнинг таҳлилига мурожаат этишни ўринли деб ҳисобладик.

Сўнгги йиллардаги ўзбек клипмейкерлари ижод маҳсулини (тасвирга олиш услубидан келиб чиқиб) шартли равишда иккига – «бадиий» ва «телевизион» турларга ажратиш мумкин. Бадиий клип – қўшиқ ижроси асосида олинган мўъжаз фильм бўлиб, бу каби клип асосини бадиий фильмга хос сценарий, драматургия, қаҳрамон (қаҳрамонлар) роли, декорация, либос, грим каби хусусий компонентлар ташкил этади. Телевизион клипларда эса, гарчанд қайд этилган компонентлар мавжуд бўлса-да, тасвирга тушириш воситаси телевизион (яъни визуал муҳрланиш махсус камера ёки видео камерада бажарилганлиги билан боғлиқ) услубда бўлганлиги билан фарқланади. Ўз навбатида бу турдаги клипларни бадиий ечимига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Қўшиқ шеър матнига билвосита боғлиқ тасвирий клиплар;
2. Қўшиқ мавзуси асосидаги сюжетли клиплар;
3. Анимацион (мультипликация) ва компьютер графикасига асосланган клиплар;
4. Қўшиқ мавзусига алоқадор бадиий фильм лавҳалари асосидаги клиплар;

5. Бадиий анъаналарга стилизация услубида ишланган клиплар.

Таъкидлаш жоизки, 1990 - йиллар бошида тасвирга олинган бир қатор клиплар кўп жиҳатлари билан клип талабларига жавоб бермаса-да, лекин уларнинг тасвирга олинishi мазкур санъатнинг Ўзбекистонда ўзлаштирилиши, шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бунга «Ялла» гуруҳининг «Юрт ишқида ёнаман» қўшиқ асосида олинган видео тасвир таснифотимизда келтирилган биринчи бандга мисол бўла олади. Чунки, монтаж нуқтаи назаридан жуда содда (студияда эмас балки табиатдаги тўрт кўринишдан иборат) бўлган мазкур асар бугунги клип талабига жавоб бермайди. У кўпроқ табиатда тасвирга олинган қўшиқнинг концерт номерига яқин, лекин шу билан бирга илк телевизион клиплар намунасига мос келади. Шунингдек, Мухриддин Холиқовнинг «Ўзбекистон» қўшиғи асосида олинган клип ҳам шу бандга мос келадиган телевизион ечимда бажарилган. Аввалги мисолга қиёлагандан бу асар мукамаллиги билан ажралиб туради. Бунда қўшиқ матнидан келиб чиққан ҳолда тасвирий лавҳалар, масалан қўшиқ шеър матнида Ўзбекистон куйланганда юртимизнинг замонавий кўринишлари, кўҳна тарихимизга оид маълумотларга келганда, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги кўҳна меъморий обидаларимиз, Буюк ипак йўли тилга олинганда эса саҳродаги карвон ва бошқа бир жиҳатли иллюстратив кадрлардан ташкил топган.

Таснифотимизнинг иккинчи бандига жавоб берадиган клипларга Насиба Абдуллаеванинг «Умр баҳори», Ойпопук Эшонхонованинг «ғнаман», Дониёр Файзнинг «Дўст», «Сетора» гуруҳининг «Бор бегуноҳ халқнинг фарёди» қўшиқлари асосида олинган клиплар мисол бўла олади. Хусусан, «Умр баҳори» клипида визуал техниканинг барча новациялари қўлланилган бўлиб, қўшиқнинг мазмунини сценарий асосида тўлақонли тасвирлашда монтаж, бир неча кадрларни устма-уст қўйиш, компьютер имкониятларидан моҳирона фойдаланиш кабилар қўлланилган.

Қўшиқчи Ойпопук Эшонхонованинг «ғнаман» номли қўшиғи асосида олинган клипда ҳам барча компонентлар режиссёр томонидан мўъжазгина воқеани маълум темпоритмга моҳирона бўйсундира олган. Клипдаги гўзал қишлоқ манзаралари, миллий либослардаги қизлар гуруҳи, ҳаракатдага машинада кечаётган воқелик аудио ижродан кўра визуал тасвирнинг бир қадар устунлигани намойиш этади.

Дониёр Файзнинг «Дўст» қўшиғи асосида олинган клип ҳам мазкур бандимиз талаблари доирасида бўлиб, юқорида таҳлил этилган клиплардан фарқли ўлароқ, ҳинд киноларига хос услубда, яъни бир вақтда қўшиқ ижрочиси ҳамда тасвирдаги ихтиросли актёр ҳамдир.

Шу тўғрисидаги тасвирга олинган клиплар орасида «Сетора» гуруҳи ижро этган «Бор бегуноҳ халқнинг фарёди» қўшиғи асосида тасвирга олинган клип ҳам эътиборлидир. Мазкур клипда ҳам қўшиқ ижрочилари клипдаги асосий қаҳрамонлар билан бир вақтда изланувчи ёш авлод, тарихий воқеа қаҳрамонлари ва баён этувчи) образини яратганлар. Клипда акцентирланган сценарий аслида бир тўлақонли бадиий фильмнинг етарли воқеликка эга бўлишига қарамай режиссёрнинг моҳирона эпизодларни лўнда бўрттириб бериши ўлароқ, асосанга нисбатан визуал намойиш устуворлик қилади.

«Шаҳзода» гуруҳининг «Ўйнайсан» қўшиғига ишланган шарҳона эртақ услубида клип таснифотимизнинг учинчи банди - анимацион (мультипликация) ва компьютер технологияси асосида тасвирга муҳрланган. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур клип ечимида таснифотимизнинг биринчи банди билан кесилув ҳолатлари ҳам кузатилади. Чунки унда гуруҳ ижрочилари ҳам қўшиқ ижрочиси ва, шу билан бирга, шоҳ вазир ва ёлчилар орасида ўтадиган мўъжаз воқеанинг қаҳрамонлари ҳамдир. Фарқли томони шундаки, у компьютер графикаси асосида декорациясиз мультимедиядан фойдаланган ҳолда тасвирга олинган. Клипда мусиқа, визуал тасвир, мультипликация, сյонинг ва бошқа компонентлар меъёрида қўлланилганлиги сабабдан кенг омма тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

«Нола» гуруҳининг «Сенсан севарим» қўшиғи асосида олинган клип таснифотимизнинг тўртинчи бандига мос келади. Назаримизда бу асардаги режиссёрнинг маҳорати алоҳида эътиборга моликдир. Режиссёр бастакор Орифхон Хотамовнинг шу номли мумтоз ашуласи вариантыдаги ғазал мазмунига мусикий эстраданинг поп - фольк услубида қилинган аранжировкага оқангдош, XX аср мумтоз ўзбек адабиётига айланган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ва шу билан бирга, ушбу асар асосида тасвирга олинган кинофильмдан иқтибос ишлатилиши натижасида ўзбек клипмейкерларининг «миллий ишлатилиш» намунасига эришилган. Гарчанд «Ўтган кунлар» бадиий фильмидан бир неча клипларда, ҳатто асар бош қаҳрамонлари ролини яратган актёрларни замонавий мавзу воқелигига боғлаб, шеър матнига сингдирилган клипларда ҳам маълум қадар иқтибос ишлатиш сифатида қўлланилган бўлса-да, «Нола» гуруҳи клипининг драматургиясида ўзгача ечимлар кўзга ташланади. Биринчидан, хонанда бир вақтнинг ўзида ҳам хонанда, ҳам бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб берувчи қаҳрамон ҳамдир. Клипдаги барча ифода воситалари, планларнинг кўриниши нозик бадиий дид билан қўлланилганлиги, унинг ички

динамикаси ўзбекона тафаккурни ойдин акс эттира олганлиги билан тингловчида чуқур таассурот қолдиради.

Муסיқий эстрадага доир мавжуд клипларнинг мухтасар таҳлили шуни кўрсатадики, бу жанр ўзбек мусиқий шоу-бизнесининг муҳим тармоғи сифатида шаклланди. Ўзбекистон мусиқий шоу-бизнесининг занжиридаги бир бўғин бўлган клип бадий воситаси унинг (шоу-бизнес) барча тармоқлари (хусусан, уларни тасвирга олиш жараёни ҳозирда юртимизда мавжуд овоз ёзиш студиялар индустрияси) билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Шу билан бирга клип воситаси ўз негизида қўшиқ ҳажмида театрлаштириш ва визуал техника имониятларидан усталик билан фойланиб, юқорида кўриб чиқилган эйрплейлар каби тарғибу - ташвиқ ишларини бажаради. Мусиқий шоу-бизнеснинг мазкур тармоғи маҳсулотлари Ўзбекистон давлат телевидениеси, тижорат телевидение каналлари ҳамда махсус видеопрокатлар орқали кенг оммага тақдим этишмоқда. Ҳозирда улар телевидение каналларидаги зерикарли мусиқий теленомерлар ўрнини фаол эгаллади, десак хато бўлмайди.

Шу ўринда айтиш керакки, тингловчиларга тақдим этилаётган клипларнинг ҳаммаси ҳам бадий юксак савияда эмас. Бир ҳолатларда тасвирга олинган клипнинг визуал сифати мукамал бўлса, унинг мусиқий матани ёки шеърый асослари саёз, кўп ҳолларда эса куй - оҳанглари Шарқ ва Ғарб соҳа мусиқасига тақлид қилингандир. Бундай тоифадаги клипларни истеъмолчиларга саралаб, уларнинг бадий сифатини кўриб чиқувчи махсус ҳайъат ташкил этилди. Республика телевидениеси қошидаги мазкур гуруҳ таркибида фаолият кўрсатаётган мутахассислар кўригидан ўтган клиплар давлат телевидениеси каналлари⁴ орқали мунтазам намойиш этилади. Ҳайъат қарори билан тасдиғини олмаган клипларнинг кейинги тақдири нима бўлади? - деган табиий савол туғилади. Бу тоифадаги асарлар тижорат каналлари⁵ орқали намойиш этилаверади. Намойиш учун хонанда ёки гуруҳ зарур бўлган ҳаражатларни қопласа бас.

⁴ ЎзТВ-1 каналнинг «ТВ клип», «Бир жуфт қўшиқ», «Мумтоз наволар»; «Ёшлар» телеканалнинг «Ёшлик наволари», «Олтин мерос», «Севги тароналари», «Ватан ҳақида қўшиқ», «Тунги тароналар»; ЎзТВ-IV каналнинг «ТВ-IV да мусиқа», «Мусиқий серпантин»; ТТВ каналнинг «Табриқлаймиз -қутлаймиз» дастури.

⁵ 30 - каналнинг «Клип-совға», «Ошиқона», Камалак ТВ плюс каналнинг «Ўзбекская эстрада», «Ўзбек эстрада дастури», «МУЗ - АУТ ўзбек ижрочиларининг клиплари»; Фарғона телевидениесининг - «Яхши кайфият», «Юлдузлар ёғдуси», «Тонги тароналар», «Клип- антракт»; Марғилон телевидениесининг «Табриқлар, реклама ва эълонлар», «Қўшиқ айтган етар муродга», «Ёр ва диёр тароналари», «Эстрада хонандалари куйлайди» ва б.

ТЕАТР ВА КИНО

Мухсин ҚОДИРОВ
ЯНГИ ДАВР ТЕАТР САНЪАТИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА
МУАММОЛАР

Мухаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА
К ВОПРОСУ СОЗДАНИЯ СЦЕНИЧЕСКОЙ
АТМОСФЕРЫ СПЕКТАКЛЯ

Сарвиноз ҚОДИРОВА
ЎЗБЕК ТЕАТРИДА ЗАМОНАВИЙ МАВЗУ
ТАЛҚИНЛАРИ

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА
ТАРИХИЙ ДРАМАДА БАДИИЙ ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ
МУАММОСИГА ДОИР

Ханжара АБУЛ-КАСЫМОВА
ХУДОЖЕСТВЕННОЕ КИНО УЗБЕКИСТАНА:
АВТОРСКИЙ ФИЛЬМ

Муҳсин ҚОДИРОВ

ЯНГИ ДАВР ТЕАТР САНЪАТИ: ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони (1998, 26 март), Миллий театрнинг янги биноси очилишида сўзлаган нутқи (2001, 30 август), «Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони (2001, 21 сентябр) да театр санъати, сахна ижодкорлари олдида турган ва соҳа истиқболини белгиловчи вазифалар жуда аниқ кўрсатилган.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги нишонланди. Бу - тарихий жараёнда бир лаҳза, холос. Аммо Ўзбекистон шу қисқа вақт ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли истилоҳларни амалга ошириш бўйича жуда катта, салмоқли йўлни босиб ўтди. Маънавият ва маърифат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маънавиятнинг энг ёрқин, таъсирчан кўринишларидан бири бўлмиш театр санъатида ҳам давлат ва жамиятнинг истилоҳлар йўлидан жадал бориши билан боғлиқ ҳолда баъзи ўзгаришлар, янгиликлар юз бера бошлади. Санъатнинг бошқа соҳаларида бўлганидай, театр санъатида ҳам ислохотлар пухта ўйлаб, шошилмасдан, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан амалга ошира борилди. Мақсад - мавжуд ижтимоий кучларни, имкониятларни, эришилган ютуқларни сақлаган ҳолда театр санъатини янги иқтисод ва маънавият шароитлари томон буришдан иборат эди. Шу боисдан давлат Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги театрларни моддий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди, эски биноларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, кадрлар тайёрлаш, буюртмалар бериш, фестиваллар ўтказиш ишлари билан шуғулланди, театр ижодкорларини унвонлар ва мукофотлар билан сийлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент, Нукус ва вилоятлар марказларида, Қўқон ва Каттақўрғон шаҳарларида 36 та театр давлат тасарруфида фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат, ширкат асосида иш олиб боровчи театрлар атиги 3 та: «Илҳом», «Эски мачит», «Алла

дин» театрлари. Хусусий театрлар эса умуман йўқ. Қолбуки, ҳомийлар ва ўз даромадлари ҳисобига яшовчи нодавлат театрлари кўпайиб бориши ва давлат театрлари билан соғлом рақобатга тушиши театр санъатининг янги даври тараққиётини белгиловчи омилга айланиши зарур. Давлатнинг мамлакатдаги барча театрларни ўз тасарруфида сақлаб туриши тобора қийинлашиб боради. Энг тараққий этган мамлакатларда ҳам давлат театрлари умумий театр жуғрофиясида озчиликни ташкил қилади, қолганлари - ширкат, хусусий ва тижорат шаклидаги театрлардир. Хуллас, Ўзбекистондаги бундай ҳолат кучли илдиз отган боқимандалик кайфиятидан қутилиш, ўз ижодий ҳаётини мустақил ташкил қилиш, янги иқтисодиёт шароитларига ўтиш қийинчилик билан бораётганидан далолат беради. Баъзи вилоят театрларининг раҳбарлари юқоридан кўрсатма, ёрдам, расмий буюртмаларни кутиб, имкон изламай, ташаббус кўрсатмай келишлари оқибатида ижодий иш издан чиқиб, муҳит бузилиб, жамоа тарқоқ ҳолга келиб қолгани ҳам сир эмас. Буюртмалар асосида фестивалдан фестивалгача ишлаб, бошқа вақт туриб қолган театрлар ҳам бор. Бинобарин, янги иқтисодий шароитларга дадил ўтиш, давлат тасарруфидагина эмас, бошқа тижорат шаклларида ишловчи театрларни ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Аммо янги иқтисодий шароитларга ўтишдаги оқсоқлик, қийинчиликларга қарамай, Мустақиллик даврида театр санъатида, сахна санъаткорлари ижодида, айниқса, онги ва қарашларида туб ўзгаришлар рўй берди.

Театр санъатидаги ўзгаришлардан бири шуки, ижодий жамоалар коммунистик мафкура тазъийқлари ва зарбаларидан халос бўлиб, ўз фаолиятларини ўзлари ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Драматурглар ва театр жамоаларининг оёқ-қўлларига кишан солиб, эркин нафас олдирмай келган «Ўзлит» тугатилди. Чинакам ижодий эркинлик вужудга келди. Саҳна ижодкорларининг замонавий воқелик ва тарихга нисбатан, маънавият ва эътиқод масалаларига қарашлари ўзгариб кетди. Улар ўзларини Ўзбекистон мамлакатининг фуқароси ва ўзбек халқининг фарзанди, буюк аجدодлар вориси сифатида ҳис қила бошладилар. Шу Ватан, шу халқнинг буюк ўтмиши, маънавият ва маданий қадриятлари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган оламшумул ютуқлар билан фахрланадиган бўлиб қолдилар.

Асар танлаш, сахналаштириш ишига кимларни жалб этиш, режиссёр режасини маъқуллаш, сахналаштириш жараёни, тайёрланган асарни қабул қилиш ва томошабинга кўрсатиш, репертуар тузиш, реклама, драматург ва томошабинлар билан иш олиб бориш - ҳамма-ҳаммаси энди театр маъмурияти, бадиий кенгаш ихтиёрида. Ҳеч бир раҳбар энди юқоридан туриб кўрсатма ёки дакки-дашном беришга ҳаққи йўқ. Аммо ижодий эркинлик туфайли юзага келган бундай тартибни тўғри тушуниб, қалбдан ҳис қилиб, ўз фаолиятини шунга мос олиб бораётган театрлар билан бир қаторда яхши англамай, додираб қолган ижодий жамоалар ҳам бор. Ижодий эркинлик шундай бир нозик ҳислатки, уни юзаки ёки бирёқлама тушунганда, парокандалик ва бошбошдоқлик рўй бериши мумкин. Негаки, ижодий эркинлик - бу кўнгилга келган ишни қилавериш дегани эмас, балки ўз фаолиятини мамлакат ва халқ манфаатларидан, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиқиб ташкил этиш, маънавият ва маърифат, тарбия мақсадларига хизмат қилиш демакдир.

Шу жиҳатдан ҳар бир янги сахна асарига танқидий кўз билан қараш жуда муҳим. Чунки ҳар қандай сахна асари жамоа ижоди бўлиб, унга баҳо бериш ўта масъулиятли ишдир. Бунда биринчи галда театр бадиий кенгашининг фикри муҳим. Бадиий кенгаш асарга танқидий кўз билан қараш орқали уни имкон даражасида яхшилаб, жамоатчилик кўригига тайёрлайди, лозим бўлиб қолса, спектаклни ҳимоя қилади. Бироқ, афсуски, сўнгги йилларда театрларнинг бадиий кенгашлари яхши ишламаяпти, шу боисдан бутун оғирлик театр танқидчилари зиммасига тушаётир. Баъзи спектакллар 2-3 маротаба қайта кўрилиб, қайта муҳокама қилинмоқда, баъзан кўрсатишга руҳсат берилмаган пайтлар ҳам бўлган. Бу унча тўғри эмас. Янги спектаклнинг савиясига танқидчилар эмас, бадиий кенгаш жавоб беради. Шундай экан, бадиий кенгашлар ишини тубдан яхшилаш зарур. Янги асар тақдирини биргина сахналаштирувчи режиссёр ёки театр раҳбари ҳал қилмасин, бу ишни бадиий кенгаш бажарсин. Жамоатчилик кўриклари ҳам керак, фақат бунда театр танқидчилари узил-кесил ҳукм чиқарувчи эмас, маслаҳат овозига эга бўлсинлар. Ўшанда театрларнинг ўз ижодлари учун масъуллик туйғуси ошади.

Иккинчидан, театр санъати ҳам аслида шўролар тузуми ва мафқурасига хизмат қилувчи «социалистик реализм» деган

уйдирма ижодий услубдан фориг бўлиб, ўз фаолиятини халқимизга ижодиди ва жаҳон санъатида мавжуд турли услублар ва оқимлар асосига қуриш, тарихий ва замонавий мавзуларни янги айтиришда реалистик тасвирдан тортиб мажозий тасвиргача бўлган хилма-хил воситаларни ишлатиш йўлидан бормоқда. Ўрни ижодий-услубий ранг-баранглик миллий театрнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланмоқда. Ижодий иланишлар кучаймоқда. Мумтоз асарларни сахналаштиришда анъанавий ечимлардан қочиб, эркин талқин этиш (табдил услуби, мажозий-фалсафий ечим каби) бутун бир йўналиш тусини олиб бормоқда. Театрлар репертуарида тарихий ва мумтоз асарлар фахрли ўринни, замонавий мавзуларда яратилган асарлар асосий ўринни ишғол қилиб, томошабинлар талаб оҳтиёжларини тўла қондириш йўлига тушиб олди. Драматургия ва театр санъатининг асосий шартларидан бўлмиш янги-янги мавзулар излаб топиш, уларда жанрни белгилаш, конфликтни қуриш, қаҳрамонни аниқлашда янгича ёндашувлар кўза ташланмоқда.

Аммо шу билан бирга амалиётда «социалистик реализм»га хизмат қилувчи марксча-ленинча эстетика йўриқлари, назарий қарашларнинг асоратларидан бутунлай қутила олганимизча йўқ. Сахна асарлари таҳлилида, баъзи танқидчиларимизнинг чиқишларида бу қусур сезилиб қолади. Конфликтни қуришда (айниқса, тарихий асарларда) антогонизм, яъни кескин ва муросасиз кураш, синфий қарама-қаршилик талаб қилинади. Жанр масаласида ҳам анча-мунча англашилмовчилик мавжуд. Баъзилар, масалан, драма жанрлари антик даврда Юнонистон ва Римда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай - трагедия, драма, комедиядан иборат деб ўйлайдилар. Қайси асарда бу эътиборга олинмаса, ўша танқидга учрайди. Шунингдек, янглишув драма ва театр санъати жанрларини бир нарса деб тушунишдан ҳам келиб чиқади. Аслида эса театр санъат сифатида бир қатор турларга (драма, мусиқали драма, опера, балет, оперетта, болалар театри, ёшлар театри, кўчирчоқ театри каби) эга ва ҳар бир тур яна ўз навбатида икки турларга ва жанрларга бўлинади. Натижада театр жанрларининг доираси драматургия жанрларига қараганда жуда кенгайиб кетган. Драма ва театр назарияси қотиб қолган бир нарса эмас, у жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўзга-

риб, янгиланиб боради. Ҳатто Европанинг ўзида ҳам тараққиёти давомида драма ва театр санъати маралите, миракл, фарс, мелодрама, трагикомедия, мюзикл, монодрама, шоу каби ўнлаб янги жанрларни кашф этган. Ўзбек драматургияси ва унинг сахнавий талқинлари тарихида ҳам шундай жараёнларни кузатиш мумкин. Яна бир гапки, Европада қарор топган жанрлар Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Индонезия, Япония каби) да минг йиллардан буён яшаб келаётган драматургия ва анъанавий театр учун умуман бегона. Шарқда тамомила бошқа драма ва театр назарияси, қонун-қоидалар қарор топган, шу жумладан жанрлари ҳам ўзига хос, бетакрор, ноёб ҳодисалардир. Худди шунингдек, ўзбек анъанавий театрида ҳам бир замонлар масхарабозлик, қизиқчилик, зарофат; қиссагўйлик, воизлик, маддоҳлик; чодир жамол, чодир хаёл, фонус хаёл турлари бўлиб, ҳар бирида ўнлаб жанрлар қарор топган. Биргина масхарабозлик ва қизиқчилик театрида «Катта ўйин» ва «Майда ўйин» туркумлари, «тақлид» (муқаллид), «танқид», «кулки-ҳикоя», «тўкма», «мақтов» жанрлари яшаб келган. Халқ фольклори ва этнографияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда вужудга келиб, майдонларда кўрсатиладиган «Суст хотин», «Ашшадарози», «Кема ўйин», «Хўббимбой», «Оразибон» сингари театрлашган томошаларни айтмайсизми! Халқ театри «томоша», «ўйин» ва «муқаллид» деб атаб, улардан туркумлар, жанрларни англлатувчи кўплаб атамалар ясаб, истеъмол қилиб келган. Жаҳидлар XX аср бошида янги шаклдаги театр яратишга киришар эканлар, театри баъзан европача атамада, баъзан «муқаллид» деб, трагедияни «фожа», комедияни «кулки» деб атаганлари ҳам бежиз эмас.

Бу маълумотларни келтиришдан мақсад айрим танқидчиларнинг Эркин Хушвақт каби драматургларнинг ўз асарини халқ ҳаётида театрлашган томоша шаклида яшаб келган маросимлар, урф-одатлар асосига қуриб, уни «фольклор-этнографик томоша» деб аташини қоралашига қарши эътироз билдиришдир. Нега деганда, фольклор-этнографик томошалар янги давр театрида кашфиёт даражасидаги бир йўналиш бўлиб, театр санъатининг миллий ўзига хослигини кучайтиришга хизмат қилаётир. Бу соҳада Эркин Хушвақтнинг хизмати буюк албатта, бироқ у ёлғиз эмас. Бу йўналишни Хоразм театрида Эркин Са-

андар бошлаб берган эди, кейин Эркин Хушвақт, Комил Аваз, Халиқ Хурсандов, Санжарали Имомов, Нурилла Аббосхон, Рустам Маъдиев ва бошқа драматурглар давом этириб келдилар. Халқ ҳаёти, урф-одатлари, маросимларидан мавзулар, тасвирий объектлар ва воситалар излаб топаётган бундай драматурглардан ва уларнинг ўзига хос топилмаларини сахнавий талқинларда ёрқин ифода қилиб, томошабинлар завқини оширатган театр жамоаларидан фақат миннатдор бўлиш керак. Бу соҳада бир пайтлар режиссёр Баҳодир Йўлдошев, Ибодулла Нисаметов ибрат кўрсатишган эди. Янги даврда Мансур Раҳимов, Турғун Азизов, Мунаввара Абдуллаева, Рустам Маъдиев, Валижон Умаров, Исоқ Тўраев, Муҳаммадсоли Юсупов каби режиссёрлар халқчил, фольклор-этнографик томошалар яратиб, театр санъатининг миллий асосларини мустаҳкамлаш бўйича янги натижаларни қўлга киритдилар.

Учинчидан, театрларимиз миллий ўзига хосликни, адабий-бадиий меросдан, анъаналардан фойдаланишни кучайтириш билан бирга имкон қадар жаҳон театр санъатида рўй бераётган янгиликларни, ижодий изланишларни кузатиб, улардан илҳомланиб, таъсирланиб келмоқдалар. Бунда мамлакатимизда ўтган «Наврўз-92», «Шарқ ва Ғарб», «Ипак йўли театр саёҳати», «Хумо» халқаро театр санъати фестиваллари, республика миқёсида уюштирилган кўрик-танловлар ва бошқа анжуманлар катта рол ўйнамоқда. Бу - масаланинг бир томони. Иккинчи томони шунки, театрларимиз бирин-кетин жаҳоннинг турли мамлакатларида қарор топган анъанавий фестивалларда қатнашиб, ҳам ўз санъатларини муносиб намойиш этмоқдалар, ҳам бошқаларнинг ютуқларидан, ижодий изланишларидан баҳраманд бўлиб қайтмоқдалар. Бу миллий истиқлол келтирган неъматдир. Шўролар даврида асосан Тошкент театрларидан бири бирон бир сиёсий тadbир тақозоси билан Москвага борар, бироқ ундан нарига ўтолмас эди. Бирон бир нуфузли халқаро анжуманда ўзбек театри қатнашганини билмаймиз. Мана энди мустақиллик туфайли театрларимиз истаган мамлакатга бориб келиш, халқаро анжуманларда тенг ҳуқуқли иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Бу соҳада Ўзбекистон ёшлар театри, «Илҳом» театри, Ўзбек ёш томошабинлар театри, Ўзбек миллий академик драма театри, Республика кўғирчоқ театри, Қаршидаги «Эски мачит» театр студияси ўрнатилган кўрсатиб келаётир.

Жаҳон ўзбек театрини таний бошлади. Халқаро анжуманларнинг ҳайъатлари, танқидчилар ўзбек театри шунчаки ҳаваскорлик эмас, балки юқори малакали профессионал санъат эканини, бу санъатда жаҳон театри ўрганса бўладиган ютуқлар, ижодий изланишлар борлигини тан олмоқдалар. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо бу соҳада ечилмаган муаммолар ҳам бор. Шулардан бири ташкилий масаладир. Ҳозирча бу иш илмий асосда эмас, театр раҳбарларининг шахсий ташаббуси асосида олиб борилмоқда. Биргина Ўзбекистон ёшлар театри бундан мустасно. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида театрларни чет элларга юбориш масаласи билан шуғулланувчи махсус бўлим ишлаши, унинг ихтиёрида жаҳондаги барча анъанавий театр фестиваллари харитаси бўлиб, шу асосда лозим театр жамоаларини тайёрлаб, сафарини бошқариб туриши зарур деб ўйлаймиз. Халқаро театр фестиваллари ҳар хил. Баъзилар нуқул ҳаваскорлик санъати даражасида ишлайди, қатнашувчилар ҳам асосан майдонларда томоша кўрсатишади. Бундай фестивалларнинг дастурлари профессионал санъат учун эталон бўла олмайди. Уларда қатнашган давлат театри намояндаларининг таъсирланиши ҳам нисбий бўлади. Шу сабабли, ҳар хил тоифадаги халқаро фестивалларнинг орасидан зарурини танлаб, шунга яраша театр жамоасини тавсия этиш ўта муҳим. Россия Федерациясида ўтказилиб келинаётган театр фестиваллари (айниқса, А. П. Чехов номидаги анжуман) бундан мустасно бўлиб, улар асосан профессионал театрларга мўлжаллангани билан ажралиб туради. Уларда иштирок этиб келаётган театрлар (масалан, Ўзбекистон ёшлар театри) кўриклардан, фестиваллар доирасида ўтадиган юқори савияли баҳс-мунозара, суҳбатлардан қониқиб, янги лойиҳаларни ўйлаб, бир олам таассуротлар олиб қайтадилар. Айтмоқчимизки, халқаро фестивалда қатнашиш шунчаки эътироф учун эмас, илҳом ва ижод манбаи бўлсин, ҳар қандай театрнинг кейинги фаолияти учун фойда келтирсин.

Фестивалларда қатнашиш фойдали, албатта. Бироқ уларда бир, нари борса, икки спектакл намойиш этиш мумкин, холос. Бундан қатнашувчи театрнинг ижодий қиёфасини тасаввур этиш қийин. Шу боисдан хорижий мамлакатларда театрларнинг расмана гастролларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу пайтгача А. Навоий номидаги Ўзбек давлат академик театри

нинг балет труппаси бир қатор Шарқ мамлакатларида гастролда бўлди; Ўзбекистон академик рус драма театри, Ўзбек миллий академик драма театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Республика қўғирчоқ театрининг Россия шаҳарларида гастроллари ўтказилди, холос. Аммо ўрбнинг ҳеч бир мамлакатида на илгари, на ҳозир бирон бир ўзбек театрининг гастроллари ўтказилгани йўқ. Тўғри, бу иш оғир, бундай гастроллар катта маблағ талаб қилади. Лекин шунга интилиш керак. Келажаги буюк Ўзбекистон учун бу орзуни амалга ошириш айтилган муддао.

Ниҳоят, миллий театр санъатининг жаҳондаги илғор театр оқимлари билан алоқасини йўлга қўйиш, энг яхши театр жамоалари ва сахна усталарини жаҳон сахналарига чиқариш мақсадида ЮНЕСКО қошидаги Халқаро театр институти, УНИМА, АССИТЕЖ каби нуфузли ташкилотлар билан алоқаларни тиклаш, яқин ва узоқ хорижий давлатлардаги етакчи театр жамоалари билан икки томонлама ижодий шартномалар тузиш ва гастроллар айрибошлаш муҳим вазифадир.

Тўртинчидан, мустақиллик даврида театрларимизга актёрларнинг янги авлоди кириб келди ва у жамоаларда ўз ижодини давом эттираётган баъзи устоз санъаткорлар билан тил топишиб, янги талаблар қўя бошлади. Ўзбек Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театр труппалари Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтини битирган ёш мутахассислар ҳисобига мустақамланган бўлса, Ўзбекистон Академик рус драма театри, Ўзбекистон ёшлар театри актёрлар таркибини ўз студияларида етиштирган ёшлар ҳисобига янгилай бошладилар. Вилоят театрлари эса ёш ижрочиларни асосан маҳаллий коллежларни битирганлар орасидан танлаб олишга киришдилар. Театрларда бир гуруҳ ёш режиссёрлар ҳам иш бошладилар. Хуллас, театрларда янги шароитларда мустақиллик руҳида тарбия топган, анчайин эркин, журъатли ва шубҳасиз иқтидорли янги авлоднинг овози баралла янграй бошлади. Бу ўз навбатида янги даврда театрларнинг йўналишлари, ижодий қиёфаларида бошланган ўзгаришларни тезлаштириб юборди.

Бу жараён нуқул ижобий натижалар бераётгани йўқ, ўйлашга мажбур қилаётган масалалар ҳам бор. Шулардан бири мумтоз адабиёт, мусиқа, халқ дostonлари асосига қурилган соф миллий жанр - мусиқали драма истиқболи масаласидир. Гап

шундаки, биргина Каттакўрғон шаҳар театридан ташқари вилоятлардаги барча театрлар мусиқали драма театри мақомига эга бўлиб, соф драмалар билан бирга мусиқали асарларни сахналаштирар, шунга яраша имкониятга эга эди. Бироқ ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ бу театрлар фаолиятида драма жанри тобора етакчи ўринга чиқа бошлади. Янги даврда эса бу жараён тезлашиб кетди ва вилоятлардаги театрлар онда-сонда мусиқали асар ҳам сахналаштирувчи драма театрига айланиб қолди. Оркестр у ёқда турсин, тузукроқ чолғу ансамбли ҳам йўқ. Хор ва балет ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳатто мусиқали драма бўйича республикада етакчи маскан - Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри ҳам, маиший мавзуларнинг жадал кириб келиши оқибатида бўлса керак, ўз ижодий қиёфасини йўқота бошлади. Саҳнадаги воқеалар ривожда, образлар ечимида аксар спектаклларда энди мусиқа диалог билан баробар хизмат қилмай, ўрнини драматик воситаларга бўшатиб бериб, ўзи ёрдамчи вазифаларни бажара бошлади. Театр репертуари асосини ишғол этиб келган эпик асарлар кам кўринади. Бинобарин, мусиқа компонентини кучайтириш, жонли ижрони сақлаб қолиш, солистларга алоҳида эътибор бериш орқали Муқимий театрининг тарихий қиёфасини ва етакчи мавқеини тиклаш муҳим вазифалардан биридир. Бундан ташқари, худудларни ҳисобга олган ҳолда Андижон, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги вилоят театрларини мусиқали драма мақомида қолдириб, уларни шу даражага кўтариш чораларини кўриш, қолган барча катта театрларни драма жанрига ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ижодий ҳаёт мамлакатимиздаги театрлар тармоғини, уларнинг йўналишини қайта кўриб чиқишни ҳам тақозо этмоқда. Шунда ҳар қайси худуднинг тарихи, ўзига хослиги, этномаданиятини ҳисобга олиш, саҳна санъати орқали аҳолининг барча қатламларини қамраш, айниқса, болалар ва ёшларнинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор бериш муҳим деб ҳисоблаймиз. Каттакўрғон шаҳар театрини ўз ижодий интилишидан келиб чиқиб ёш томошабинлар театрига айлантириш мумкин. Зеро, Самарқандда катталарга хизмат қилувчи яна икки театр мавжуд. Ташкил этилиши режалаштирилган Навоий вилоят театрини ўзбек ва рус тилларда фаолият юритувчи, кўпроқ ёшларга хизмат кўрсатувчи театр сифатида шакллантириш яхши натижа берса керак.

Қандай бўлмасин, янги театр ҳар жойнинг шароити ва заруратидан келиб чиққан ҳолда табиий туғилсин. Акс ҳолда унинг умри қисқа бўлади. Чунончи, ташкил этилганига 20 йил тўлган бўлса-да, Абдулла Қаҳҳор номидаги Тошкент Давлат сатира театри ўз ижодий қиёфасига эга бўлиш у ёқда тургани, ҳамон биносиз, дарбадар ҳаёт кечириб келаётир. Репертуари майда дастурлар, интермедиялардан иборат. Чунки у иккунчи танкилотларнинг кўрсатмасига биноан ва Москва Сатира театрига тақлидан ташкил этилган эди. Муқимий театри ҳам дастлаб (1939) комедия ва сатира театри сифатида ташкил этилиб, икки йил ўтар-ўтмай мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилганини эсласак, масала янада ойдинлашади. Ўрни ҳар қандай янги театр табиий туғилсагина яшаб қолади, ривожланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, агар Фарғона водийсидаги театрлардан бирининг (масалан, Қўқон театри) заминида анъанавий театр ташкил этилса, у тезда шаклланиб, равнақ топиб кетган бўларди. Чунки водийда асрнинг ва қиёқчилик санъати билан профессионал даражада шуғулланиб келаётган, олий ва ўрта маълумотли, мактаб кўрган санъаткорлар кўп. Халқ бу соҳаларни бутун вужуди билан севади. Халқ анъаналарига таянган чинакам миллий театр вужудга келган бўларди. Ўзбек театри янги XXI асрга қадам кўтарган, XX асрда эришган ютуқларини бой бермаслиги, айниқса, ривожлантириши, минг-минг йилларни босиб ўтган маънавий ва маданий меросимиздан янада оқилона ва унумлироқ ошқаниши, миллий ўзига хослигини сақлаши ва кучайтириши, айни чоғда жаҳон театр санъатидаги изланишлардан хабардор бўлиб, лозим ўринларда улардан фойдаланиши, мумтоз драматургиянинг энг гўзал асарларини бундан кейин ҳам сахналаштиришни давом эттириши жуда муҳим. Ўн томондан, техника, илм-фан янада тараққий этиб, инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамрайдиган, иккинчидан, жаҳон халқларининг бирлашуви ва ўзаро таъсирланиши янада кучайиб кетадиган янги асрда театр санъатининг мана шу тарихий қадриятларга, миллий анъаналарга садоқат, умумбашарий намуналарга чуқур ҳурмат ва эҳтиром йўлидан бошлаб бориш бу соҳа ижодкорлари, мутахассислари ва мутасаддиларининг шарафли бурчидир.

Мухаббат ТУЛЯХОДЖАЕВА

К ВОПРОСУ СОЗДАНИЯ СЦЕНИЧЕСКОЙ АТМОСФЕРЫ СПЕКТАКЛЯ

(творческий опыт режиссуры узбекского театра
периода независимости)

Такие понятия, как сценическое пространство и сценическая атмосфера, стали достаточно распространены в театре XX в. Они напрямую связаны с искусством режиссера. Спектакль понимается как сложный организм, в котором все – актер, слово, свет, звук, цвет, ритм, пространство – должны существовать в органичном единстве и служить одной цели – художественному раскрытию смысла драматургического материала. Девиз реформаторов сцены начала века: «динамизм против статики», внес кардинальные изменения в искусство театра. Появление в 1896 г. вращающейся сцены, затем ширм Г. Крэга, трехмерной динамической структуры, идей конструктивизма В. Мейерхольда, пластических форм А. Таирова – преобразовывало сценическое пространство. Однако следует отметить, что многое из упомянутого выше пришло на театральные подмостки из прошлого. Но лишь в XX в. все эти формы и отдельные технические приемы стали обретать иное значение, новый эстетический и философский смысл.

В современном театре сценическое пространство играет вполне самостоятельную роль. Из декоративного или иллюстративно-бытового воспроизведения среды обитания персонажей театральное пространство приобретает метафорическую сущность, превращаясь в определенный символ и многозначный образ. Режиссерский театр благодаря созданию пластических метафор становится подвижным внутренне, так как не только через актера, но и через образный строй спектакля выявляется замысел, раскрывается смысловая направленность, воплощается важнейшая мысль пьесы. Ключ к решению главной темы спектакля современный режиссер стремится искать, прежде всего, в структуре, в пластических метаморфозах театрального пространства. И здесь в его распоряжении – все элементы и компоненты театра, которые и призваны создавать определенную и неповторимую атмосферу, нравственную и философскую интонацию спектакля.

Процесс взаимодействия традиций узбекского театра с достижениями мировой сценической культуры становится сегодня данностью. В узбекском театре европейского типа в XX в. сценическое пространство в своем развитии проходит несколько этапов от простой иллюстрации событий и среды, о которых идет речь в пьесе, до сложных многоструктурных форм, а затем к многозначному символу и метафоре. Большое значение придается освещению и музыкальному оформлению. Новую выразительность режиссеры пытаются найти в гармоническом соотношении сценического пространства и всех его компонентов с литературным текстом. Только в этом случае и можно говорить о таком понятии, как сценическая атмосфера, которая дает возможность глубокого проникновения в смысл режиссерского замысла, распознавания мировоззренческой и нравственной позиции автора спектакля и их адекватного воздействия на зрительское восприятие. Благодаря сценической атмосфере зритель в конечном итоге и получает возможность сопереживать тому, что происходит на сцене.

Творческая практика ведущих режиссеров демонстрирует своеобразное отношение каждого к наследию прошлого, к художественным традициям, одновременно в них прослеживается принципиальное различие и неоднородность стилистических систем. А. Салимов, например, идет по пути метафорической образности и условности, Н. Абдурахманов обращается в своих поисках к экспрессивной поэтике театра танца и пластики, В. Умаров утверждает жизнедеятельность традиций реалистического психологического театра, О. Ходжакулиев пытается соединить метафорическую условность современного сценического языка с приемами и выразительными средствами культуры Востока прошлого. Подтверждением тому могут служить спектакли «Крик лошади в ночи» по мотивам произведений известного прозаика Т. Мурада в Театре юного зрителя им. Ю. Ахунбабаева, «Созвездие Омара Хайяма» Т. Зулфикарова в Молодежном театре, «Возвращение Алпомышы» в театре им. Муками, «Раксу Самоа» А. Навои в театральной студии «Эски мачит».

В спектакле О. Салимова «Крик лошади в ночи» четко очерчивается проблема утраты гармонии человеческих взаимоотношений и ярко высвечивается тема крушения человечес-

кой мечты о счастье в мире бездушия, где попораны элементарные понятия чести, достоинства. Полную трагических переживаний, печальную повесть о простом, обездоленном человеке, театр решает в жанре суровой романтической драмы, насыщенной поэтикой. Герой спектакля Зиядулла в исполнении Ф. Аминова - это добрый, наивный человек, который оказался беспомощным против человеческой жестокости, перед вседозволенностью и цинизмом. Герой уходит из жизни, так и не сумев побороть зло. Грустен финал, но в нем надежда на исцеление, на очищение человеческих душ. Спектакль оформлен художником Б. Амансэхетом просто и лаконично. Пространство сцены затянута в полумрак. Сверху свисают шесть жестких тугих канатов. По ходу действия они превращаются то в раскачивающиеся качели, на которых будет легко парить возлюбленная героя, то простым креплением седел. Возникнет картина стремительного бега иноходцев, которыми лихо управляют всадники. Необходимо сказать, что эта структура несет определенный эстетический эффект, создает нужное настроение в каждой сцене равно как и игра света и тени. Бесконечная и в итоге бессмысленная круговерть дает ощущение душевного хаоса и безысходности. Спектакль выстраивается О. Салимовым как непрерывно льющееся действие, где один эпизод находит логическое продолжение в другом, создавая целостную картину человеческой жизни. Сценическое пространство и атмосфера образного строя, созданного режиссером, выявляют нравственную интонацию и философский смысл произведения.

В спектакле «Созвездие Омара Хайяма» Н. Абдурахманов обращается к известной повести Т. Зульфикарова «Книга откровений Омара Хайяма». Вместе с композитором Дм. Янов-Яновским, художником И. Гуленко, балетмейстером Ш. Тохтасымовым, исполнителем главной роли А. Халмурзаевым, режиссер создает спектакль-исповедь, где человек, ставший впоследствии великим поэтом Востока, откровенно рассказывает печальную историю собственной жизни. Поэтическая притча, так можно охарактеризовать жанр спектакля, в котором возвышенность, романтическая направленность сплетаются с яркой и пластической выразительностью.

Разноцветным калейдоскопом, порой, фантастическим, проходят самые главные, узловые моменты жизни Хайяма. Каж-

дый выстроенный режиссером эпизод представляет собой выразительную картину определенного яркого события, запечатленного в памяти Поэта, произошедшего с ним то в детстве, то в юности, то в зрелые годы и становится символическим жизненным путем и перекрестком, на которых встречаются и расходятся люди. Мизансцены полны динамики, насыщены аллегорическим смыслом. В них действуют колоритные персонажи, во взаимодействии с которыми раскрывается духовный и нравственный мир героя.

Через цепь событий, где сплетены реальность и фантазия, воскрешается жизнь Поэта, раскрывается образ человека, сложной и неординарной личности, занятой поиском высшей истины, смысла бытия. Пафос спектакля видится в утверждении неумирающей силы любви и человеческой доброты, что раскрывается не только через пластический образ, но и музыкальное оформление. Музыка Дм. Янов-Яновского используется не как фон, она дает общую направленность спектаклю, создает атмосферу, диктует стилистику. В ней переданы тончайшие настроения и ощущения, всплеск чувств и неудержимый порыв трагической души поэта, раздираемой сонмом противоречий.

Принципиально новые задачи ставит перед собой режиссер В. Умаров в постановке «Возвращение Алпомышя» в театре им. Мукими. В спектакле наблюдаются поиски в направлении обновления традиций постановки музыкальной драмы, новых тем, новых форм сценической выразительности.

Обращение к пьесе У. Азима «Возвращение Алпомышя» воспринимается не только интересом театра к национальному эпосу, тягой к национальной исторической памяти, её легендам и преданиям, но, прежде всего, осознанием того, ради чего осуществляется данная постановка. Театр вступает в своеобразный художественный диалог с фольклорно-эпическим миром национальной культуры и её традиций ради понимания, обновления идей современного сознания. И в этом диалоге национальный эпос предстает как огромный пласт нравственно-философского начала.

Режиссер ставит спектакль не только о том, как мучителен и долог был путь Алпомышя к своей семье, к жене, сыну, не только о том, как, несмотря на козни, интриги, его жена Айбар -

чин мужественно и стойко выдержала испытания, выпавшие на её долю. Главным в спектакле становится раскрытие темы неподчинения злу и насилию. Зритель оказывается в бурном водовороте событий и эмоциональных потрясений. Через весь спектакль проходит четкая, простая, ясная и волнующая мысль о том, что в какие бы сложные обстоятельства ни попадал человек, он не должен терять достоинства и чести, а должен смело вступать в борьбу за свободу, справедливость. Весь строй спектакля проникнут лейтмотивом любви и преданности, утверждения всепобеждающей силы верности двух любящих сердец.

В спектакле «Возвращение Алпомышы» присутствует атмосфера сказки, проникнутой героикой, лирикой, поэтикой чувств. Это выражается в сценическом пространстве, сотканном из дерева, кожи, простой мешковины, в его пластической форме, в световой и цветовой гамме, национальных мотивах, которые прочитываются в костюмах действующих лиц. И в том, что историю об Алпомыше ведет бахши, сидящий по центру сцены, в его неторопливом неспешном ритме повествования о сложных перипетиях судьбы героя. Это и в особом освещении сценического пространства то окутанного таинственной сероватой дымкой, то озаряемого сочными колоритными красками. Это и в сценографии (художник Ш. Абдумаликов) в её иносказательном, аллегорическом языке. Треугольная конструкция, которая опускается сверху по центру сцены, причудливо трансформируется по ходу действия, приобретая разные смысловые оттенки, преобразуется, получая новые значения. Она преобразуется то в юрту, то в тандыр – приметы домашнего очага, то превращается в зиндан – своеобразный рок судьбы, который преследует Алпомышу, то в крест, который тащит на себе Алпомыш, воплощая идею крестного пути, предначертанного герою в его жизни.

Впитывая и преломляя идеи и формы эпохи, режиссура узбекского театра вбирает в себя ритмы меняющегося времени, многообразие стилей и форм современной мировой сцены. Происходит это путем преобразования современной лексики сценического языка в театральную национальную культуру. Об этом свидетельствует постановка спектакля «Раксу Самоа» на сцене каршинского театра «Эски мачит», осуществленная О. Ходжакулиевым по поэме А. Навои «Семь планет».

Интерес к спектаклю продиктован еще и тем, что впервые на сцене узбекского театра поэтическое слово великого А. Навои обрело сценическую плоть и обогатилось энергией театральной выразительности благодаря национальным обрядовым песнопениям и танцу. Все действие спектакля сопровождается и одновременно слагается из динамичных, ритмических ударов дойры. Они как биение сердца, которое жаждет любви, страдает от любви и в конечном итоге гибнет от любви. Динамичные мизансцены сменяют одна другую, обнажая причудливую вязь композиции спектакля, в котором нет статичных сцен. Он подобен речному потоку, который ни на секунду не останавливается, завораживая своей чарующей тайной и силой.

Смысловой основой спектакля становится тема о всепоглощающей силе любви, силе страсти, желания. Режиссер пытается ответить на извечный вопрос: что же заключает в себе понятие «любовь»? Чувство, возвышающее человека, или сила, которая может превратить его в пленника, в раба, ввергнув в пучину страсти. Может ли противостоять человек этой стихии, если сам Навои настаивает: «Влюбленного к спасенью не зови: он гибнет за пределами любви»? Режиссер сочиняет спектакль, облекая эту мысль в причудливые сценические образы, четкие, графические мизансцены. Выразительна пластика основных героев и персонажей, их движения, позы, жесты. Завораживает сцена, когда шах Бахрам видит портрет Дилором, который вырисовывается на дойре. Очарованный красотой, шах (И. Тураев) начинает медленное кружение на месте, оно продолжается достаточно долго и в этом действии прочитывается сильная метафора, возникающая из смысла стихотворного ряда Навои, передающего рождение любви.

В этом спектакле нет занавеса (сценография М. Сошиной). Пространство сцены преобразуется длинными шестами. Включая воображение зрителя, актеры совершают ими пространственные превращения. Скрещиваются шесты и они с легкостью становятся шахским шатром, выстраиваются по прямой и предстает движущийся по пустыне караван с неповторимым звоном колокольчиков, с которым прибывает к шаху красавица Дилором. Чуть приглушенная сероватым отсветом дымящейся травы световая гамма, стилизованные национальные мотивы театрального костюма, в котором преобладают корич

нево-красные тона, звуки дойры, то напористые и раскатистые, то нежные и трепетные - все несет в себе нечто таинственное и завораживающее, романтическую и поэтическую интонацию, связанную с темой спектакля.

Сценическое пространство этого театрального действия предполагает необычайную собранность и серьезность актерской игры. Запоминаются лирические интонации, драматический накал переживаний, тонкие психологические мотивировки, душевные нюансы и отточенный рисунок пластики И. Тураева и О. Халиловой. В их игре прочитывается напористость мысли и вместе с тем сдержанность чувств. Они наполняют образы многозначным внутренним содержанием, четким определением и раскрытием смысловых акцентов.

В этом гармоническом соотношении актерского исполнения, сценического пространства и всех его компонентов с литературным текстом и рождается сценическая атмосфера спектакля, в котором звучит интонация душевного трепета и сомнений человека, попытавшегося распознать вселенское чувство любви. Возможно, потому и означает «Раксу Самоа» – «Небесный тенец», ибо приоткрывает тайну мудрого слова А. Навои.

Опыт театральных постановок узбекской сцены на рубеже XX и XXI вв. дает представление о процессах, происходящих в сфере формы сценического пространства, создания сценической атмосферы спектакля, отражающей и выражающей собой проблемы как в целом современного мира, так и отдельного человека.

Сарвиноз ҚОДИРОВА

ЎЗБЕК ТЕАТРИДА ЗАМОНАВИЙ МАВЗУ ТАЛҚИНАЛРИ

Замонавийлик адабиёт намояндалари, рассом, бастакор, умуман, ижод аҳли учун турли давр ва ижтимоий формациялардан қатъий назар, қайта-қайта мурожаат этиладиган, эътиборида турадиган масала ҳисобланади. Ҳар бир даврнинг ўз мавзуси, ўз қахрамони, ўз идеали бўлган ва бўлади. Биз бугунги кунда мустақилликни қўлга киритган, турли соҳаларда дидил олға қадам ташлаётган Республикамиз театр санъати олдидан турган муаммолардан – замонавий мавзудаги сахна асарлари яратиш, тарихий ёки классик асарларнинг замонавий талқинлари ҳамда томошабинларнинг замонавий мушоҳадаларига тўхталмоқчимиз.

«Замонавийлик – театрнинг нафаси, унинг жони ва қони» - деган эди Г. Товстоногов. Дарҳақиқат, театр жонли мулоқотни талаб этадиган санъат тури бўлганлиги туфайли ҳам ҳаётга яқин туради. Зеро, унда актёрларнинг жонли талқинлари, хатти-ҳаракат ва кечинмалари атрофдагиларни бефарқ қолдирмайди. Театр сахнасида кўрсатилаётган воқеалар замонавий ҳаётдан, яқин ёки узоқ ўтмишда кечган воқеалардан баён этса-да, ҳозир сиз билан биз замондош бўлган даврда кечаётганлигини унутмаслигимиз лозим. Томошабин спектаклнинг иштирокчисига ёки кузатувчисига айланади. Сабаби, сахнада ҳаётнинг шундай жараёнлари акс этадики, томошабин бефарқ қололмайди. Гап шундаки, театрда сахналаштирилган ҳар қандай асар, хоҳ у мумтоз таржима асар, хоҳ у замонавий мавзудаги маиший комедия бўлсин, нимадир жиҳати билан замонага ҳамоҳанг бўлганлиги туфайли ҳам режиссёр томонидан қўлга олиниб, актёрлар томонидан жонлантирилади.

Дарҳақиқат, ҳақиқий ижодкор ўз даврини тасвирлашда маҳоратини кўрсата билиши керак. Айнан у яратган асарлар орқали кейинги авлод ўша давр руҳиятини, кечинма ва характерларини ҳис эта олсин. Замонавий асар бу фақат ҳозиржавоб, долзарб, айни пайтдагина аҳамиятли асар эмас. Тарихдан маълумки, кўп ҳолларда ҳозирда актуал ҳисобланган мавзулар, бир йил ёки ундан ҳам кам вақт ўтгандан сўнг ўз долзарблигини, ибрат-

лилиқ хусусиятини йўқотган. Шундай мавзулар кўтариб чиққан асарлар борки, уларда асрлар оша ижодкорлар замоналарига ҳамоҳанг муаммоларни топа оладилар.

Тўғри, ҳақиқий замонавий асарда воқелиқда кечаётган муаммолар, кечинмалар ўз ифодасини топади. Бироқ ҳамма яратилган ва яратилаётган бадий асар ҳам замонавий бўлавермайди. Бир давр, бир муҳит, бир жамиятда яшаб, ижодкорлар ўзлари гувоҳи бўлган замонавий ҳаёт акс эттирилган асарлар яратадилар. Бироқ бу асарларнинг аксариятини ҳам замонавий дея олмаймиз. Замонавийлик ижодкордан узоқни кўра билишни талаб этади. Машҳур адиб Р. Роллан шундай деб ёзганди: «Буюк ижодкор – доимо ўз даврининг акс эттирувчи кўзгуси бўлади, унинг дунёқараши орқали давр ўзига ва ўзига назар ташлайди»¹.

Кейинги йилларда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан уюштирилган қатор театр фестивалларида айнан замонавий мавзу, замонавий қаҳрамон ҳамда замонавий талқин муаммоларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2004 йилда вилоят миқёсида ўтказилган «37+1» лойиҳалар асосида замонавий мавзуда ёзилган саҳна асарлари 1-Республика кўрик танлови, «Дебют-2005» ёш режиссёрлар кўриги, шунингдек, сўнгги «Ниҳол-2006» талабалар театр санъати фестивали фикримизни исботлайди. Бундан ташқари, барча пойтахт ҳамда вилоят театрлари репертуаридан албатта, жанрий муносабатидан қатъий назар, замонавий ҳаёт муаммолари, қаҳрамонлари акс этган спектакллар ўрин олган.

Драматургия спектаклнинг асосидир. Драматург кундалиқ воқелиқда давр муаммоларини, кичик-кичик маиший батафсилликда замон руҳиятини илғай олади. Пьеса – бу воқелиқдан олинган ҳаётнинг материал бўлиб, қизиқарли фактлар, драматик конфликт ва ғоя билан бойитилган бўлади. Томошабин спектаклга тушгандан сўнг, мана шу актёр ва режиссёр томонидан берилган материални қабул қилади ва ҳаётга, замонага чуқурроқ муносабат билдиради.

Ўзбек драматургиясида замонавий мавзу доимо асосий ўринларни эгаллаб келган. Кейинги йилларда драматургларимиз воқелигимизнинг турли жабҳаларини кўрсатишга, муаммоларни ёри-

тишга ҳаракат қилмоқдалар. Драматургларимизнинг асосий ва-вифаси ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ўз улушларини кўшишларида. Бу соҳага қўл урган ижодкор катта ҳаётнинг тажрибага эга бўлиши, саҳна қонуниятларини бир оз бўлса-да ҳис эта олиши лозим, ана ўшанда томошабинни ишонтира оладиган асарлар ярата олади. Драматург халқ дарди, унинг муаммолари билан яшаши лозим. Машҳур режиссёр С. Образцов замонавий мавзудаги асарлар ҳақида шундай деганди: «ҳар қандай пьеса, шу жумладан, замонавий-маиший пьеса ҳам, фақат замонавий бўлганлиги учун қизиқарли бўлмайди. Улар маълум ғояни тараннум этгандагина қизиқиш уйғотади»². Дарҳақиқат, замонавий деганда фақат вақт бирлиги назарда тутилмайди, унинг кеча ёки бугун ёзилганлиги, ҳозирги кун ҳақида ҳикоя этаётганлиги эмас, балки унда кўтарилган муаммо ва масалалар кўлами асосий эътиборни талаб қилади. Оддий эртак ҳам бошқа пьесалар қатори замонавий жаранглаши мумкин, лекин у аждодларимизнинг бундан неча аср аввал оғзаки ижод маҳсули. Демак, ҳамма гап ёзилиш вақти, тасвирланган воқелиқда эмас, балки замонага ҳамоҳанг муаммоларнинг ёритилишида.

Инсон характерини ифодалашда қаҳрамоннинг ички дунёсига кириб борилмаса, на ишонарли образ ва на миллий қаҳрамон дунёга келади. Ҳозирги кунда саҳна асарлари мавзусининг сийқалашиб кетиши ҳақида ҳам очиқ айтиш керак. Баъзан драматургларимиз ҳаётнинг мувозанатни кўрсатиш ўрнига схематик ҳаётни тақдим этадилар. Қаҳрамонлар нутқи масаласида ҳам ўйлаб кўриш керак. Нутқ қаҳрамон характерини ифодаловчи восита. Баъзи вақтларда айнан нутқ дабдаба, юзаки бўлиб қолмоқда. Жонли тилдан йироқ, инсон хусусиятини очишдаги сунъийлик, баландпарвоз гаплар замонавий қаҳрамон моҳиятига тўғри келмайди. Драматург ҳаётни яхши билиши лозим дедик. Зеро, бадий тўқима билан бир қаторда асар воқелиқ ифодаси билан ҳам ажралиб туриши керак. Драматургларимизга саҳна сирларини билмаслик ҳам ҳалақит беради. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг асарлари саҳнавий ҳаракат етишмаслиги, драматизмнинг бўшлиги, конфликтнинг асосли эмаслиги, персонажларнинг сўзамоллиги билан ажралиб туради. Бу гаплар маҳоратга бориб тақалади, маҳорат эса тажрибани талаб қилади.

¹ Роллан Р. Сочинения в 14 томах. Т. 14. М., 1958, с. 577.

² Смирнова Н.И. Театр Сергея Образцова. М., 1971, с. 81.

Замонавий мавзулар асосида яратилган спектаклларни томоша қилиш жараёнида шу нарсага эътибор бердикки, драматургларимиз ҳамда театрларимиз томонидан асосан аср вабоси – гиёҳвандлик, наркобизнес, терроризм, ватанфурушлик мавзусидаги «Қабоҳат тузоғи-XXI» (Ёшлар театри, сценарий муаллифи ва реж. Ж. Юсупов), «Қора вабо» (Каттақўрғон шаҳар театри, Ў. Расул асари, реж. А. Ниёзов), «Қайтар дунё» (А. Ҳидоятлов номидаги драма театри, С. Азларов асари, реж. Ў. Файзиев), «Бойқуш» (Жиззах театри, Т. Мақсуд асари, реж. И. Норматов), «Осмоннинг бағри кенг» (Муқимий номидаги мусиқали театр, С. Сирожиддинов асари, О. Абдуллаева мус., реж. Б. Холмирзаев), «Тўда» (ўша театр, Н. Қобил асари, реж. М. Азизов), «Тўй» (Сирдарё вилоят театри, Қурбон Муҳаммад Ризо асари, реж. Ж. Махмуд), «Хазон бўлган умр» (Сурхондарё вилоят театри, реж. М. Рашидов, Ф. Болтаев), «Заҳарли томчилар» (Ёш томошабинлар театри, Т. Малик асари, реж. Б. Фозилов) каби спектакллар сахналаштирилган. Бозор иқтисодиёти шароитида кенг авж олган тадбиркорлик «Бегойим» (Андижон мусиқали драма театри, Н. Мўйдинов асари, реж. Ж. Тошхўжаев), маиший мавзудаги, давр руҳияти акс этган «Устаси фаранг» (Андижон давлат Ўшлар театри, А. Аъзам асари, реж. К. Йўлдошев), «Боғ» (Наманган вилоят мусиқали театри, Н. Аббосхон асари, реж. Ш. Абдуллаев), «Қўш кабутар» (Фарғона вилоят мусиқали театри, Л. Ҳакимов асари, реж. М. Юсупов) спектакллари мисол бўла олади. Улар турли жанр воситалари билан турли услубда сахналаштирилган. Мавзу бир, бироқ сахнавий талқинлар ўзгача.

Замондошларимизнинг руҳий оламини тасвирлаш – мушкул вазифа. Актёрлар замонавий мавзу акс этган спектаклларда ўзларини эркин, баъзида ҳеч қандай тайёргарликсиз, образга ижодий ёндашмаган ҳолда, ўзларини ёхуд ўзларига ўхшаган замондошларининг қиёфаларни ижро этадилар. Кўп ҳолларда декорациялар бошқа спектакллардан ижарага олинади. Кийимлар эса актёрлар бисотидан тўлдирилади. Айниқса, бу вилоят театрларида намоён бўлади. Режиссурага келадиган бўлсак, асар тематикасига қараб, агар ҳозирги кун маиший муаммолар акс этган бўлса, ҳеч иккиланмасдан, актёрга таянилади.

Замонавий мавзуда яратилган спектаклларда, асосан, комедияларда томошабин учун ўйнайдиган сўзлар, қочиримлар, сах-

налар жуда кўп. Характерлар ривожланишда берилмайди, спектаклларда натижани кўрамиз, холос. Мазкур спектаклларда стереотип бўлиб, штампга айланган образлар жуда кўп.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон театрлари сахналаридан ёш авлод, миллатимизни жаҳонга танитган олиму фузалолар, алломалар, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти акс этган сахна асарларини кўриб қанчалик тўлқинланса, жамиятимизда шу кунда кечаётган воқеаларни акс эттирувчи, не қийинчиликлар билан эришилган истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашаётган қаҳрамонлар тасвирланган замонавий мавзудаги асарлар ҳам шунча жунбушга солиши даркор. Бунинг учун эса сахна ижодкорлари драматург билан биргаликда долзарб, шунингдек, умуминсоний ҳаётини мавзуларни топа билиши, режиссёрлар таъсирчан ифода воситалари ёрдамида сахналаштириши лозим.

Тўғри, шўролар даврида ҳам миллий драматургларнинг тарихий, замонавий мавзуда ёзилган сахна асарлари театрларимизда қўйилган, албатта. Драматурглар М. Шайхзода, К. Яшин, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Уйғун, И. Султон, З. Фатхуллин, С. Азимов, Р. Бобожон, О. Ёқубов ва бошқа кўплаб қалам аҳлини эслаб ўтиш мумкин. Бу муаллифларнинг жуда кўп сахна асарлари ўз бадиийлик хусусияти, характерларининг ишланиши, сахнавий хатти-ҳаракат ҳукмронлиги билан ҳозиргача ибрат вазифасини ўтайди. Бироқ бир қатор асарлар эса табиийки, шўролар мафкураси остида ёзилган бўлиб, уларда бадииятдан кўра кўпроқ сиёсатга маъқул келадиган мавзулар, қаҳрамонлар танланганини кўрамиз. Миллатимизнинг ўй-фикрлари, қувончу ташвишлари «байналминал» совет халқи турмуш нормаларидан четга чиқмаган ҳолда акс эттирилган, советлар мафкурасига хизмат қилган.

Замонавий мавзу ўз-ўзидан замонавий қаҳрамон муаммосини келтириб чиқаради. Бу қаҳрамонлар драматург қаламидан чиққан бўлишига қарамай, ҳаётини, индивидуал, фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга, шу билан бир қаторда муаллифнинг орзусидаги қаҳрамон, яъни қандайдир сифатларни умумлаштирган образ бўлиши керак. Бунинг учун драматургларимиз ҳаётни узлуксиз ўрганишлари, шу қаҳрамонларнинг қайсидир белгиларини ўзида мужассам этган инсонларни кузатишлари лозим. Замонавий қаҳрамон курашларда чиниқи-

ши, тобланиши, характери қатъийлашиши керак. Шуниси эътиборлики, замонавий қаҳрамон қуруқ ваъзхон эмас, балки тирик инсон, ҳеч қандай инсоний фазилатлар унга ёт бўлмаслиги керак. Қаҳрамон характеридаги ўзгаришлар, иккиланиш, зиддиятлари билан ҳаётий ва томошабинга яқин бўла олади.

Бир вақтлар шўролар мафкураси ҳукмронлиги даврида фақат компартияга содиқ, ғоявий чиниққан кишилар замонавий қаҳрамон, аниқроқ қилиб айтганда, ижобий қаҳрамон бўлишга ҳақли эдилар. Оддий халқ вакиллари бу даражага лойиқ деб топилмасдилар. Ҳозирда давр қаҳрамони бу каби табақаланишдан холи. Ҳамма гап образнинг мазмуни, мақсади ва интилишларида. Кўп ҳолларда замонавий қаҳрамонлар фаол, ҳаракатчан, тез фикрловчи шахслар этиб гавдалантириладилар. Албатта, бу яхши фазилат. Уларнинг фаолиятлари жамиятимиздаги қайси бир соҳани ривожлантириш, иллатларни бартараф этишга хизмат қилса айни муддао. Мазкур қаҳрамон ўз манфаатини эмас, ўзгалар манфаатини ўйлаб яшаш, ўз феъл-атвори, хулқи, характери билан ўзгаларда ҳавас уйғотиши керак.

Мустақиллик шарофати билан янги эътиқодга эга бўлган замонавий қаҳрамон юзага чиқди. У ўзлигини таниган, миллат ва элатни севувчи, она ерини ардоқловчи, замонавий йигит ва қизлар. У халқимиз донолиги, софлик ва гўзаллик ҳақида тасаввурлари мужассамлашган, умри меҳнатда ўтган қарияларимиз. У миллий ғурури бутун, ҳаёт машаққатларидан чўчимайдиган, йўлидан оғишмайдиган шахс. Ҳозирги кунда замонавий қаҳрамон қиёфаси қандай бўлиши керак деган саволга жавоб бор, илк адабий ҳамда саҳнавий уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бироқ масала ҳали якунига етгани йўқ.

Замонавий мавзу талқинлари хусусида гап борар экан, албатта, мумтоз асарлар замонавий талқинлари ҳақида тўхталиб ўтмаса бўлмайди. «Классика, ҳар қандай замонавий пьеса каби тарихий... Ижро услуби, декоратив ва мусиқали ечим классик ва замонавий пьесада бир хилда замонавий бўлиши даркор»³. Маълум бир театр жамоаси бирор мумтоз асар сахналаштиришга қўл уради экан, унда замонага мос муаммо ва мулоҳазаларни топишга интилади. Ҳеч кимга сир эмаски,

мумтоз асарларни сахналаштириш театр жамоаси, актёрлари ҳамда режиссёр учун катта масъулиятни талаб этади. Театр маълум тайёргарликка эга бўлиши, у ёки бу саҳна асарини танлаганда ўз имкониятларини ҳисобга олиши даркор. Замонавий талқин деганда, спектаклнинг образли ечимидаги модерник ифода воситалари, актёрлик санъатидаги новаторона ижролар назарда тутилмайпти. Шундай саҳнавий асар яратиш лозимки, ҳозирги томошабин бу спектаклни кўра туриб, ўзи учун хулосалар қилсин ва унда бир неча маротаба шу спектаклни кўриш эҳтиёжи туғилсин. Бунинг учун режиссёр актёрлар ансамбли ҳамда театр компонентлари билан ҳамкорликда ўша нуқтани, ўша руҳиятни топа билиши лозим.

Замонавий мавзулар турли жанрларда ўз ифодасини топмоқда. Бу яхши. Турли жанрлар турлича муносабатни талаб этади. Масалан, комедия баъзи камчиликларни фош этиш орқали янгисини тасдиқлайди. Драмада жиддий оҳангларда замонавий ҳаёт кўтариб чиққан муаммоларга жавоб изланилади. Энг муҳими, қайси жанрда бўлишига қарамай, воқелик ҳаққоний акс этирилса, қаҳрамонлар жонли, индивидуаллаштирилган ҳолда ўз ифодасини топса бўлгани. Бироқ ҳозирги кунда замонавий ҳаёт муаммолари кўпроқ драматургия ҳамда театр сахналарида асосан маиший мавзудаги, оилавий муаммолар акс этган спектаклларда намоён бўлмоқда. Шу сабабли, анъанавий томоша санъати ифода воситалари қўлланган, миллий колорит билан ажралиб турувчи, ўзбек хонадони муаммоларини ёритувчи маиший комедиялар театрларимиз репертуаридан салмоқли ўрин олмоқда. Бу бир томондан, томошабинларни театрға қайтарди, иккиламчи театрларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ёрдам берди ва минг афсуски, репертуардаги меъёрнинг бузилишига ҳам олиб келди. Ривожланиб бораётган демократик давлатнинг театр санъати нафақат бу каби миллий руҳ, кулги, баъзида бачканалик уфуриб турадиган спектаклларни сахналаштириши, шунингдек, бошқа санъат турлари билан рақобат қила оладиган классик, тарихий асарлар ҳам қўйиши даркор.

Театр санъатидаги азалий муаммолардан бири томошабинни театрға қайтариш масаласидир. Буни қарангки, ҳар бир театрнинг ўз томошабини бўлиши керак, томошабин доимо ҳақ, театр томошабин ортидан эмас, томошабин театр орти-

³ Товстоногов Г. О профессии режиссёра. М., 1964, с. 79.

дан эргашиши лозим деган ҳақиқатларни кўп маротабалаб эшитамиз ва ишлатамиз. Лекин амалда кўп ҳолларда томошабин театрларга мажбуран чипта тарқатиш орқали жалб этилмоқда. Шу билан бирга, маиший, замонавий кундалик ҳаёт муаммоларини ёритувчи, енгил, кулдирувчи спектаклларга томошабин ўз ихтиёри билан, ҳатто бир неча маротабалаб тушмоқда. Театр раҳбарияти ҳам бир ойда икки уч мумтоз драматургия намуналари, тарихий драма ва замонавий мавзудаги драмаларни намоиш этишдан кўра, харидорбоп спектаклни кўрсатишни афзал кўрмоқда. Тўғри, бу бозор иқтисодиёти. Лекин маънавиятни, инсон руҳиятига таъсирни нечта чипта сотилгани билан ўлчаб бўлмайди-ку. Бизнингча, бу масала нафақат театр мунаққидларини, балки барча санъат мутахассисларни ҳам қийнаб келаётган муаммо бўлса керак. Зеро, бошқа санъат турларида ҳам шу масала кўндаланг турмоқда.

Хуллас, театрларимизда замонавий мавзу ва замонавий қаҳрамон яратиш, замонавий талқин ҳамда замонавий идрок этиш хусусида изланишлар олиб борилмоқда. Замонавий мавзулар асосида яратилган спектаклларни томоша қилиш жараёнида шу нарсага эътибор бердикки, изланса, ишланса, биз ҳавас қиладиган ва орзу қиладиган асарлар ёзса ва сахналаштирилса бўларкан. Ҳозирда драматургларимиз ҳам, сахна амалиётчилари ҳам изланишда.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА

ТАРИХИЙ ДРАМАДА БАДИИЙ ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ МУАММОСИГА ДОИР

Истиқлол даври мамлакатимиз театр санъатини сарҳисоб қиладиган бўлсак, сахналаштирилган асарлар орасида тарихий мавзудагилари етакчилик қилганлиги кўзга ташланди. Маълумки, тарихий мавзунини ўзлаштириш замонавий мавзуга қиёслаганда, бирмунча мураккаб. Зотан, сахна асарларини яратишда етакчи унсурлардан бири саналган бадий қаҳрамон муаммоси ҳам бу мавзу ечимида алоҳида талабларни ўртага қўяди. Зеро, яратилаётган образ нафақат ўз прототипига ҳамда халқ хотирасида муҳрланган қиёфага муносиб бўлиши, шунингдек бугунги кун томошабини қалбига ҳам қай бир маънода яқин бўлмоғи лозим. Мураккабликларга қарамай, сўнгги йилларда бу йўналишда ўзига хос воқеа бўларли асарлар яратилаётгани мавзунинг халқ қалбига нафақат яқинлиги, балки унинг муҳимлиги билан ҳам изоҳланади. Ўтган қисқа вақт мобайнида республика театрларида тарихий мавзуларда юздан ортиқ асар сахналаштирилганлигининг ўзи бу мавзуга қизиқишнинг нечоғлик кучли бўлаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги янги даврга келиб ушбу мавзунини ўзлаштириш учун қулай шароит ҳам яратилди. Хусусан, тарихий шахслар ва қадриятлар ҳақида гапириш имкониятининг туғилиши Тўмарис, Термизий, Имом Бухорий, ал-Фарғоний, Амир Темур, Бобораҳим Машраб, Заҳриддин Бобур сингари аввалги тузум томонидан бирмунча «сиқиб қўйилган» шахсларга бағишланган сахнавий асарлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Натижада, биргина Амир Темур шахсининг турли қирраларини акс эттирган ўндан ортиқ сахна асарлари дунёга келди. Абдулла Ориповнинг қатор театрлар эътиборини ўзига тортган «Соҳибқирон» драмаси, ижодий жамоаларнинг қарашлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турлича талқин қилинди. Хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрида (реж. О. Салимов, рас. Б. Амансахатов) фалсафий-романтик-драма услубида талқин этилган спектаклда қаҳрамонлар характери ва ҳолати ички драматизм билан бойитилиб, психологик таҳлил ёрдамида намоён этилди. Режис-

сёр асосий эътиборини бош қаҳрамоннинг (актёр Т. Мўминов) кучли қиёфасини очишга, ягона ва кучли давлат қуриш ниятидаги инсоннинг мураккаб қисматини ҳамда унинг шу йўлдаги изтиробларини намоён этишга қаратди. Драматик асарнинг қатор ўринларини қисқартириш, унга хор, башоратчилар иштирок этган муқаддима, хотима каби компонентларни киритиш оқибатида композицион жиҳатдан яхлит спектакл яратилди.

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё театрида сахналаштирилган Қилич Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» асарида икки тарихий шахс ўртасидаги тўқнашувга катта ҳаётий ва фалсафий маъно юкланган бўлиб, у спектаклда икки дунёқараш тўқнашуви тарзида ҳал қилинган. Ўзига хос феъл-атворли, жасур ва улғу саркардаларнинг юзма-юз учрашувлари, фитнес уюштирувчи роҳиб Иоаннинг хатти-ҳаракатлари, воқеаларни кўзгудек шарҳлаб борувчи Масхаранинг изтироблари орқали спектаклда Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги низо ва фожианинг асосий сабаблари ойдинлашади. Бу спектаклнинг ушбу мавзудаги бошқа асарлардан фарқи шуки, бу ерда Боязид ҳақиқий Рум қайсари, кучли рақиб сифатида онгли равишда дадил ҳал қилинган. Амир Темур эса нафақат куч-қудрати, баҳодирлиги, шунингдек ақл заковати, инсонийлик хислатлари ила ҳам ундан устун.

Бу икки шахс ўртасидаги қарама-қаршиликлар Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг «Амир Темур» спектаклида ҳам ўзига хос аксини топди. Озарбайжон драматурги Хусайн Жовиднинг «Амир Темур» (1925 йилда ёзилган) драмаси асосида (реж. В. Умаров) сахналаштирилган спектаклда қарама-қарши кучлар сахнада тўқнашмайди, балки уларнинг ўртасидаги кураш конфликтнинг ёпиқ шаклида амалга оширилган. Анъанавий ечимлардан фарқли, ушбу спектаклда бош қаҳрамон кўп ҳаракат қилмайди, у кам сўзлайди, воқеалар ривожиди сахнада бир неча бор статик ҳолатда намоён бўлади. Бош қаҳрамон характери асосан атрофдагиларнинг гап сўзлари, муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Шундай бўлса-да, спектаклда Амир Темур сиймоси салобатли ва жасур саркарда, турк халқларини бирлаштиришга бел боғлаган ёрқин фикрли, буюк шахс сифатида гавдаланади.

Сўнгги йилларда улғу аجدодларимиз – тарихий шахсларнинг қутлуғ таваллудлари муносабати ила ҳукумат қарорларининг чиқарилиши шу шахсларга бағишланган ўнлаб асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Юбилейлар муносабати билан маълум бир шахснинг ҳаёти ва фаолияти чуқур ўрганилаётганини ижобий баҳолаган ҳолда, бир нарсани таассуф ила таъкидлаш жоиз. Зеро, театрлар қарорларни рўқач этиб, баъзан ҳали пишиб етилмаган асарларни ҳам халққа ҳавола этиб юбораётганлари боис, қатор спектакллар вақт синовларига чидаш бера олмай тез орада театрлар репертуаридан тушиб қолаяпти. Хусусан, 1999 йили Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан Имом Бухорий ҳақида 8 та, Фарғоний ҳақида 7 пьеса майдонга келди ва уларнинг аксари сахналаштирилди.

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорийга бағишланган пьесалар орасида Усмон қўчқор қаламига мансуб «Расуллулоҳ котиби» драмаси ўзининг бадиий ва сахнавий ечимига (Самарқанд вилояти Ҳамид Олимжон номидаги драма ва мусиқа театри) кўра эътиборлидир. Маълумки, XX аср маҳсули бўлган ўзбек драматургиясида хукмрон мафкура тазйиқи ва кўрсатмаларига амал қилиниши баробарида, аксар ҳолда дин уламоларини ўта мутаассиб, илм-урфон ва тараққиётга қарши қилиб тасвирлаш анъанага айланганди. Диний арбоблар асардаги етакчи персонажларга зид ҳаракатлар қилар, асардаги виддият ва қарама-қаршиликлар аксар улар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилар эди. Сўнгги йилларда яратилган кўпгина драматик асарларда бу йўлда ўзига хос ўзгаришлар содир бўлгани кўзга ташланади.

Усмон Қўчқор Имом Бухорий образи устида иш бошлар экан, ҳазрат яшаган давр қарама-қаршиликлари ва зиддиятларидан келиб чиқиб «Ал-муосарату сабаб ул-муофарати», яъни «замондошлик адоватнинг сабабидур», деган нақлни асар ғоясига сингдиришга интилди. Воқеаларни кескин, шиддатли курашлар, қаттиқ олишувлар, инсон ҳаётидаги улкан ўзгаришлар асосида ривожлантиришни талаб этадиган ушбу ғоя маптиғидан келиб чиққан муаллиф Бухорий образини яратишга киришар экан, ўз қаҳрамонининг иқтидори ва тафаккури қанчалик юксак бўлмасин, заминий хийла-бўхтонлар, аулму зўровонлик қаршисида ожиз қоладиган бир инсон си-

фатида тасвирлашни ўзига мақсад қилиб қўйди. Драматург томонидан танланган гоё асар конфликтини аксар тарихий драмаларга хос, икки қарама-қарши қутбда турган кучлар ўртасида қуришга имкон берган. Ижодкор Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадислари, ислом ақидаларини теран англаб, кенг мушоҳада орқали халққа етказишга интилган аллома образини чизиш баробарида ўз тафаккур доирасидан келиб чиқиб, Қуръони карим ва ҳадисларнинг маъносини тор, маҳдуд тушунадиган, уларга нуқул хурофий тус беришга ҳаракат қиладиган, бидъат ботқоғига ботиб қолган мутаасиблардан фарқли ўлароқ, ислом дини инсонни камолот сари элтадиган, ҳидоят йўлига бошлайдиган дин экани, башариятга маълум бир масъулиятлар юксалиши баробарида катта маънавий эркинликлар берганини теран англаган инсон қиёфасини ойдинлаштиришга интилади.

Имом Бухорий драманинг асосий фалсафий гоёсини ифода этувчи шахс сифатида гавдалантириллар экан, бош қаҳрамон ҳар қанча оғир вазиятларга тушганда ҳам синмайдиган, эътиқодидан қайтмайдиган инсон қиёфасида тарихан тўғри ечим топган. Тўғри, драмада бош қаҳрамон образини яратишда ўзига хос муваффақиятга эришилган бўлса-да, бироқ унда эътирозли ўринлар ҳам кўзга ташланади. Зеро, драмада сахнавий асарнинг асосий ҳал қилувчи кучи ҳисобланмиш драматик ҳаракат муттасил кескинликда кечмайди. Имом Бухорий ва унинг тарафдорлари фаолиятидаги кураш ҳам жуда суёт бўлиб (буни драматик асар табиати талаб этади), очиғи, амалда асар сюжет чизигида персонажлар қисматидан изчил ўсиб чиқиб, томошабин кўз ўнгида тобора шиддатли тус олувчи алоқалар, муносабатлар яққол сезилмайди. Аксинча асарда кескинликни келтириб чиқарувчи қатор воқеалар ҳаракатдан ташқарида содир этилади ва бу хусусда фақат хабар бериш билан чегараланилади. Баъзи ўринларда қаҳрамонлар психологизми ҳодисалардан ажралган куйи тавсифланади.

Танланган жанр табиатига кўра, бош қаҳрамон гоёвий мақсади йўлида ўзига нисбатан фитна уюштираётган кучларга қарши курашиб маълум бир тўқнашувларни енгиб ўтса, унинг характери ёрқин намоён бўлар ёки изтиробли тўқнашувлар натижасида қаҳрамон янада чуқурроқ руҳий изтиробларга тушса (айнан шу усул билан ҳам мавжуд зиддиятларга қараш

алломанинг нима учун курашмаганини ишонарли очиш мумкин эди) асарнинг таъсир кучи ҳам шунга кўра ошиқроқ бўлар эди. Бу кемтикларни асар конфликтини, психологизмни чуқурлаштириш, Имом Бухорийга ғанимлик қилган Зухалий ва унинг шогирдлари образларида содир бўлган ўзгаришларнинг ҳаётий асосларини ишонтитарли очиш устида иш олиб бориб ҳал қилиш ҳам мумкин эди. Бироқ афсус, асарда кескинликни келтириб чиқарувчи воқеалар топилгани ҳолда (аксар ҳолатларда улар сюжетдаги ҳаракатдан ташқарида содир бўлади), улар зарур мантиқ ила ривожлантирилмагани боис, кескинлик зарур пардаларга кўтарилмаган.

